R 496
1980/9

ISSN 0134—2207




Гулистон

9
1980







КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

> Ҳар бир съезд партиямиз ва мамлакатимиз олдида янги уфқлар очиб берди. Коммунистик қурилишнинг келгуси босқичидаги кураш стратегияси ва тактикасини белгилаб бериши лозим бўлган ўтажак съезд ҳам худди шундай бўлишига аминман.
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.



5 МИЛЛИОН 850 МИНГ ТОННА УЧУН!

Эртакка ўхшайди: 1913 йили Ўзбекистон жами 517 минг тонна пахта етиштирган, ўртача ҳосилдорлик 12 центнерга тўғри келган эди. Улуғ Октябрь шарофати билан кишиларда меҳнатга янгича муносабатнинг пайдо бўлиши, пахтачиликда орттирилган тажрибалар, қишлоқ хўжалигига фан-техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, қўл меҳнатини камайтириш ва ишнинг асосий қисмини механизмлар зиммасига юклаш сингари бир қанча самарали омиллар туфайли бугунги кунда республикамиз пахтакорлари 5 миллион 850 минг тонналик, улкан «оқ олтин» ҳосили кўтариш шарафига муяссар бўлмоқдалар. Бу юксалиш партия ва ҳукуматимиз деҳқончилик борасида кўрсатаётган ғамхўрликнинг амалий натижаси эканини фахр билан айтиш лозим. Дарҳақиқат, деҳқончилик мазмуни ўзгарди. Бугунги деҳқон вақт ўғирлаган имкониятларни илм-фан ёрдамида қайтариб олмоқда. Ниҳоятда оғир келган, экиш мавсуми жуда ҳам кечикиб кетган, бунинг устига, бутун республика пахта майдонининг қарийб ярми қайтадан экилган 1978 ва 1979 йиллар тажрибасини эслаш кифоя.

Ўзбекистон пахтачиликнинг СССР халқ хўжалигидаги мавқеи йилдан йил мустаҳкамланиб бориши учун имконият яратмоқда. «Ҳозир, илмий-техник революция даврида нафақат енгил ва озиқ-овқат, балки оғир саноат — автомобиль, авиация, электротехника ва кимё саноати ҳам пахтачиликсиз тараққий эта олмайди,— деб таъкидлайди ўртоқ Ш. Р. Рашидов.— Мамлакат экономикасида тутган ўз мавқеига кўра, пахта энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. У металл, нефть, нон билан бир қаторда туради!»

Республикамиз пахтачилиги тўхтовсиз равишда ўсиб бораётгани қонунийдир. Тўққизинчи беш йилликда ўзбек деҳқонлари Ватанга 24 миллион 500 минг тонна — КПСС XXIV съезди асосий йўналишларида кўзда тутилганидан 2 миллион 300 минг тонна, саккизинчи беш йилликка нисбатан эса 4 миллион 600 минг тонна кўп пахта етказиб бердилар. Ўнинчи беш йиллик натижалари янада баракали. 1976 йили 5 миллион 335 минг 600 тонна, 1977 йили 5 миллион 676 минг 400 тонна, 1978 йили 5 миллион 500 минг 200 тонна пахта етиштирилгани шундан далолат беради. «Йил сайин пахта ҳосилини кўпайтираётган совет Ўзбекистони меҳнатчиларининг муваффақиятларини барча совет кишилари юксак баҳолайдилар,— деди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев.— Ўтган йили у 5 миллион 760 минг тонналик хирмон кўтарди. Биз, эътироф этишимиз керакки, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг мана шу ғоят қимматли экин рекорд ҳосили чўққисини тобора баланд кўтара беришига ўрганиб қолганмиз. Бунда бутун мамлакатнинг пахтачиликни ривожлантиришга бераётган диққат-эътибори ўз аксини топаётгани шубҳасиз».

Ўзбекистон пахтакорларининг 1979 йилдаги қаҳрамонона меҳнатига берилган бу юксак баҳо республикамиз деҳқонларини янгидан-янги, улкан зафарлар сари чорлайди. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида КПСС XXV съезди асосий йўналишларида кўрсатилгани қадар зарбдорларча ишлашни тақозо этади.

«1980 йилда,— дейилади XXV съезд йўналишларида,— камида 9 миллион тонна пахта етиштириш таъминлансин. Пахтанинг ингичка толали навлари экиладиган майдонлар кенгайтирилсин ва ҳосилдорлиги оширилсин. Пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш ниҳоясига етказилсин, юқори сифатли тола олинадиган пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил навларини деҳқончиликка жорий этиш тадбирлари амалга оширилсин. Пахта етиштириш, ғўзани суғориш ва ҳосилни теришни механизмлаштириш даражаси оширилсин».

Пахтакорларимиз йил бошидан ана шу улкан вазифани сидқидилдан адо этишга киришдилар. Мамлакатимиз ҳаётида рўй берган улуғ воқеалар — социализм демократиясининг бутун афзалликларини яна бир марта ёрқин намоён қилган сайловлар, умумхалқ шодиёнасига, партия билан халқ монолит бирлигининг тимсолига айланган доҳий Ленин таваллудининг 110 йиллиги, Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси, КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми республикамиз колхозчи деҳқонларини янги меҳнат зафарлари сари отлантирди. КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа уларда мисли кўрилмаган меҳнат кўтаринкилиги руҳини уйғотди. Бутун Ўзбекистонни XXVI съезд шарафига ватанпарварлик ташаббуслари қамраб олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область партия комитетининг 1980 йилги пахта ҳосилини териб олиш, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилгани ана шу ватанпарварлик ташаббусларини умумлаштирувчи муҳим маънавий ҳужжат бўлди. «Область партия комитети терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказишга катта аҳамият бериб, колхоз ва совхозларнинг мутахассислари, раҳбарларининг кенг иштироки билан ўтган йиллар тажрибасига асосланиб, пахта териш, тайёрлашни уюштириш ва унинг сифатини ошириш тадбирларини ишлаб чиқди,— деб таъкидланади қарорда.— Пахта тайёрлаш планини 15 октябргача бажариш, давлатга 435 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни эса 17 октябргача бажариш вазифаси қўйилди. Бу тадбирларда етиштирилган бутун ҳосилни ўз кучлари билан териб олиш, машина терими салмоғини 85 процентгача етказиш кўзда тутилган».

Ҳозир республикамиз пахтазорларида терим қизғин. Фарғона водийсию Сурхон воҳасида, Бухорою Хоразмда ҳамма бирдек пахтакор, руҳан пахтакор. Ўзбекистон пахтакорлари фикру зикрида — ўнинчи беш йилликни кўнгилдагидан зиёда якунлаш, XXVI съездни муносиб кутиб олиш. Айниқса, ипак пахта усталари алоҳида шавқ-завқ, фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Зеро, 1980 йил ўн биринчи беш йиллик биринчи йили ҳосили учун замин тайёрлайди. Ўн биринчи беш йиллик эса ипак пахта уфқларини янада кенгайтиради.

Ўзбекистонга баракали куз келди. «Оқ олтин» хирмонлари кўкка қараб бўй чўзмоқда. Икки сменада ишлаётган қудратли «зангори кема»ларнинг садолари тунни кузатмоқда, тонгни уйғотмоқда. Коммунистлар моҳирона ташкил этган, ғоят уюшқоқлик билан бораётган терим мавсуми ўзининг авж палласига яқинлашмоқда. 5 миллион 850 минг тонналик «оқ олтин» хирмони албатта тикланади — ўз интернационал бурчига содиқ ўзбек халқининг меҳнат даҳоси яна бир марта ёрқин намоён бўлади.

Республикамиз далаларида Ватан хирмонига 5 миллион 850 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»ини армуғон этиш учун зарбдор меҳнат мусобақаси қизғин давом этмоқда.

Ж. ТУРАЕВ фотолари

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

Гулистон

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

№ 9 (367)
Сентябрь
1980

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Абдувоҳид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари.

БУХОРО ПАХТАСИ

Доно халқимиз ерни — хазинага, сувни — олтинга нисбат беради. Сувнинг қадри ҳақида олис тарихдан сон-саноқсиз лавҳалар келтириш мумкин. Лекин яқин ўтмишдан бизга барчаси аён: инқилобдан олдинги Бухорода обиҳаёт кўза билан ўлчанар, чорасиз деҳқон дарё бўйида сувга ташнаи зор эди. Улуғ Октябрь қуёши балқдию деҳқон ўз ерини ҳам, ўз сувини ҳам мангу қўлга киритди.

Дарвоқе, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати жуда тўғри белгилаб берганидек, сувсиз, гидроирригация иншоотларисиз, илғор фан ва техникага суянган мелиорациясиз мўл ҳосил етиштириб бўлмайди. Шунинг учун аввало сув муаммосини ҳал қилишга қатъий киришдик. 1978—79 йилларда Аму — Бухоро машина канали бош иншооти ва канал ўзанининг қайта қурилгани, магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг сув ўтказиш ҳамда «Ҳамза-2», «Қизилтепа» насос станциялари қувватининг ошгани, қисқа вақт ичида Шўркўл сув омбори қуриб битказилгани яхши натижалар берди. Кенг кўламда олиб борилаётган ирригация ва мелиорация тадбирлари туфайли яқин келажакда 200 минг гектар янги ерни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритиш мўлжалланмоқда.

Областда сув муаммоси тобора ҳал этилаётгани натижасида Ўртачўл, Варахша, Жилвон, Мохонкўл, Маликчўл, Қоравулбозор қўриқларини ўзлаштириш аллақачон бошлаб юборилган. Ана шу банорас тўн кияётган даштларни сувга янада сероб қилиш мақсадида Аму — Бухоро каналининг учинчи навбатини, «Ҳамза» насос станциясининг 500 миллион кубметр сиғимли Девхона денгизини қуриш, Олот ва Қоракўл насос станцияларининг қувватини яна ҳам ошириш ишлари йўлга қўйилади. Шунингдек, сувни иқтисод қилиш ва исрофгарчиликни камайтириш учун ўнлаб магистрал ҳамда хўжаликлараро каналлар бетонлаштирилади. Шу кунгача полиэтилен тўшалиб, бетон ётқизилган каналларнинг умумий узунлиги 600 километрни ташкил этади. Мислсиз қисқа муддатда барпо этилган Қуйимозор, Шўркўл ва Тўдакўл сув ҳавзалари ўзида қиш бўйи тўпланган обиҳаёти билан анҳорларни тўлдириб яшил далалар чанқоғини қондирмоқда. Сув хўжалиги ва мелиоратив қурилишига сарфланаётган капитал маблағнинг миқдори йил сайин ошиб бораётир. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида ана шу мақсадлар учун 200 миллион сўм сарфланди. Кейинги уч йилда 37 минг гектар ер ўзлаштирилиб суғорилди. Хуллас, ҳар қатра сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш учун кураш сув хўжалиги қурилишининг улкан программасини амалга оширишда асосий омил бўлди.

Ҳозирги замон деҳқонини техникасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, уни илмсиз ҳам тасаввур қила олмайсиз. Фан ва унинг ютуқлари бугунги деҳқонга қанот бағишламоқда. КПСС XXV съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Июль (1978) пленуми кўрсатмаларига амал қилиб келаётган областимиз партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари фаннинг энг сўнгги ютуқларини пахтачиликни юксалтиришга зўр бериб татбиқ этмоқдалар. Янги ўзлашган ерларнинг унумдорлигини ошириш, эскидан суғориб келинаётган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрни қочиришнинг ўнғай усулларини қўллаш ва алмашлаб экишни тўла йўлга қўйишнинг илмий-амалий тадбирлари ишлаб чиқилган. Бухоро шароитида сувдан фойдаланиш ва суғориш шаҳобчалари ҳамда зовур системасини ғоят пухталик билан йўлга қўйишда тошкентлик олимлар — техника фанлари докторлари Ҳ. Аҳмедов ва А. Рачинский, геология-минералогия фанлари доктори С. Мирзаев яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу заҳматкаш олимлар шу кунларда ерларимиз шўрланишини бирмунча камайтириш тадбирлари устида илмий кузатиш олиб бормоқдалар.

Тажриба станцияларимизга селекционер-агрономлар воҳамиз иқлими ва тупроқ шароитига мос ғўза навларини яратмоқдалар. Ипак пахтанинг юқори сифатли 1 тип толали янги «Бухоро-1» йирик кўсакли нави шулар сирасига киради. Ҳар бир кўсаги 3,5—4 грамм келадиган бу навдан гектарига 35—40 центнердан ҳосил кўтариш мумкин. Сўнгги йилларда биологик курашга эътибор янада кучайди. Аввал биргина Свердлов районида биологик усул синаб кўрилган бўлса, бу ташаббус ҳозир областнинг деярли



барча районларига ёйилди. Агар ҳашаротларга қарши кураш биологик метод асосида жорий этилса, кимёвий курашга чек қўйилади. Бундан келадиган манфаат ҳозир ҳар бир деҳқон ва қишлоқ хўжалик мутахассисига маълум.

Кейинги бир неча йилда Бухоро воҳасида ирригация ва мелиорациянинг бекиёс юксалиши, қишлоқ хўжалигининг замонавий техника билан таъмин этилгани, деҳқончилик маданиятининг ўсгани колхоз ва совхозларни рентабель хўжаликларга айлантирди, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий аҳволини тубдан яхшилашга олиб келди. Гапнинг сирасини айтганда, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг, шунингдек, областимиз иқтисодини юксалтиришнинг бош муаммосини пахтачиликнинг равнақи ҳал этиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. «Оқ олтин» етказиб беришни кўпайтириш, мамлакатни бу қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш бизнинг асосий хўжалик ва сиёсий вазифамиз ҳамда қардош республикалар олдида турган ягона ватанпарварлик бурчимиздир.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида пахта етиштириш ва давлатга сотиш жадал суръатлар билан ривожланди. Агар саккизинчи беш йиллик мобайнида областимиз деҳқонлари 1 миллион 953 минг тонна пахта етиштирган бўлсалар, тўққизинчи беш йилликда пахта тайёрлаш 2 миллион 158 минг тоннага етди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида эса областимиз хўжаликлари Ватан хирмонига 2 миллион 202 минг тонна пахта тўкдилар. Биргина ўтган хўжалик йилида деҳқонларимиз Бухоро областининг пахтачилиги тарихида биринчи марта давлатга 608 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» сотдилар. Ана шу улкан хирмоннинг 32 минг тоннасини қимматбаҳо хомашё — ингичка толали ипак пахта ташкил этади. Ҳосилдорлик ҳам кескин ўсди — гектар бошига 36,8 центнерга етди. Ялпи ҳосилнинг 330 минг тоннаси эса машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили фақат пахтачилик соҳасидагина улкан ғалабалар келтириб қолмай, балки хўжаликнинг бошқа тармоқлари учун ҳам зўр бурилиш даврини бошлаб берди. Ўтган йили областимиз хўжаликлари давлатга 133 минг 270 тонна дон, 3 минг 507 тонна пилла, 96 минг 684 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 13 минг 752 тонна мева, 55 минг 641 тонна сут, 7 минг 20 тонна жун, 906 минг дона қоракўл тери, 31 минг 100 тонна гўшт, 127 миллион 741 минг дона тухум топшириб, социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажаришга эришдилар. Бу мазмундор рақамлар замирида қанчадан-қанча пешана терию шижоатли меҳнат мужассам. Шунинг учун ҳам областимиз илғорларининг мардонавор яратувчилик меҳнати Совет ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди: 1152 киши орден ва медаллар билан мукофотланди.

Областимиз меҳнаткашлари зафарли 1980 йилни, яъни ўнинчи беш йилликнинг охирги, ҳал қилувчи йилини муваффақиятли якунлаш учун ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, уни бажариш йўлида астойдил матонат кўрсатмоқдалар. Якунловчи йилда она-Ватанга 700 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан, 35 минг тонна ингичка толали ипак пахта етиштириш, ҳосилдорликни гектар бошига 42,2 центнерга кўтариш деҳқонларимизнинг ягона аҳдидир.

Бу йил олинган мажбуриятларни бажаришда дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Областимиз пиллачилари 1980 йилнинг ипак фаслида ҳар қачонгидан кўра фидокорона меҳнат қилиб, зўр зафар қучдилар. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотларининг пиллачиликни кескин ривожлантириш бўйича қўллаган тадбирлари, раҳбар ва мутахассисларнинг, бригада ва звено бошлиқларининг, айниқса коммунистларнинг илғор тажриба, фан ютуқларига жиддий эътибор берганликлари натижасида областимиз пиллачилик тарихида биринчи марта 4 минг 228 тонналик «кумуш тола» хирмони яратилди. Ҳар қути қуртдан ўртача 75 килограммдан зиёд пилла ҳосили олинди. Навоий, Шофиркон, Қоракўл районларида ҳар қутидан 80—82 килограммдан, Пешку, Бухоро, Свердлов, Ғиждувон, Вобкент, Ромитан районларида 71—79 килограммдан, Олот, Қизилтепа, Когон, Навбаҳор районларида эса 60—65 килограммдан «кумуш тола» етиштирилди.

Бу йил пахтакорларимиз учун ғоят масъулиятли йилдир. Биз КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ёруғ юз билан қаршилаймиз. Тарихий съездлар замондошларимиз олдига янги вазифалар қўяди, биз янги марралар сари яна олға жиламиз. Ана шу масъулиятли 1980 йил баҳоридаёқ деҳқонларимиз катта синовдан ўтдилар. Зўр уюшқоқлик, аҳиллик ва тадбиркорлик билан иш кўриш натижасида табиий офат туфайли юз берган қийинчиликлар батамом бартараф этилди. Кучли сел, жала, дўлдан зарар кўрган 100 минг гектар майдонда — чигит ғоят қисқа фурсатда қайта экиб, ундириб олинди. Яна 114 минг гектар майдондаги ғўзага офат шикаст етказган эди. Кечки ва авжи паст ғўзаларнинг тез амал қилишини таъминлаш учун барча чоралар кўрилди. Область қишлоқ хўжалик ходимларининг 15 майда ўтказилган семинар-кенгашида зарур тавсиялар ишлаб чиқилди ва ғўза парваришида зарбдор 120 кунлик эълон қилинди. Деҳқонлар, механизаторлар, мутахассислар ана шу зарбдор 120 кунликда барча пайкаллардаги ғўзаларни агротехника кўрсатмалари ва илғор тажрибалар асосида парвариш қилиб, ҳар тупда зиммага олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил тўпладилар. Ғиждувон районидаги Айний номли, Пешку районидаги «Москва», Бухоро районидаги «Маданият», Свердлов районидаги Навоий номли, Вобкент районидаги «Зарафшон», Қизилтепа районидаги Ленин номли, Олот районидаги «Шарқ юлдузи», Қоракўл районидаги «Правда», «Искра», Шофиркон районидаги Карл Маркс номли, Навоий районидаги «Коммунизм» колхозлари, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», «Ромитан», Навбаҳор районидаги «Гигант», Навоий районидаги Ленин орденли «Нарпай» совхозларининг уста деҳқонлари ҳар гектар ердан 50—60 центнер ва ундан юқори «оқ олтин» ҳосили олиш учун зўр фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Мен, кези келганда, қисқача бўлса-да, ипак пахта хусусида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Маълумки, ингичка толали нав Сурхондарё ва Қашқадарёдан кейин Бухоро воҳаси учун ҳам мосдир. Воҳадаги эффектив ҳароратнинг йиллик нормаси бениҳоя қимматбаҳо толали пахта навларини етиштиришга тўла имкон беради. Сувнинг танқислиги, суғориш режимининг бузилиши, яхлит майдонлар ажратилмагани, агротехника усулларининг пастлиги ингичка толали пахтани кўпайтиришга тўсқинлик қиларди. Область партия ташкилоти бу навни етиштириш борасидаги аҳволни жиддий ўрганди ва уни етиштириш суръатини жадаллаштириш тадбирларини белгилаб чиқди. Натижада 1977 йилдан бошлаб ингичка толали пахта етиштириш юксалди, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил ўсди. Ўша йилнинг ўзидаёқ «С-6037» нави экилган ҳар гектар майдондан 2 минг 653 сўм, ўрта толали навдан эса 2

ЛЕНИНЧА ҒОЯ ТАНТАНАСИ

Бухоро Халқ революциясининг 60 йиллиги муносабати билан

О. ЭШОНОВ,
ЎзФА мухбир аъзоси,
ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби,
юридик фанлар доктори, профессор

Мустабид амир ҳокимиятини ағдариб ташлаб, асрлар мобайнида истибдод жабрини тортиб келган жафокаш халққа ҳақиқий озодлик берган Бухоро халқ революцияси ғалаба қозонганига 60 йил тўлди. Бу ерда халқ демократик тузумининг ўрнатилиши ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ ва бошқа халқлар ҳаётида янги давр очди.

Доҳиймиз В. И. Ленин Шарқ мамлакатларида коммунистик ҳаракат тараққиётининг ўзига хослигини ҳар тарафлама очиб берар экан, аҳолисининг асосий қисмини капиталистик завод ва фабрикалар мактабини ўтаган ишчилар эмас, эксплуатациянинг капитализмгача бўлган формасидан азоб чеккан меҳнаткаш деҳқон оммаси ташкил қилган, масалани капиталга қарши курашга эмас, балки феодализмга қарши курашда ҳал этиш лозим бўлган шароитда коммунистик назария ва тактика асосини тўғри қўллаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Улуғ Октябрь революциясига қадар Бухоро аҳолисининг катта қисми асосан зироат ва чорвачилик билан шуғулланар эди. Ҳар жиҳатдан қолоқ, аграр ўлкада 3 миллион аҳолидан 300 мингга яқинини шаҳарларда яшовчи савдогарлар ва ҳунармандлар ташкил этар эди. Бу ерда капиталистик муносабатлар ниҳоятда кам ривожланган, революция арафасида хом ашёга, аввало пахтага дастлабки ишлов берадиган умумий ҳисобда 5 минг ишчига эга бўлган 52 майда корхона бор эди. Ўлка аҳолисининг эксплуатация қилинувчи асосий оммаси — деҳқонлар бош ҳаётий манба — ердан маҳрум эдилар. Улар амир малайлари: беклар, муллалар, бойлар томонидан ниҳоятда хўрланар ва ҳақоратланар эдилар. Маҳаллий буржуазия ва миллий интеллигенциянинг илғор намояндалари ўлканинг иқтисодий ҳамда маданий йўлига мустабид амир ҳокимияти тўғаноқ эканлигини, беклар, амалдорлар ўзбошимчалиги ҳаддан ошиб кетганлигини, меҳнаткаш аҳоли феодаллар томонидан ваҳшийларча эксплуатация қилинаётганини англаб етган эдилар.

Ўлка аҳолисининг 90 процентини ташкил этган деҳқонлар ва ҳунармандлар энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум эдилар. Бундай шароитда инсон ҳуқуқи учун, демократия учун кураш шубҳасиз прогрессив аҳамиятга эга эди. Россиядаги биринчи рус буржуа демократик революцияси, айниқса, 1917 йилнинг февралида чор ҳукуматининг ағдарилиши таъсири Россиянинг чет ўлкаси ҳисобланган Бухоро амирлигида сиёсий ҳаёт ва ижтимоий ҳаракатнинг ўсишига сабаб бўлди.

Ёш бухороликлар амирни сақлаб қолган ҳолда ўлкани идора қилиш усулини демократлаштириш ва ижроия ҳокимиятни миллий буржуазия қўлига топширишни талаб қилиб чиқдилар. Маълумки, ёш бухороликлар революцион йўлдан эмас, балки имкони борича монархия ҳамда мол-мулкни сақлаб қолган ҳолда буржуача давлат ислоҳоти ўтказиш йўлидан бордилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг озодлик ғояси таъсири остида ёш бухороликлар партиясининг узоқни кўрувчи айрим намояндалари дунёқарашида сўлга силжиш рўй берди. Натижада революцион руҳ билан суғорилган интеллигенция ва миллий буржуазиянинг илғор вакилларини бирлаштирган сўл оқим пайдо бўлди. Бу оқимга ёш Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилди.

Илғор кайфиятдаги миллий буржуазия ва интеллигенция ўртасида оппозиция кучайиб бораётганлигидан чўчиган амир давлатни бошқариш ва маориф соҳасида бирмунча демократик ислоҳотлар ўтказишни ваъда қилди. Бироқ бу реакциянинг барча кучларини тўплаб жипслаштириш, сўнгра бир зарб билан кишилар онгидаги инқилобий уйғонишга барҳам бериш, ўсиб бораётган революцион ҳаракат етакчиларидан қутулиш учун шунчаки найранг эди.

Амир ваъда этган ислоҳотлари ҳақида 1917 йилнинг 17 мартида фармон эълон қилажагини айтади. Ўша куни бутун шаҳар аҳли қадимий Бухоро кўчаларига орзиқиб кутилган озодлик ҳақидаги хабарни қутлаш учун чиқади. Аммо амир озодлик эълон қилиш ўрнига халқ бошига ажал ёғдиради, сон-саноқсиз бегуноҳ одамлар хунрезлик қурбони бўладилар.

Амир ўлимга ҳукм этган Файзулла Хўжаев қочишга улгуради. Энди Бухоро ҳокимлари билан музокара юритиш ва келишув асосида амирликда демократик ислоҳотлар ўтказиш мумкинлиги ҳақидаги хом-хаёл узил-кесил пучга чиқади.

Файзулла Хўжаев қонхўр амир жазосига чап бериб, Тошкентдан нажот излашга мажбур бўлади. У Туркистондаги совет ва партия органлари билан алоқа боғлайди. Амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун рус большевикларидан, Россия пролетариатидан ёрдам олиш мақсадида у 1918 йил кузида Москвага боради. Файзулла Хўжаев Москвада РСФСР ҳукуматидаги Туркистон АССР мухтор вакиллиги ҳузурида ёш бухороликлар комитетини ташкил этади. Комитет Туркистон АССР мухтор вакиллиги тасдиқлаган ва РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги маъқуллаган низомга эга эди. Комитет ўзбек ва тожик тилида икки ҳафтада бир марта чиқадиган оммабоп журнал нашр этади. Бухорога кўп нусхада жўнатиш учун амир ҳокимиятини ағдариб ташлашга ундовчи хитобномалар, варақалар, брошюралар чиқаради.

1918 йилнинг 16 ноябрида Москвада ёш бухороликлар комитетининг Туркистон республикаси Советларининг Марказий Ижроия Комитети мухтор вакиллиги аъзолари билан қўшма мажлиси бўлади. Унда ёш бухороликлар комитетининг Ф. Хўжаев ишлаб чиққан «Инструкция»си тасдиқланади. Бу «Инструкция» ёш бухороликлар партиясининг Муваққат программаси бўлиб, у Ф. Хўжаев бошлиқ ёш бухороликлар комитети социалистик Россиянинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдамига таяниб амирликнинг мустабид режимини ағдариб ташлаши ғоясини илгари суради.

Ф. Хўжаев 1919 йилнинг 29 январида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети раиси Я. М. Свердлов номига йўллаган мактубида ҳам ана шу ҳақда гапиради, хусусан, ёш бухороликлар партиясини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, амир ҳокимиятига қарши курашда унга қурол-яроқдан ёрдам бериш, шунингдек, Бухоро халқи ўртасида инқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини авж олдиришда кўмаклашишини сўрайди.

Ёш бухороликлар партиясининг Москва комитети ҳиндларга, форсларга, афғонларга, туркларга, Россиядаги мусулмон халқларга — туркистон-

---

минг 40 сўм (тафовути — 613 сўм) даромад олинди. Ипак пахтанинг саноатдаги устунлиги-чи! Масалан, ўрта толали пахтанинг бир тоннасидан 8 минг 620 квадрат метр хом сурп тўқилса, шунча ингичка толали пахтадан 16 минг 160 квадрат метр батис газламаси тайёрланади.

Ипак пахта учун унумдор ерлар ажратилди, хўжаликлар ихтисослаштирилди, агротехника тадбирлари туфайли ҳосилдорлик кўтарилди, ҳомашё етиштиришнинг таннархи пасайди, хўжаликларнинг рентабеллиги ўсди, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Энди пахтакорларимиз ўрта толали навга нисбатан кўпроқ сув ва ўғит талаб қиладиган, ҳосилни етиштириш ва териб олишда кўп меҳнат кетадиган ингичка толали навни парвариш қилишдан чўчимайдилар. Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда умумий пахта майдонининг учдан бир қисмида, яъни, 1000 гектар ерда бу нав пахтадан юқори ҳосил олингани кўпчиликни қувонтирди. «Ленинград», «Партия XXII съезди», Ленин номли, «Москва» колхозларида ҳам ҳар гектар ердан 33—37 центнердан знёд ингичка толали пахта ҳосили олинди. Бу нав Ғиждувон, Қизилтепа, Шофиркон, Вобкент, қисман Пешку районлари далалари бўйлаб кенг қулоч ёзди. Яқин келажакда бир неча районимиз ингичка толали пахта етиштиришга тамоман ихтисослаштирилади. Бухорода юксак кондицияли нав яратиш бўйича қизғин изланишлар олиб борилмоқда. Касалликларга бардошли, шўрга ва юқори ҳароратга чидамли дастлабки маҳаллий ингичка толали навлар яратилди. Бундай навларнинг ўртача ҳосилдорлиги 40 центнергача етади.

Учинчи беш йилликнинг сўнгги йилида деҳқонларимиз ипак пахтанинг ўзидан 35 минг тонналик хирмон яратишга бел боғлаганлар. Ана шу бебаҳо навни кўплаб экиш учун тупроқнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш зарур. Яқин келажакда ҳосилнинг ҳаммасини механизмлар ёрдамида йиғиштириб олиш учун «ХВН-1,2А» маркали махсус терим машиналарини етарли миқдорда ишлаб чиқариш керак. Ингичка толали пахтанинг ғўза баргларини тўкишда ўрта толали пахтага нисбатан икки ҳисса кўп дефолиант сарфланаётир. Дефолиантларнинг янги турини яратишни кимёгарларимиздан кутамиз.

Бухоро воҳаси Ўзбекистон ер майдонининг учдан бир ҳиссасига тенг келади. Ана шу ҳудудсиз даштларга бухоролик деҳқонлар янги уфқлар очадилар. Келгусида ўзлашадиган 200 минг гектар янги ер эвазига яна 1 миллион тонна қўриқ пахтаси етиштирадилар. Қўриқ пахтаси!.. Леонид Ильич Брежневнинг ғоят жозибали ва ҳаётий ёзилган машҳур «Қўриқ» асари мени доим қўриқ ва унинг матонатли кишилари ҳақида ўйлашга даъват этади. Дарҳақиқат, қўриқ очиш жараёнида ажойиб инсоний фазилатлар шаклланади. Зотан, ўртоқ Шароф Рашидов сўзлари билан айтганда, «бу қурилишлар социалистик муносабатларни мустаҳкамлади, кишиларни коллективизмга, уюшқоқликка ўзаро ёрдамга ўргатди». Ҳозир меҳнатга янгича муносабатда бўладиган, умум манфаати йўлида ўзини унутадиган, меҳнатда чиниққан фидойи одамларга эгамиз. Биз улар билан фахрланамиз. Қизилтепаликларнинг биринчи бўлиб қўриқ ерда ҳосил ундиришга аҳд қилганлар орасида Худоёр Сулаймонов бор эди. У «Москва» колхозидаги юқори ҳосилли бригадасини қолдириб, қўриқдан ер очди. 1977 йили янги бригада аъзолари билан ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олди. У меҳнатдаги ана шу жасорати учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бу йил эса ҳар гектар майдондан ўртача 60 центнердан дурдона кўтаришга аҳд қилган. Бундай азаматлар областимизда битта ёки ўнта эмас, балки юзлаб, минглаб топилади.

Областимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида бундан кейин ҳам залворли одимлар ташлайверадилар. Улар Бухоро халқ инқилобининг 60 йиллигини муносиб нишонлаб, КПСС XXVI съездини меҳнатда қутлуғ зафарлар билан кутиб оладилар.

ликлар ва хиваликларга қарата мурожаат қабул қилади. Мурожаатда Шарқ ва Ғарб меҳнаткашларининг жаҳон империализмига қарши ягона фронтини ташкил этиш зарурлиги таъкидланади.

«Рус ўртоқлар шуни билиб қўйсинларки,— дейилади унда,— Шарқ уларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр. Улар Россияда кўтарган озодлик байроғи энди бизнинг байроғимиз бўлади. Хўрланган халқларни озод этиш шиори учун курашар эканмиз, биз ўзимизнинг рус биродарларимиз билан асоратда сақланган ва мазлум Шарқ халқлари қони билан ёзилган муқаддас шартнома тузамиз».

Оқгвардиячилар тор-мор этилгандан сўнг ва «Оренбург тиқини» тарқатиб юборилгандан сўнг ёш бухороликларнинг Москва комитети Тошкентга кўчади. Бу ерда Файзулла Хўжаев бошчилигида ёш бухоролик-революционерлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси ташкил этилади ва партия «Зулмга қарши бирлашингиз» шиори остида программа — маромнома қабул қилади. 1920 йилнинг 15 апрелида Файзулла Хўжаев таҳрири остида чиққан «Учқун» газетасининг биринчи сонига «Шундай кун келадики, учқундан аланга чиқади» деган сўзлар эпиграф қилиб олинган эди. Газета Тошкентда босилар ва маҳфий равишда Бухорода тарқатилар эди. Газета амир фуқаролари ўртасида эътибор топди ва амалдорларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги ҳамда халқнинг ҳуқуқсизлигига асосланган мустабид ҳокимиятни ағдариб ташлаш зарурлигини, давлатни мустабидларча бошқаришга чек қўйиш лозимлигини, шунингдек, Бухорода ҳокимиятнинг халқ демократик формаси қарор топиши муқаррар эканлигини кенг тарғиб қилар эди. Ёш бухоролик-революционерлар партиясининг Туркистон Марказий бюроси бу партияни РКП(б) составига қабул этишни илтимос қилиб, В. И. Ленин номига хат йўллайди. «Амир ҳукумати,— дейилади илтимосномада,— ношуд ҳукумат, у ҳозирги пайт талабларига ноқобил ва бунга тайёр эмас. У ҳимоясиз аҳолини фақат тўхтовсиз талаш билан шуғулланади». Файзулла Хўжаев В. И. Лениндан ёш бухороликларнинг революцион ташкилотига ёрдам беришни, «ҳозирги инглиз Бухороси революцион Бухоро бўлиб қолиши, контрреволюция уясидан Шарқ революциясининг авангардига айланиши» учун ёрдам беришни сўрайди. 1918—1920 йилларда ёш бухоролик-революционерлар партиясининг рус ва Туркистон коммунистлари билан доимий мулоқотда бўлган Файзулла Хўжаев сингари кўзга кўринган арбоблари, В. В. Куйбишевнинг В. И. Ленинга ёзган хатида таърифланганидек, «революцион идеологияни янада чуқурроқ ўзлаштирдилар», улар раҳбарлик қилаётган ёш бухоролик-революционерлар Туркистон Марказий бюроси революциянинг «табиий штабига айланди». В. И. Ленин Файзулла Хўжаевнинг хати ва унга илова қилинган партия программасини диққат билан ўрганар экан, Марказий Комитет Ташкилий бюросига РКП(б)нинг ёш бухороликлар революцион ташкилотига муносабатини белгилаб чиқишни топширди. 1920 йил 29 июль куни РКП(б) Марказий Комитетининг Ташкилий бюроси бу масалани муҳокама қилиб, ёш бухороликлар партиясининг феодал-мустабид тартибига қарши курашаётган революцион-демократик ташкилот эканлигини ҳисобга олиб, унинг амир ҳукуматига қарши революцион курашида ҳамкорлик қилиш зарур, деб топди. 1918 йили вужудга келган Бухоро Коммунистик партияси халқ оммасининг амир ҳукуматига қарши революцион курашида ҳақиқий раҳнамо бўлди. Азимжон Ёқубов, Абдуллахўжа Тўраев, Эргаш Мусабоев, Нажиб Ҳусаинов каби оташин революционерлар Бухоро Коммунистик партиясининг ташкилотчилари эдилар. Бухоро Коммунистик партияси революция арафасида мустабид тузумга қарши халқ озодлиги учун антифеодал ва антиимпериалистик курашни бошқарувчи қудратли кучга айланди. 1920 йил ёзига келиб Бухоро революцияси етилди. Бухоронинг меҳнаткаш халқи — ишчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар феодал-мустабид тузумини ағдариб ташлашга тайёр эдилар. Халқ революциясини тайёрлашда 1920 йилнинг 16 августида Бухоро Коммунистик партиясининг Чоржўйда очилган IV съезди алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Бухоро Коммунистик партияси ўз съездига бирмунча тайёр ҳолда келди: у ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган ва ўз составига 43 партия ячейкасини бирлаштирган эди. 1920 йил апрель ойининг охирида Эски Бухородаги яширин коммунистик ташкилот аъзолари амир сарбозлари қўлига тушиб қолдилар. Коммунистикка алоқадор деб шубҳа қилинганлар ёппасига қамоққа олиндилар. Амирнинг фармони билан ташкилот раҳбари, довюрак революционер Абдуллахўжа Тўраев қатл этилди. Коммунист Эргаш Мусабоев амир лашкарлари орасида катта ташвиқот-тарғибот ишлари олиб боришда, Янги Бухоро ва Эски Бухоро партия ташкилотлари ўртасида алоқа ўрнатишда айниқса фаоллик кўрсатди. Эргаш Мусабоев асл революционер эди. У 1920 йил 2 сентябрь куни Эски Бухорони олиш учун бўлган халқ қўзғолони вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 1920 йил 7 июлда амир жосуслари Эски Чоржўйда яширин коммунистик ташкилот борлигини билиб қолдилар. Чоржўй бегининг қаттиқ таъқибига учраган коммунистлар шаҳарни тарк этиб, эрсари-туркманлар орасидан яширин паноҳ топишга мажбур бўлдилар. Бу ерда улар 520 қиличга эга бўлган туркман полки, 500 найзага эга бўлган пиёда батальон — коммунистик дружина ташкил этдилар. Қуролли қўзғолонга тайёрланаётган Бухоро коммунистлари меҳнаткашлардан иборат жанговар дружиналар туздилар. Натижада янги Бухорода 300, Каттақўрғонда 200, Каркида 270, Термизда 200 кишидан иборат ана шундай дружиналар вужудга келди. Умуман, ҳал қилувчи вақтга келганда, Бухоро Коммунистик партияси 5 минг кишилик қуролли кучга эга эди. Ўлкадаги инқилобий кризисдан келиб чиқиб, Бухоро Коммунистик партиясининг IV съезди ўзининг қуролли қўзғолон тўғрисидаги тарихий қарорини қабул қилди. Съезд амир ҳукуматини ағдариш учун барча демократик ва революцион кучларни бирлаштириш мақсадида Бухоро Коммунистик партияси ҳамда ёш бухороликлар ташкилоти ўртасида иттифоқ тузиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди.

Ҳаёт революцион-демократик типдаги ташкилот бўлган ҳамда революциянинг дастлабки босқичида муайян аҳамият касб этган ёш бухороликлар партиясига Коммунистик партиянинг сиёсий ва тактик муносабати тўғри эканлигини тўла-тўкис тасдиқлади. В. И. Ленин ҳамма вақт тарихан таркиб топган аҳволни, халқ оммасининг кайфиятини ҳушёрлик билан ҳисобга олиш лозим, деб таълим беради. Доҳий кўрсатиб ўтганидек, тарихий воқеаларнинг ривожланиш жараёнида майда буржуа партиялари билан вақтинча келишиш мумкин ва ҳатто зарур эди. Чунки улар революцияни тайёрлаш ва амалга ошириш даврида, революциянинг зарби ҳам феодализмга, ҳам мустамлакачиликка қарши қаратилишини назарда тутган ҳолда «совет тузуми бўлиши ҳақидаги фикрга бутунлай қарши» чиқмайдилар.

В. И. Ленин аҳолининг барча қатламларини революция томонга оғдириб олишнинг муҳим шартларидан бири миллий интеллигенция ва шаҳар билан қишлоқнинг майда буржуа унсурларига ён бериш сиёсатини амалга оширишдан иборат эканлигини, чунки, Бухоро Россияга қараганда мутлақо деҳқонлар ўлкаси, мутлақо майда буржуа ўлкаси эканлигини ҳисобга олиш зарур, деб таълим берар эди. Худди ана шу вазият революциянинг биринчи босқичида, ҳали умумхалқ, умуммиллий характерда бўлган босқичида феодал-мустабид тузумга қарши курашда қатнаша оладиган барча демократик партиялар билан революцион иттифоқ тузиш вазифасини илгари сурган эди.

Бухоро коммунистлари ўз ҳаракатларида Ленининг ана шу доно кўрсатмаларига амал қилдилар. Бухоро революцияси 1920 йил 28 август куни амирликнинг йирик шаҳарларидан бири Чоржўйда бошланди. Қўзғолон кўтарган омма кўнгилли коммунист отрядлари билан биргаликда Чоржўй бекларини қулатиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Айни пайтда Кармана, Шаҳрисабз, Хатирчи, Қарши ва Эски Бухоро меҳнаткашлари ҳам қўзғолон кўтардилар. Феодал зулмига қарши халқ қўзғолони бутун Бухорони эгаллаб олди. 1920 йил 28 августда Чоржўйда халқ қўзғолонига раҳбарлик қилиш учун Революцион комитет ташкил этилди. Революцион комитет озодлик учун курашга кўтарилган меҳнаткаш халқ номидан қардош Россия Қизил Армиясини халқ душмани — амир қаршилигини бартараф этишда ёрдам беришга чақирди. Мазлум Бухоро халқининг тақдири ҳал бўлаётган энг қийин пайтда улуғ рус халқи ўзининг интернационал бурчини адо этиб, ёрдам қўлини чўзди. Бухоро халқининг революцион чиқиши бутун совет Туркистони меҳнаткашлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Жойларда амир ҳукуматининг халқ манфаатига зид сиёсатига қарши митинглар, намойишлар бўлди. Булар Бухоро меҳнаткашлари билан бирдамлик белгиси эди. Бухоро революцияси ғалабасида Туркистон Коммунистик партиясининг муносиб ҳиссаси бор. Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Бухоро революционерларига ёрдам кўрсатиш мақсадида юборган маҳаллий миллат вакилларидан иборат 500 коммунист елкама-елка туриб мардона жанг қилди. Бухоро Коммунистик партияси ёш бухороликлар партияси иштирокида ҳамда Туркистон ҳарбий қўшинлари кўмагида раҳбарлик қилган зафарли халқ қўзғолони туфайли 1920 йил 2 сентябрь куни амир тахтдан ағдарилди. Халқ революцияси ғалаба қилди. 1920 йил 6 октябрь куни Бухорода Советларнинг I съезди очилди. Съезд Бухорони Халқ Совет Республикаси деб эълон қилди. Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро революцияси ва революцион ҳукумат вазифалари ҳақида»ги докладини съезд делегатлари катта қизиқиш билан эшитдилар. Ҳукумат раҳбари Ф. Хўжаев доклади асосида қабул қилинган съезд резолюцияси Бухоро меҳнаткаш оммасининг ўз халоскори — социалистик Россия билан абадий дўстлик ўрнатишга қатъий ишончини ифодалади.

Бухоро революцияси халқ демократик революцияси характерига эга эди. Шунинг учун ҳам бу ерда Халқ Совет Республикаси ўрнатилди.

В. И. Ленин Бутунроссия Советларининг VIII съездида Шарқда РСФСР билан мустаҳкам ҳарбий-сиёсий иттифоқ ўрнатган Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлигини чин кўнгилдан табриклади. «Биз,— деди у,— тўла мустақиллигини тиклабгина қолмай, балки ишчи ва деҳқонлари ҳокимиятни қўлга олган Бухоро, Озарбойжон, Арманистон Совет Республикаларининг ташкил топиши ва мустаҳкамланишини қутлашимиз лозим. Бу республикалар Совет ҳокимияти ғоялари ва принциплари фақат саноати ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат социал таянчи пролетариат бўлган мамлакатлардагина эмас, балки асосини деҳқонлар ташкил этган мамлакатларда ҳам амалга ошиши мумкин ва муқаррар эканлигининг тасдиғи ҳамда исботидир. Деҳқонлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Улар ерга, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлдилар. Бу Совет республикаларининг Россия Совет Социалистик Республикасига нисбатан дўстона муносабати сиёсатимизнинг амалий натижалари билан мустаҳкамланди».

РКП(б) Марказий Комитетининг 1922 йил 1 февралдаги «Бухоро ҳақида», шунингдек, 1922 йил 18 майдаги «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида» деб қабул қилган тарихий қарорларида Файзулла Хўжаевга катта ишонч билдирилди. Унинг ташаббуси билан Бухоро Коммунистик партияси РКП(б) составига қабул қилинди. Коммунистик партия Файзулла Хўжаевни Совет ҳокимиятига содиқ коммунист қилиб тарбиялади. Файзулла Хўжаев халқаро империализмнинг ёлланган малайи Анварпошшо авантюрасига қарши курашда янада чиниқди.

Совет республикаларининг халқаро империализмга қарши ягона фронтини тузиш манфаатлари РСФСР билан иттифоқдош республикалар — Озарбойжон, Арманистон, Белоруссия, Грузия ва Украина Совет Социалистик Республикалари, шунингдек, дўстона ва шартли муносабатда бўлган Бухоро ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикаларининг халқаро миқёсдаги дипломатик куч-ғайратини бирлаштиришни тақозо қилар эди.

Файзулла Хўжаев Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 27 январида Москвада ана шу мақсадда чақирилган фавқулодда сессияси ишида қатнашди ва Г. В. Чичерин раҳбарлигидаги совет делегацияси билан халқаро Генуя конференциясига жўнаб кетиши керак эди. Бироқ Шарқий Бухорода Анварпошшо ҳамда Ғарбий Бухорода Абдуқаҳҳор қўрбоши тўдалари бошлаган ҳужум туфайли у дарҳол Москвадан қайтди. 1922 йилнинг 13 мартидан бошлаб Бухоро Халқ Совет Республикасининг ҳарбий нозири сифатида контрреволюцияга қарши ҳужумга бевосита раҳбарлик қилди.

1922 йил 1 апрелда халқаро империализмнинг ёлланган жосуси Анварпошшо тўдасига тезроқ қақшатқич зарба бериш мақсадида босмачиларга қарши кураш учун Туркистон фронти составидан алоҳида фронт ажратилди. Мазкур фронт Революцион ҳарбий кенгашининг уч кишидан иборат составига Файзулла Хўжаев ҳам аъзо бўлиб кирди ва фронт қўмондони Минғози Ионов Бухорога келгунга қадар вақтинча унинг вазифасини ҳам бажариб турди.

РКП(б) Марказий Комитети Анварпошшонинг Шарқий Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Хоразмдаги босмачилар ҳаракатини бирлаштириш, сўнгра империализмнинг ҳарбий қудратига суяниб Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашдан иборат хавфли авантюрасига зарба бериш мақсадида Бухорога йирик давлат ва ҳарбий арбобларни йўллади. 1922 йил майида бу ерга Г. К. Оржоникидзе, кейинроқ — июнда эса РСФСР Қуролли кучларининг Бош қўмондони С. С. Каменев келди.

1922 йил 18 май куни РКП(б) Марказий Комитети Г. К. Оржоникидзе таклифи билан «Туркистон-Бухоро ишлари ҳақида» деб тарихий қарор қабул қилди. Унда Анварпошшо халқаро империализмнинг ёлланган малайи, Шарқ халқлари озодлигининг ёвуз душмани сифатида таърифлаб берилди. Бу қарор Туркистон, Бухоро ва Хоразм



Ўзбекистон Советларининг I съезди ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва ЎзССР Халқ Комиссарлар Советини тузди. Съезд ишида РКП(б) вакили, Совет Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиуми раиси М. И. Калинин иштирок этди. Бухоро, 1925 йил, февраль.

коммунистик партиялари учун жанговар программа бўлди.

Аҳолини Анварпошшо босмачи тўдасига қарши сафарбар этишда Бухоро Халқ Совет Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 4 июнь куни бўлган IV сессияси муҳим аҳамият касб этди.

Сессия резолюциясида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган меҳнаткаш халқнинг фикр-туйғулари ифода топди. 1922 йил 4 июнда РСФСР Қуролли кучларининг Бош қўмондони С. С. Камєневнинг Бухорога келиши муносабати билан босмачиларга қарши кураш фронти Революцион ҳарбий советининг Файзулла Хўжаев раислигида кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисда Шарқий Бухоро фронтида ҳужумга ўтиш, босмачилардан тозаланган районларда революцион ҳарбий ҳамда озод қилинган районлар аҳолиси ўртасида мунтазам оммавий-сиёсий иш олиб боришга сафарбар этиш масалалари муҳокама қилинди. 1922 йил 15 июнь куни шавкатли Қизил Армия Бойсун ҳарбий участкасида тўпланган Анварпошшо тўдаларини тор-мор этди. 1922 йил 4 август куни Бухоро Халқ Совет Республикасини бўғиб ташлашга интилган Анварпошшо тўдалари халқ томонидан қўллаб-қувватланган Қизил Армия ва Бухоро миллий қисмлари жангчилари олиб борган оғир ҳамда шиддатли жанглар туфайли батамом тор-мор келтирилди.

1923 йил 27 мартда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Москвада Бухоро Халқ Совет Республикаси болалари учун Маориф уйини ташкил этиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор миллий кадрлар — ўқитувчилар, агрономлар, врачлар ва инженерлар тайёрлаш учун РСФСР Маориф ва Миллий ишлар халқ комиссарликлари зиммасига Бухоро Халқ Совет Республикаси гражданларининг Москвадаги Маориф уйида таълим олишларини ташкил этиш ва ўқишни битирганларга эса мамлакат олий ўқув юртларига киришлари учун ҳар томонлама кўмаклашиш вазифасини топширди, шунингдек, Бухоро Маориф уйи қошида мактаблар ҳамда тайёрлов курслари очиш мажбуриятини юклади.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганининг 4 йиллиги муносабати билан ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта силжиш рўй берди. 1924 йил 19 сентябрда бўлган Бутунбухоро Советларининг V съезди Бухоро Халқ Совет Республикасини социалистик республикага айлантириш ҳақида тарихий қарор қабул қилди. 1924 йилнинг 27 октябрида СССР Советлари Марказий Ижроия Комитети II сессиясида Файзулла Хўжаев Туркистон, Бухоро, Хоразм вакиллари номидан сўзга чиқиб, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш зарурлиги ҳақида қизғин нутқ сўзлади. Сессия Ўрта Осиё меҳнаткашлар оммасининг совет тузуми шароитида олий қонун бўлган ихтиёрий хоҳиш-истакларини ҳисобга олиб, суверен миллий совет республикалари — Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР ташкил топганлигини бир овоздан тасдиқлади. Миллий-давлат чегараланиши амалга оширилиши натижасида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикалари ижроия комитетлари ўз ваколатларини Файзулла Хўжаев раислигида янги ташкил этилган Революцион комитетга — Ўзбекистон ССРнинг Муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати ихтиёрига бердилар.

1925 йилнинг 13 февралида Бухорода Ўзбекистон ССР Советларининг таъсис съезди очилди. Съезднинг очилиш маросимида Файзулла Хўжаев уч тилда — ўзбек, тожик, рус тилларида кириш нутқи сўзлаб, уни Шарқ халқларининг буюк дўсти В. И. Ленин хотирасига бағишлади.

Бухоро Халқ Совет Республикаси бор-йўғи тўрт йил умр кўрди. Аммо шу қисқа тарихий давр ичида Бухорода хўжаликнинг капитализмгача бўлган шаклидан, капитализмни четлаб ўтиб, халқ демократик тузумини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш йўли орқали социализмга ўтиш даврининг шарт-шароитлари тайёрланди. Бухоро Халқ Совет Республикаси Хоразм Халқ Совет Республикаси билан бирга жаҳон тарихида биринчи марта Халқ Совети депутатлари қиёфасида давлат ва ҳокимият деҳқонлар қўлига ўтган меҳнаткаш халқ давлати бўлди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг инқилобий тарихи капитализмни четлаб, феодализмдан социализмга ўтишнинг тарихий намунасидир. Шу қисқа муддат ичида Ўрта Осиё халқлари РСФСР ва СССРнинг музаффар ишчилар синфининг кундалик бегараз ёрдами туфайли қолоқлик ва қашшоқликка, миллий ва ижтимоий зулмга барҳам бердилар, иқтисодий ва маданий тараққиётга эришдилар, замонавий тараққиёт чўққисига кўтарилдилар, ўзларининг миллий давлатларини вужудга келтирдилар. Бугунги кунда Афғонистон, Эрон ва бошқа хорижий Шарқ мамлакатларининг озодликка эришган халқлари ҳам ана шу йўлдан бормоқдалар. Феодализм ва чет эл империализми ҳукмронлигига барҳам бериб одам одамни эксплуатация қилмайдиган янги жамият қуриш йўлига кирган, ўз миллий ва давлат мустақиллигини қизғин жангларда ҳимоя қилаётган Осиё ва Африка, хусусан, Афғонистон халқлари эндиликда миллий озодлик кураши натижасида революцион халқ демократик тузумининг меҳнаткаш оммаси томонидан қўлга киритилган ғалабаларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун фаол курашмоқдалар.

Мўмин АВАЗОВ

* * *

Кузатаман илк саҳар ойни,
Олов қалар тандирга онам.
Аста-аста иссиқ ширмойи
Нон ҳидига қоришар олам.

Пичан ҳиди, ел эсар ғир-ғир,
Гул бўйига кетар қоришиб.
Қарши олар яшил дала-қир,
Фикрларим борар ёришиб.

Сойнинг бўйи... Кутгум... Кўз толар.
Сув олгани келар таниш қиз.
Ишқ куйига кенг осмон тўлар,
Маст этади бўй чўзган ялпиз.

У кетади. Булут, нам ҳаво —
Ногоҳ қилар кўк обидийда.
Ажиб бесас, хушбўй куй-наво
Гулли шохин силкитар жийда.

Қани чиқса, (ажиб бир ҳавас)
Суҳбат қурсак беармон дилдан.
Хушбўй, бесас куйлардан мен маст
Далаларни кезсам у билан.

Ялпиз...
Жийда...
Гул...
Онам нони...

Қиз томонга хаёл от сурар.
Она юртим Ўзбекистоннинг
Димоғимга ҳиди урилар.

* * *

Азалдан тоғликлар хайрли иш деб,
Ўтганлар кўпригу мақбара қуриб.
Одамлар одамнинг дарду ғамин еб,
Тўкканлар бебаҳо юракнинг қўрин.

Бибишой кўприги[1] юксалиб турар,
Нарвон-кўприк қадди чўзилган тоққа.
Эҳтиёж туғилиб тоғликлар қурган,
Алоқа боғланган икки қишлоққа.

Бир бева-бечора кулба қурса гар
Тоғликлар чўзганлар холисона қўл.
Бу эзгу хислат ҳам ҳозирга қадар
Дилга чизиб борар ҳамон ойдин йўл.

Кезаман ям-яшил бунда боғларни,
Оташ қалбли тоғлар абадул-абад,
Улуғ тоғликларга улуғ тоғларнинг
Руҳи бериб келган ҳамиша мадад.

Улардек ғанимга бўлгум бешафқат,
Қалбим улуғ Ватан ишқида ёнди.
Улар кенг қишлоқни ўйлаган фақат,
Мен эса ўйлайман бутун дунёни!



* * *

Сен дунёга келдинг ишқ билан
Туғилганман ишқ билан мен ҳам.
Бир эзгулик ҳис этгум дилдан,
Муҳаббатдан яралур олам.

Севилиш ҳам эмасдир эрмак,
Лабга босгум ёниб лабимни.
Мен дунёни тушунишим керак,
Англамоғинг керак қалбимни.

---

[1] Сурхондарёнинг Деҳаи Боло қишлоғи жойлашган тоққа қирқ почали нарвон-кўприк қурилган. Кўприк ташаббускори номи билан Бибишой кўприги деб аталади.

ДЕКРЕТ
СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ
ОБ УЧРЕЖДЕНИИ ТУРКЕСТАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА.

СОВЕТ НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ П О С Т А Н О В И Л:

1.Учредить в гор.Ташкенте Государственный Университет.

2.Туркестанский Государственный Университет находится в непосредственном ведении Народного Комиссариата по Просвещению Р.С.Ф.С.Р.

3.Средства на содержание Университета по сметам того же Комиссариата.

Председатель Совета Народных Комиссаров:

Управляющий Делами Совета Народных Комиссаров:

Секретарь:

Москва, Кремль
7-го сентября 1920 года

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ташкил бўлганига 60 йил тўлди

БИЗНИНГ УНИВЕРСИТЕТИМИЗ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университетининг ректори, академик ***Т. А. Саримсоқов*** *билан суҳбат*

— Тошмуҳаммад Алиевич, бугун биз сиз билан муборак бир сана, Ўрта Осиёдаги тўнғич дорилфунуннинг 60 йиллик тўйи, таъбир жоиз бўлса, диёримиздаги фан-маориф ва маданият байрами арафасида суҳбатлашаётибмиз. Олтмиш йил бадалида бу муаззам илм-фан кошонаси тарих зарварақларига ажиб сатрлар битди. Сиз ректор сифатида, шунингдек, мазкур университетнинг собиқ талабаси сифатида бу зарварақдаги қайси сатрларни таъкидлашни истар эдингиз?


— Менингча, университет сабоғини олган ҳар бир одам учун бу зарҳал сатрларнинг барчаси бирдек қадрли. Ҳеч ким бу сатрларни хилларга ажратиб ўтирмаса ҳам керак. Бир жиҳатдан, суҳбат аввалида шундай савол қўйилгани учун, қолаверса, олтмиш йиллик бой тарих бир суҳбат доирасига сиғмагани учун баъзи нуқталарни алоҳида таъкидлаб ўтишим мумкин.

Агар тарихнинг рамзий китобидаги университетимизга оид зарварақларни очсак, биринчи галда кўзимиз буюк доҳий В. И. Ленин имзо чеккан тарихий декретга тушади. Баъзилар бу декретни расмий давлат ҳужжати деб баҳолаши мумкин. Аммо мен учун бу ҳужжат Коммунистик партия миллий сиёсатининг амалий ифодаси, интернационал биродарликнинг рамзидир. Совет ҳокимияти тетапоя бўлган бир дамда Мирзачўл ва Далварзиннинг қақроқ ерларини ўзлаштириш учун катта маблағ ажратилди. Кейин эса олий билим даргоҳига асос солиш учун пойтахтнинг донишманд алломалари сафарбар қилинди. Бизнинг устозларимиз —86 фидойи олим ўқув тажрибалари учун зарур анжомлар билан Тошкентга келдилар. Ҳозир биз бу ҳақда гапирсак, шунчаки «келдилар» деб қўямиз. Ҳолбуки, улар Тошкентга ўт-олов орасидан ўтиб келган эдилар.

Ўрта Осиё жаҳон фанига Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний каби буюк алломаларни берган. Аммо, афсуски, фан борасида XV асрдан сўнг мудроққа кетган бу ўлкани чоризм XIX аср сўнгида янада жаҳолат ботқоғига ботирмоқчи бўлди. Тўғри, Россиядаги илғор ижтимоий тафаккур бу ерда ҳам катта таъсир кўрсатди, XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида хат-саводли, илғор фикрли одамлар ҳам кўпайган эди, аммо аксар саводхонлар ўқиш-ёзишдан нарига ўтмаганлар, айниқса, аниқ фанлар, табиатшунослик билан шуғулланмаганлар. Зеро, бунга у пайтда шарт-шароит ҳам йўқ эди. Бу имкониятни ленинча миллий сиёсат яратиб берди.

Мамлакатнинг қаддини тиклашида пахта мустақиллиги муҳим омиллардан бири эди. Буни амалга ошириш учун эса пахта экиладиган ерларни суғориш ишлари йўлга қўйилиши керак эди. Натижада Мирзачўлни ўзлаштиришга қаратилган Декрет чиқарилди. Тошкентда дорилфунун ташкил этишнинг аҳамиятини бундан кам деб бўлмайди. Улуғ Октябрь революцияси мамлакатда социалистик келажакнинг порлоқ рамзи эди. Муаззам социализм биносини саводсиз халқ билан қуриш мумкин эмаслигини доҳий Ленин, партия аввалдан билган. Шунинг учун ҳам саводсизликни тугатиш борасида муҳим омил бўлмиш университетни ташкил этишга қарор қилинди. Вақт бу йўлнинг, бу қарорнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлади. Тошкент университети бутун Ўрта Осиёда саводсизликни тугатиш, маориф тарқатиш, маданий инқилоб ишларида карвонбошилик қилди, десам муболаға бўлмайди.

Тошкентда халқаро кинофестиваллар, халқаро адабий анжуманлар ўтказиш анъанага айланиб қолди. Агар эътибор берган бўлсангиз, пойтахтимизда кейинги пайтда йирик илмий симпозиумлар ҳам тез-тез ўтказилмоқда. Бу — Ўзбекистонимиз фан тараққиётида халқаро аҳамият касб этган, дегани. Бу — ўзбек олимлари жаҳон олимлари билан ҳар соҳада баҳс юрита оладиган даражага етганлар, дегани. Бу — ўлка фани асрий мудроқдан уйғониб, замон хоразмийлари, берунийлари, улуғбеклари етишиб чиққан, дегани. Ватанимиз фахри бўлган юзлаб олимларнинг Тошкент университетида таҳсил кўрганликларини эсласак, ғуруримизга ғурур қўшилади. Фанимиз равнақи ҳақида сўз кетса, Ленин йўлланмаси билан келган А. Шмидт, Л. Бродский, Д. Каткаров, Н. Златовратский, М. Попов, И. Райкова, А. Уклонский, М. Орлов каби устозларимизни ҳурмат билан эслаймиз. Улар муносиб шогирдлар етиштирди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий — ўзбеклардан биринчи бўлиб докторлик диссертациясини ёқлади, у республика Фанлар академиясининг биринчи президенти бўлди. З. Умидова олий маълумот олган дастлабки ўзбек аёлларидан. У фан доктори, СССР Медицина фанлари академиясининг



мухбир аъзоси эди. Совет адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган академик ёзувчи Ойбек, қозоқ совет адабиётининг классиги Мухтор Авезов, ЎзФА президенти О. Содиқов, академиклар — Т. Зоҳидов, С. Сирожиддинов, С. Юнусов каби фанимиз яловбардорлари ўша 86 фидойи олимнинг шогирдлари ҳисобланадилар.

— Университетнинг фан тараққиётидаги ўрни шубҳасиз беқиёс. Ҳозир замоннинг «томир уришини белгилаётган» кибернетика ёки ядро физикаси, медицина ёки кимё соҳасида сўз кетса, шубҳасиз, ўзбек олимлари ҳам тилга олинади. Уларнинг аксарияти университет талабалари ёки уларнинг шогирдлари. Университетнинг фанимиз яловбардори экани маълум. Лекин унинг тарихини фақат бу билан белгилаб бўлмайди, шундай эмасми?

— Албатта. Умуман университет тарихини Ватанимиз тарихидан, буюк воқеалар, буюк қурилишлардан, буюк ўзгаришлардан айрим ҳолда ўрганиб бўлмайди. Мана, 20-йилларни олайлик. Талабалар ҳам ўзлари илм олганлар, ҳам саводсизликни тугатиш курсларида сабоқ берганлар. Коллективлаштириш ишларида, кейинроқ индустрлаштириш йилларида университет талабалари, комсомоллари шунчаки кузатувчи ёки тарғиботчи бўлиб қолмадилар. Университет комсомол-ёшлари 1927—28 йили 50 минг кишига хатсавод ўргатганлар. Қатор районларни, колхозларни оталиққа олиб «Пахта учун кураш — социализм учун курашдир!» деган шиор остида меҳнат қилганлар. «Далварзин», «Боёвут» каби илк совхозларнинг, Бўзсув ГЭСининг қарор топиши студентларнинг ҳам шижоатли меҳнати билан боғлиқ. Ёки Улуғ Ватан уруши даврини олайлик. 1941 йили университет комсомол ташкилотида 600 комсомол рўйхатда турарди. Урушнинг дастлабки ойидаёқ 448 комсомол қўлига қурол олди. Айни чоқда университетда дарслар тўхтатилмади. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш давом этди. Кўп ўтмай, университетга «Сизнинг ўртоқларингиз — САГУ студентлари бошқа жангчиларга ўрнак бўлмоқдалар» деган мактублар кела бошлади. Урушдан кейинги тиклаш йилларида, қўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳам университет талабалари, ўқитувчилар фаол иштирок этдилар.

— Демак, ҳаётга фаол аралашиш — университет анъанаси...

— Ҳа, ўйлаб қарасак, бу анъана университет билан бирга туғилган. Умуман, мен собиқ студент сифатида, бир олим сифатида ҳаётдан, жамоат ишларидан айрим ҳолда билим олишни ёки илмий иш олиб боришни тасаввур қилолмайман. Мен жамоат ишларини бажармайдиган бирон-бир университет студентини ёки ўқитувчисини мисолга келтиролмайман. Оддий студентми ёки профессорми, бундан қатъий назар, биз уларни деворий газета редколлегиясидан тортиб халқ депутатлари район, шаҳар советларида ҳам учратишимиз мумкин. Э. Куценко, Ш. Ўразаев, В. Беляев, А. Аъзамхўжаев сингари педагоглар, Ф. Умарова, И. Прянникова, Л. Данная каби студентларимиз халқ депутатлари сифатида фаоллик кўрсатмоқдалар.

— Шу жумладан, ўзингиз ҳам ЎзССР Олий Советининг депутати сифатида...

— Ҳозиргина айтганимдай, мен жамоат ишидан четда турган олимни тасаввур қила олмайман. Куз ойларида республикамиздаги ҳар бир одам руҳан пахтакорга айланади. Куз оғир келиб, пахтакорлар қийналиб қолсалар, студентларимиз биринчилардан бўлиб ёрдамга ошиқадилар. Бу — бежиз эмас. Аввало, пахта — бойлигимиз, ризқи рўзимиз. Қолаверса, студентларнинг аксари — пахтакор фарзанди. Шундай экан, ҳосилнинг барбод бўлишига йўл қўя оладиларми? Албатта, йўқ. Кейинги йилларда комсомоллар ёзги таътилни зарбдор қурилишларда ўтказиш каби яхши ташаббусни, анъанани бошладилар. Университетимиз студентлари бу ватанпарварлик ташаббусига ялпи қўшилганлар. Ҳар йили турли қурилишларда ишлайдилар. Мана, бу йил бир гуруҳ студентларимиз Тюменда, бошқалари Чирчиқдаги, пойтахтдаги қурилишларда ғайрат кўрсатдилар. Ёшларимизнинг ғайрат-шижоатига қараб туриб, 20-йиллардаги оталар анъанасининг шараф билан давом этаётганига ишонч ҳосил қиламан.

— Сиртдан қараганда, университет фақат ёшларга билим бериш билан чегараланувчи даргоҳга ўхшайди. Аслида эса университетнинг қатор лабораторияларида халқ хўжалиги учун муҳим илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади.

— Бусиз мумкин эмас. Аввало биз студентларни биринчи йилданоқ илмий ишларга тортамиз. Улар чуқур фикрлай оладиган, фандаги ютуқларни таҳлил қиладиган, ҳатто таҳрир киритадиган чинакам зиёли бўлиб етишишлари керак. КПСС XXV съезди мамлакатнинг навбатдаги тараққиёти йўлларини белгилаганда, фан-техника ривожига алоҳида аҳамият берди. Эндиги тараққиёт меҳнат унумдорлиги ва фан-техника




Профессор И. А. Райкова Вьетнам Социалистик Республикасидан келган студентлар билан суҳбатлашмоқда.



Араб мамлакатлари жамоат арбоблари ТошДУ билан танишмоқдалар.

Кичик Куба — ТошДУ ётоқхонасида озодлик оролидан келган толибалар хонаси.







Уқув лабораториясида эртанги фаннинг нуртаклари барг ёзади...

А. ВАРФОЛОМЕЕВ фотолари

Илҳом дақиқалари...



ХАЛҚАРО ЭКИПАЖНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ



Космик парвозлар йилномаси қутлуғ номлар билан тобора бойиб бормоқда. 1980 йилнинг 31 июлида «Союз-37» космик кемасининг командири, СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Виктор Васильевич Горбатко ва тадқиқотчи-космонавт, Вьетнам Социалистик Республикаси Қаҳрамони Фам Туан ўртоқлар муваффақиятли парвоздан сўнг ерга қайтиб тушдилар. «Салют-6»—«Союз-36»—«Союз-37» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экипажи учиш давомида Совет — Вьетнам қўшма тадқиқотлари ва экспериментлари программасини тўла бажардилар: «Интеркосмос» программасида қатнашаётган социалистик мамлакатлар ўтказаётган космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш давом эттирилди, технология экспериментлари, ер юзаси, табиий бойликлар ва жаҳон океани акваториясининг турли районларини, жумладан, Вьетнам территориясининг баъзи бир районларини кузатиш ва суратга олиш ҳамда медицина-биология тадқиқотлари амалга оширилди. Орбитал комплекс фазогирлардан Л. Попов, В. Рюмин, В. Горбатко ва Фам Туан томонидан кенг программада бажарилган янги тадқиқотлар халқ хўжалиги ва космик фан-техникани янада юксалтириш манфаатлари йўлида хизмат қилади.

Леонид Ильич Брежнев ва Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан ўртоқлар Совет—Вьетнам экипажини сидқидилдан табриклаб, бундай дедилар: «Бу учиш Совет Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикасининг кўп йиллик дўстлиги ва самарали ҳамкорлигининг натижаси бўлди». Дарҳақиқат, зафарли якунланган бу парвоз социалистик мамлакатлар фазони тинч йўл билан ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш борасида олиб бораётган самарали ҳамкорлигининг яна бир ёрқин намунасидир.

«Салют-6»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик парвозни муваффақиятли амалга оширганликлари ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун Ватан фазо лочинлари — икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Виктор Васильевич Горбаткони Ленин ордени, ВСР граждани Фам Туанни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан муносиб тақдирлади. Ҳар иккала космонавтга Вьетнам Социалистик Республикасининг олий мукофоти ҳам топширилди.

Суратда: «Союз-36» космик кемасининг халқаро экипажи — кема командири, СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Горбатко ва тадқиқотчи-космонавт, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Вьетнам Социалистик Республикаси Қаҳрамони Фам Туан.

ютуқларига асосланади. Бунинг пойдевори эса олий ўқув юртларига бориб тақалади. Илмий мушоҳадаси бор одамгина корхонада меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Фан ютуқларига қул бўлмай, балки уларни танқидий кўз билан ўрганган мутахассисгина фан-техникада янгилик ярата олади. Биз студентларимизда шу хислатларни тарбиялашга алоҳида эътибор берамиз. Шу сабабдан студентларнинг илмий кенгаши донишманд олимларимиз раҳбарлигида иш олиб боради. Студентлар илмий кенгашида бу йил апрель ойигача 5 минг талаба қатнашди. Уларнинг маърузалари толиби илмларимизнинг шунчаки билим доирасини кўрсатиб қолмайди. Баъзи ишларда дадил фараз ва тахминлар, таклифлар, ҳатто талаблар бор. Студентлар шу даражада мушоҳада юритаётган эканлар, демак, фанимиз тараққиётининг келажагидан кўнглимиз тўқ.

Мен аслида саволингизга жавоб тариқасида лабораториялардаги илмий изланишларни мисол қилиб айтишим керак эди. Аммо бу ишга студентларнинг бевосита алоқаси борлиги учун гапни ёшлардан бошладим. Университетда 15 лаборатория муҳим илмий тадқиқот олиб боради. Олимларимиз физика-математика, ҳисоблаш ва амалий математика, фалсафа тарихи, ҳуқуқшунослик, шунингдек, бошқа фан тармоқларига оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда катта ютуқларга эришмоқдалар. Бу борада фақат пахта генетикаси лабораториясининг ишини таъкидлаш кифоя. Мазкур лабораторияда СССРда биринчи бўлиб пахтанинг ирсий коллекцияси тузилди, пахтанинг ирсий таркиби ўрганилди, пахта селекцияси, умуман, ҳосилдорликни ошириш муаммоларининг ҳал этилишига муҳим ҳисса қўшилди. Айни пайтда геолог олимларимиз олиб бораётган илмий тадқиқотлар ҳам ижобий натижалар бермоқда, фан оламида катта аҳамият касб этмоқда.

Функционал анализ лабораторияси эса мамлакат миқёсидаги етакчи мактабга айланди. Ҳеч қачон фан ўз ҳолича, ишлаб чиқариш ўз ҳолича ривожланмайди. Фан ва ишлаб чиқариш — бир бутун жараён. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш КПСС XXV съездида, партиянинг шу йилги Июнь пленумида ҳам алоҳида таъкидланди. Фан бевосита ишлаб чиқариш билан боғланмай туриб ривожлана олмайди. Буни яхши англаган университетимиз олимлари республикадаги йирик саноат корхоналари, колхозлар билан яқин алоқа боғлаб, шартнома асосида иш олиб борадилар. Кейинги йилларда олимларимизнинг Олмалиқ Кон-металлургия комбинати билан ҳамкорликдаги ишлари айниқса яхши самара бераётир. КПСС XXVI съездини муносиб қаршилаш умумхалқ ҳаракатига қўшилган университет коллективи илмий тадқиқотлар, фан ва ишлаб чиқариш алоқасини янада мустаҳкамлаш борасида ажойиб ютуқларни қўлга киритадилар.

— Ленин йўлланмаси билан келган 86 олим иш бошлаган университет 60 йил мобайнида замона талаблари даражасида тараққий топди. Медицина, политехника институтлари унинг бағридан чиқиб, бақувват мустақил фан даргоҳларига айланди. Университетнинг кенгайиш жараёни давом этмоқда, шунингдек, студентлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳам тобора яхшиланмоқда...

— Айнан шундай. Студентларимизга яратилган бу шароитлар жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида йўқ. Давлат бир студент олий маълумотли бўлиши учун ўртача 5 минг сўмдан зиёд маблағ сарфлайди. Лабораторияларимиз энг янги, энг яхши анжомлар билан жиҳозланган. Студентлар энг нозик тажрибаларни бошқа ерларга бормай ўз лабораторияларида ўтказиш имкониятига эгадирлар. Студентлар шаҳарчасидаги ётоқхоналаримиз ҳавас қилса арзигулик. Ҳозир 3,5 минг студентимиз ётоқхона билан таъминланган. Ҳар бир факультетда Ленин стипендияси жорий қилинган.

Бу ўринда айрим рақамларни айтиб ўтишим лозим: университет шу олтмиш йил ичида 24 соҳа бўйича 50 мингдан зиёд мутахассис тайёрлади. 123 кафедрада 1600 илмий-ходим ва ўқитувчилар иш олиб бормоқда. Шулардан 20 таси академик ва академиянинг мухбир аъзоси, 20 олим СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати. Олимларимиздан 100 киши профессор ва фан доктори, 765 киши эса доцент унвонига эга. Университетимиз нақадар катта имкониятга эга экани шу рақамлардан ҳам аён. Энди университетнинг кенгайишига келсак, давр, тараққиёт тақозоси билан тобора янги факультетлар юзага келмоқда. Кейинги ўн йил ичида журналистика, амалий математика, психология, рус филологияси каби мустақил факультетлар қарор топди. Бу жараён шубҳасиз давом этади. Чунки тараққиёт тўхтамайди. Ҳаракатдаги тараққиётнинг бизга нисбатан қўйган талаби эса тобора ошаверади. Бинобарин, бундан кейин ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлиги ва оталарча ғамхўрлиги остида ҳамиша ҳаётий талаблар даражасида — замон билан ҳамқадам бўлиб бораверамиз.

— Интернационал бурчини адо этмоқ учун Москвадаги иссиқ ўрнини ташлаб келган 86 олимнинг буюк инсоний хислати вақт ўтган сари теранлашиб, янги авлод руҳида давом этмоқда. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Назаримда, интернационал биродарликка, халқлар дўстлигига содиқ бўлмасак, биз бу кунги ютуқларга, тараққиётга эриша олмасдик. Шунинг учун биз бу хислатларни қадрлаймиз, эъзозлаймиз. Интернационал биродарлик борасида университетимиз катта ишлар қилмоқда. Ҳозир 15 факультетда таълим олаётган 18 минг йигит-қиз 70 миллат вакилидир. Ундан ташқари, Европа, Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги 54 мамлакат ёшлари университетимизда ўқимоқдалар. Хориждан билим олиш иштиёқида келаётган ёшлар сони тобора ошмоқда. Чунки университетимиз билим бериш борасида Америка ва Европанинг донғи кетган ўқув даргоҳлари билан беллашадиган даражага етди. Вьетнам ёшларини етук мутахассис қилиб тарбиялагани учун университетимиз Вьетнам Социалистик Республикасининг Дўстлик ордени билан тақдирланди.

Қисқа суҳбатимиз давомида университет тарихининг рамзий китобига назар ташлаб, оламолам мазмунли сатрларни ўқидик. Университет йигит ёшига тўлди. Биз ҳали унинг тарихида янада ажиб сатрлар ўқиймиз. Партиямизнинг ленинча миллий сиёсати шуни тақозо этади.

КПСС XXV съезди фан ривожининг порлоқ уфқини белгилаб берган эди. «Совет фанининг асосий вазифаси,— деб уқтирилади съезд материалларида,— табиат ва жамият қонуниятларини тадқиқ этишни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, унинг коммунизм моддий-техника базасини қуришнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришнинг, меҳнаткашларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этишга қўшаётган ҳиссасини оширишдан иборат». Партия совет олимларига, педагогларга, бўлажак илмий ходимлар зиммасига ана шундай оғир, айни чоқда шарафли вазифа юклаган. Университетимизнинг юбилейи ўнинчи беш йиллик сарҳисоб қилинаётган кунларга тўғри келди. Ана шундай масъулиятли дамда биз босиб ўтган йўлимизга қараб: «Партия топшириғи аъло даражада бажарилди», дея оламиз. Келгуси йил бошида партиямизнинг XXVI съезди янги марраларни белгилаб беради. Биз, у марралар ҳам эгалланади, деб ишонч билан айта оламиз. Чунки бизга Коммунистик партия раҳнамо. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев таъбири билан айтганда, партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор!

Суҳбатни университетнинг собиқ талабаси, ёзувчи **Тоҳир МАЛИК** олиб борди



ТЕРИМ.



ПОРТРЕТ.

Кичкинтой рассом Ю. ИСҲОҚОВА ишларидан



КОСМОНАВТЛАР ВЕНЕРАДА.



ЦИРКДА.



ҲАЙВОНОТ БОҒИДА.

КЕЛИНЧАК.



НАТЮРМОРТ.



ШАҲАР.



ЎҒИРЧОҚЛАРИМ.



ДАЛАДА.



Гулистон ГАЛЕРЕЯСИ

ЖОЗИБА ҒУНЧАСИ

Юлия Исҳоқова эндигина саккиз ёшга қадам қўйди. Ҳозир у Андижон шаҳридаги 4-мактабнинг 2-синфида ўқимоқда.

Юлия уч ёшидан расм чиза бошлади. Аввалари қаламда, кейинроқ бўёқлар ёрдамида машқ қилди. Юлиянинг отаси ҳам, онаси ҳам профессионал рассом. Улар ўз қизларининг ижодий қизиқишини эътибор билан кузатиб борадилар, Юлиянинг мурғак фантазиясини ўстиришга, унда тасвир имкониятларини ривожлантиришга ёрдам берадилар.

Кичкинтой рассом чизган расмлар ўз композицияси ва бўёқларнинг ўринли ишлатилиши билан томошабинга манзур бўлади. Ижодий мақсаднинг аниқ, лўнда, яхлит ҳолда ҳал этилиши расмлар қимматини янада оширади. Бу фазилатлар, албатта, қизчанинг табиий иқтидоридан дарак беради.

Юлия ранг-баранг мавзуда расмлар чизади. Уни фазо кенгликлари ҳам, қадимий меъморлик ёдгорликлари ҳам қизиқтиради. Айни пайтда у замондошларимиз портретларини чизишни, натюрмортлар ишлашни ҳам яхши кўради.

Шу йилнинг бошларида Тошкентда кичкинтой рассомнинг илк шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Юлиянинг уч ёшдан етти ёшгача чизган расмлари қўйилган бу кўргазма тасвирий санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Намойиш этилган расмлар айни пайтда кичкинтой рассомнинг тўрт йил давомида босиб ўтган ижодий йўлини, тобора мукаммаллашиб, ёркинлашиб бораётган ўзига хос услубини ҳам кўрсатади. Рангли саҳифаларимизда Юлия Исҳоқованинг кўргазмада намойиш этилган расмларидан намуналар эълон қилмоқдамиз.

Р. СОДИҚОВ

Виктор УСТИНОВ

НИШОНА

Ҳикоя

У сал иримчироқ эди, бугунги тонгни байрамни кутгандек зориқиб кутди.

Уфқ эндигина ёришиб келарди. Эркин ўрнидан туриб, уйдагилар ҳали ухлаб ётганига ишонч ҳосил қилгач, апил-тапил кийимларини бағрига босганча ҳовлига югуриб чиқди: далага ошиқарди, пайкалга одам ораламасдан улгуриши керак! Азбаройи шошилганидан ўнг оёғини шимининг чап почасига тиқибди, ўнглаб кияётганида қуруқ йўтални эшитди. Отаси ҳали шу ерда экан.

— Ким у? — деб сўради ҳирқироқ овоз билан.

Эркин чўчиб тушди. Секингина ғойиб бўлмоқчи эди, аммо улгуролмай қолди.

— Сенмисан, Эркин?

— Мен, — дея истамайгина жавоб берди бола.

— Бу ёққа кел.

Отаси саройда чўнқайиб, чироқ шуъласида аллақандай детални қўлида айлантирганча гарангсиб ўтирарди. Балиқ овига миниб борадиган мотоциклини олдига ёнбошлатиб қўйган. Бундай кунларда у одатда қоронғи саҳарданоқ йўлга отланар, тонг отганда эса манзилга етиб олар эди.

— Кетиб қолган бўлсангиз керак, деб ўйлабман, — деди Эркин.

— Жўнамоқчи эдим-у, мана бу матоҳ гаранг қиляпти, — деди отаси мотоциклнинг аллақаерини кўрсатиб. Сўнг шубҳа билан сўради:

— Жура эрта туриб олибсан?

— Ўзим, шундай, — деди Эркин ва унга яқин бориб атай эснаб қўйди.

— Ҳа, турган бўлсанг, ғизиллаб Тошпўлат омборчиникига бориб кел. Уйини биласан-а, узоқмас. «Мотоциклга шестерёнка керак бўлиб қолди», дейсан. Уқдингми? Унда топилади...

«Билган эдим, — дея хаёлидан ўтказди Эркин юраги сиқилиб. — Бу кишим яна колхознинг кўлларидаги балиқларни қийратмоқчи, мен бўлсам югурай». Аммо йўқ деёлмасди — онаси ўгай отадан балога қолишини билади.

— «Гап шу, Тошпўлат амаки, топиб берсангиз, жуда зарур бўлиб қолди», дегин, хўпми? — Отаси Эркинниг қўлига ўн сўм тутқазди. — Қани, оёғингни қўлга ол-чи. Мен у ёқдан тез қайтишим керак.

Яп-янги ўн сўмлик Эркиннинг кафтида ёқимсиз шилдирарди. Эркин кечадан бери боришни мўлжаллаб қўйгани — пахтазор тарафга эмас, унга тескари томонга қараб чопди. У ёрда — пахтазорда эса, гўдаклигида онаси Эркинга атаган сир уни кутмоқда эди. Омборчиникига оёғи тортмасди, лекин начора; пахтазорга боришга ҳам улгуриши керак.

Тошпўлат ака уйқусираб, тўнғиллай-тўнғиллай дарвозасини очди, Эркиннинг қўлидаги яп-янги ўн сўмликка кўзи тушдию бирдан жонланиб кетди. Янгигина шестерёнкани ёғ босган қоғозга ўраб, устидан латта билан танғиб ҳам берди.

— Қўлтиғингга яшириб ол, — деди у бетоқатликдан типирчилаб турган болага, — битта-яримтаси кўриб қолмасин яна...

— Ҳа, мунча ҳовликмасанг? Нима ёв қувдими? — деб минғирлади отаси.

Эркин индамай қўлидагини узатди.

— Қайтими қани бунинг? — деб сўради ота.

— Ўзингиз ҳеч нима демаган эдингиз-ку? — дея ҳайрон бўлди бола.

— Жин урсин, ўзимдан ўтибди, — деди отаси. — Тошпўлатнинг қўлига илинса бас, ямламай ютади, ўлгудай зиқна. — У бирдан алланечук хомуш тортди ва ачитиброқ гапирди: — Сен ҳам латтадан баттарсан. Наҳот, қайтимини сўрашга фаросатинг етмаган бўлса?! Э, сенга ақл ўргатвериб ўзимда қолмади.

«Яна хафа бўлганини! — деди Эркин ичида.— Айтган жойига бориб келдим-ку, яна нима қилай?»

— Майли, борақол, уйқунгнинг ласини битир, — деди отаси кесатгандек. — Каллангдаги хомхаёлларни қўй, бола, бахт дегани сен ўйлаган нарсада эмас.

«Ия, қаёқдан била қолди экан-а?..», дея ташвиш билан ўйлади Эркин.

— Олтинчи синфда ўқийди-ю, боқча боласидан фарқи йўқ. Рўзғорга қарашишнинг ўрнига нуқул бемаъни хаёллар билан банд бу,— дея вайсашга тушди отаси. — Ҳамма иш менинг бўйнимда, ёлғиз менга қараб қолишган. Ахир, менинг жоним нечта? — У бир лаҳза ишидан бош кўтарди. — Мен ҳам бир пайтлар сенга ўхшаб осмону фалакда юрардим, ҳа, кейин уни-буни кўраверіб эсим кириб қолди. Топганинг — ўзингники, сал бўшанглик қилсанг — оғзингдагини юлиб кетишади. Билиб қўй, шунақа. — Отаси яна мотоциклга энгашди. Бундан фойдаланган Эркин ўзини шартта муюлишга урди. Оёқлари чалишиб кетар, лекин у ҳаллослаганча югурар эди...

Кун ёришиб борар, қишлоқ уйлари билан пахтазор оралиғидаги масофа энди баралла кўзга ташланиб қолган эди. Улгурармикан? Бир пайт Эркин ўзидан олдинда югуриб кетаётган қизчани кўриб қолди. Қизча кеча у дўнгликда ўтириб кўзлаб қўйган томонга қараб чопарди. Ана, у пайкалга шўнғиди, ана, нимани-дир томоша қилмоқчидек пастга энгашди. Эркин таққа тўхтади. Қизчанинг орқасидан борсинми ёки бирор жойдан яна битта нишонани уза қолсинми? Ундай қилса ҳисоб эмас-да? Ё қизчанинг қайтишини пойлаб, унинг қўлидан нишонани тортиб ола қолсинми?

Ҳа, худди шундай қилади. Бўлмаса, онасининг олдига қайси юз билан боради? Нишонани унга совға қилмоқчи эди-ку! Онаси бир пайтлар айтган гап Эркиннинг ҳозиргидек ёдида: «Биринчи очилган чаноқ — нишонани биринчи бўлиб узган одамнинг омади чопади. Ҳосил ҳам сербарака, уй-рўзғори бут, хонадони қутли бўлади. Умримда лоақал бирор марта нишона узганимда, ким билсин, менга ҳам толе кулиб боқармиди...»

Қизча ўша қутлуғ нарсани кўксига босганча унга қараб келарди. Эркин бир лаҳза тикилиб қолди. Ия, бу Гулнора-ку! Эркиндан бир синф пастда ўқийди. Яқинда оталари уларни ташлаб кетди, уйда тўрт бола қолишди — ҳаммаси қизалоқ. Эркиннинг дадаси эса вафот этган, улар она-бола икковлари... Ўгай отани ҳисобга қўшмайди.

Эркин Гулнорага пешвоз бир-икки қадам босди, аммо қизча атрофга бепарво, ҳеч нарсани кўрмас, илғамас, оппоқ очилган чаноқни полопон мисол авайлаб кўксига босганча ундан кўз узмай келмоқда эди. Эркин шартта бурилдию орқага қараб жон-жаҳди билан, боягидан ҳам қаттиқроқ югура кетди. У ҳансирай-ҳансирай келиб Гулнораларнинг уйи орқасида тўхтади ва сомон сувоқли деворга суянаркан, нафасини ростлаб: «Э, менга нишона нимага керак?», деди. Гулнорага зарурроқдир, у қиз бола. Эркин эса йигит, бўлажак йигит. Уйдаги ягона эркак киши. У вақти келиб ўсиб-улғаяди ва ҳеч қандай ирим-чиримсиз ҳам кўзлаган мақсадига эришади, шунда онасига толе кулиб боқади. Ҳа, албатта шундай бўлади.

Т. ХУРРАМОВ таржимаси



Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Будапештдаги Политехника институти мутахассислари қизиқ тажриба ўтказдилар. Улар тажрибада синалаётган бир гуруҳ кишини кўзлари боғлиқ ҳолда девори тўқ қизил рангга бўялган хонага олиб кирганларида, тажриба иштирокчиларининг юраклари ўша заҳоти тез-тез ура бошлади. Ана шу бир гуруҳ киши сариқ деворли хонага ўтганда, уларнинг юрак уриши мўътадиллашди, девори кўкка бўялган хонада эса юрак уриши яна секинлашди. Бундан, ранг юрак уришига кўриш сезгисисиз ҳам таъсир кўрсатади, деган хулоса чиқариш мумкин.

Сўнгги маълумотларга қараганда, энг тез гапирадиганлар французлардир. Улар бир минутда 350 бўғинни бемалол талаффуз қилиб улгурадилар. Улардан кейинги ўринларни японлар (310 бўғин) ва немислар (250 бўғин) ишғол этадилар. Полинезия, Меланезия ва Микронезия аҳолисининг (аксарият қисми, албатта) нутқ суръати жуда секин — бир минутда — 50 бўғин. Бир хил тилда икки хил суръат билан гапирадиганлар ҳам бор. Масалан, инглизлар бир минутда ўртача 220 бўғин, американликлар эса 150—175 бўғин талаффуз этадилар.

Бутун дунёда кимё бўйича ўн мингдан зиёд махсус журнал чиқади. 34 тилни эгаллаган кимёгар бир неча-кундуз, яъни 24 соат ичида узлуксиз мутолаа қилган тақдирда ҳам, йил давомида шунча журналнинг атиги йигирмадан бир улушинигина ўқиб чиқан бўлур эди.



ДЎСТЛИК МАЙДОНИДА

Янги съездга тайёргарлик кўриш — коммунистларнинг ҳам, шунингдек, партиясизларнинг ҳам сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтиришнинг қудратли воситасидир.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Ўзбекистон улкан қурилишлар ўлкасига айланди.

Косон Ёғ-экстракция заводини бутун мамлакат бунёд этмоқда. Бу йирик объектни РСФСР, Украина, Қозоғистон ускуналар билан, Туркманистон вентиляторлар, Қирғизистон, Эстония мураккаб мосламалар, Латвия дастгоҳ ва насослар билан таъминламоқда. Андижонда қурилаётган Ипгазлама комбинатига асосан, Калинин, Иваново, Свердловск шаҳарларидаги корхоналарда тайёрланган машина ва ускуналар ўрнатилмоқда. Навоийдаги которан ишлаб чиқарувчи завод Иттифоқимизда ягонадир. Шу улкан корхона қурилишига СССР Кимё машинасозлиги министрлигининг мингдан ортиқ корхоналари машина ва дастгоҳлар етказиб берди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Қарши чўлини ўзлаштириш — пахта етиштириладиган йирик иқтисодий районни барпо этиш ҳақидаги қарори ҳам мамлакатимиз халқларининг биродарлик туйғуларини, бунёдкорлик ғайратини жўш урдириб юборди. Москва, Ленинград, Киев шаҳарларидаги саноат корхоналари Қарши чўлини ўзлаштириш учун керакли машина ва жиҳозларни пешма-пеш юбора бошлади. Оловқалб ёшлар комсомол йўлланмаси билан ишга келдилар.

Дарҳақиқат, давримизнинг улкан қурилишлари СССР халқларининг ленинча дўстлиги, қон-қардошлигини яна бир марта ёрқин намоён этмоқда.

Ўзбекистон фарзандлари Қора тупроқли бўлмаган ерларни ва Ғарбий Сибирь бойликларини ўзлаштираётганлари, асримизнинг йирик қурилишлари — БАМ, Атом машинасозлиги заводи, «Ростсельмаш», Тобол Нефть-кимё комплексини барпо этишда қатнашаётганлари ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Кўп миллатли, бепоён Советлар мамлакати бир жону бир тан. Олтин қўллар яратган «оқ олтин» Россия тўқимачиларини хом ашё билан таъминламоқда. Бухоронинг «занғори олов»и Урал домналарини ҳаракатга келтирмоқда.

Ленинча дўстлик ҳаётимизнинг қонуниятидир. КПСС XXV съезди йўналишларида кўрсатиб ўтилган Андижон, Туямўйин сув-омборлари қурилишини тугаллаш, Чирчиқда капролактам ишлаб чиқариладиган корхона корпусини тўла ишга тушириш, Андижон, Қўқон, Фарғона, Тошкентдаги енгил саноат, Каттақўрғон, Косон, Сирдарёдаги озиқ-овқат саноати объектларини муддатидан илгари битказиш мақсадида меҳнат қилаётган республикамиз қурувчилари ғайрат-шижоати туфайли ҳам туғма дўстлигимиз қудрат касб этмоқда.

Тошкентлик меъморлар ва қурувчилар қардош совет халқларининг абадий дўстлигига ҳайкал қўйишдек эзгу ишга қўл урдилар. Улар Халқлар дўстлиги майдони комплексида ленинча қардошлик ғояларини архитектура тили билан ифодалайдилар.

Мазкур комплекс ўнинчи беш йиллик мобайнида пойтахтимизда жуда катта ҳажмда амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари орасида алоҳида ажралиб туради. Кейинги йиллар Тошкентда Қўйлиқ, Қорасув, 3-Сергели каби мавзелар, кўплаб юксак иморатлар қад кўтарди. Бу беш йиллик Тошкент шаҳри қурилиши бош планида белгиланган режаларни амалга оширишда муҳим босқич бўлди. Ўн тўрт йил муқаддам рўй берган машъум зилзила оқибатларига тўла-тўкис барҳам берилди. Эндиликда Тошкент Шарқдаги энг гўзал пойтахтлардан бири бўлиб қолди, шаҳар кўчаларини айлансангиз, қардош совет республикалари вакиллари бунёд этган иншоотларни, турар-жойларни кўриб қувонасиз. Москва, Ленинград, Киев, Новгород, Фрунзе кварталлари пойтахтимиз кўрки, ленинча дўстлик ҳайкалларидир.

Ўзбекистоннинг энг кўркам иншоотларидан бири — Халқлар дўстлиги майдони эса Ўзбекистон, Фурқат кўчалари, Халқлар дўстлиги проспекти туташган жойда бунёд этилмоқда. У ерда қад кўтаражак биноларда ўзбек миллий меъморлиги услублари намоён бўлади. Майдоннинг бир тарафида 9—12 қаватли уй-жойлардан иборат Олмазор, қарши томонида Бешёғоч мавзелари ташкил этилмоқда. Ҳар икки мавзеда мактаблар, болалар боғчалари жадал суратлар билан барпо қилинмоқда. Уйларнинг остки қаватларига ихтисослашган магазинлар жойлаштирилади. Савдо тармоқларининг ҳар бири иттифоқдош республикаларнинг номлари билан аталади.



Пардозлаш трестига қарашли 24-қурилиш бошқармасининг сайқалчилар бригадаси бошлиғи Рихсивой Қосимов тенги йўқ жилокор. У Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасида КПССнинг XXVI съезди шарафига бошланган мусобақаси пешқадамларидан ҳисобланади.

Тошкентнинг меъморлик ансамбллари сафида Халқлар дўстлиги майдонидаги минора ва иншоотлар комплекси алоҳида ўрин эгаллайди. У марказнинг қатор ансамбллари билан узвий боғланган бўлиб, йирик транспорт воситаси сифатида Фрунзе, Октябрь ва Чилонзор районларини бирлаштиради. Майдонни режали ташкил этишнинг асосий унсури ансамблнинг марказида, Фурқат кўчасининг геометрик ўқида жойлашган 4 минг ўринли Халқлар дўстлиги саройидир. Майдон лойиҳаси муаллифлари архитекторлар С. Одилов, Е. Розанов, Ф. Турсунов ўртоқлар бўшлиқни функционал ташкил этишда майдонни бир неча зоналарга: дам олиш, дўстлик мемориали, Халқлар дўстлиги саройининг жанубий қисмида фавворалар, сув ҳавзалари, Ленин комсомоли номидаги Маданият ва истироҳат боғига кириш йўлларига ажратганлар — янгича услуб, ягона композиция яратганлар.

Комплекснинг манзарали ечими баланд вертикал меҳмонхона биноси ва у билан пастроқ горизонтал бинолар ўртасидаги тафовут асосида ҳал этилган. Шу жиҳатдан ансамблдаги Халқлар дўстлиги саройи Олмазор, Бешёғоч микрорайонларидаги уй-жой бинолари, Партия тарихи институти, Тошкент метрополитени маъмурий-хўжалик блокининг бинолари билан уйғун. Майдонда қурилаётган Халқлар дўстлиги саройининг лойиҳасини Б. Мезенцев номидаги Томошахоналар ва спорт иншоотларини экспериментал лойиҳалаш марказий илмий-тадқиқот институти ва Тошкент Бош плани илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти меъморлари яратдилар.

Майдонда келажакда туристлар учун 26 қаватли меҳмонхона, биринчи қаватида ёш келинкуёвларга аталган магазин жойлашадиган савдо уйи ҳам қурилади. Халқлар дўстлиги саройи қаршисида тикланажак Халқлар дўстлиги ҳайкали комплекснинг чинакам мазмунини ташкил этади. Ҳайкалтарош — СССР Давлат мукофоти лауреати, РСФСР ва ЎзССР халқ рассоми Д. Рябичев, архитекторлар — СССР Давлат мукофоти лауреатлари С. Одилов, Л. Адамов Улуғ Ватан уруши йиллари даврида ўн тўрт болани иссиқ бағрида тарбиялаган Шомаҳмудовлар оиласининг образини композиция учун асос қилиб олдилар. Ҳайкалнинг баландлиги олти метр бўлади. Унинг атрофида гранит фавворалар кўкка сув пуркайди. Истироҳатгоҳлар барпо этилади. Майдонни кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилади: гуллар, арчалар, дуб, қайрағочлар ўтқазилади.

Халқлар дўстлиги саройи ёнида сувининг йўналиши ва ранги куйнинг оҳангига қараб ўзгариб турадиган улкан фаввора қурилади. Томошахона хиёбони боғ билан туташади. Боғ 115 гектарни ташкил этади. У ерда халқаро ярмаркалар, сайиллар ўтказиладиган секторлар жойлашади. Болалар темир йўли реконструкция қилинади. Навоий номидаги кинотеатр замонавий лойиҳа асосида янгидан қад кўтаради.

Ўзбекистон пойтахтининг Халқлар дўстлиги майдони ўз таркибига олувчи бугунги маркази архитектура ансамбллариниг ўзига хос комплексини намоён қилади, шаҳар қиёфасида ҳам, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ҳам зўр аҳамият касб этади. Бу эса нодир шаҳарсозлик тажрибасининг ажойиб самараси, социалистик шаҳарсозлик бой имкониятларининг ёрқин далили, пойтахт меъморларининг ўнинчи беш йилликда амалга оширган энг улкан ишларининг биридир. Бу КПСС XXV съезди халқ фаровонлигини ошириш, уларни қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш ҳақидаги оталарча ғамхўрлигининг амалий ифодасидир.

Майдон қурилиши республика партия ва ҳукуматининг доимий эътиборида. Ўтган йили Тошкент шаҳар партия комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Касаба союзлари область совети ва шаҳар комсомол комитети Халқлар дўстлиги майдони қурилишини янада тезлаштиришни таъминлаш мақсадида қарор қабул қилдилар.

Майдон қурилишининг бош пудратчиси 11-қурилиш трести ва 2-уйсозлик комбинати коммунистлари Олмазор турар-жой микрорайони ва Халқлар дўстлиги саройи қурилишларини муддатидан илгари —1980 йилнинг охирига қадар битказиш ташаббуси билан чиқдилар. Коммунистларнинг бу ҳаракати комплексда ишлаётган ҳамма қурувчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

11-қурилиш трестининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ бригадасида турли миллатга мансуб қурувчилар бир оила фарзандларидек иноқ меҳнат қилмоқдалар. Фарҳод Хонов, Александр Путинцев, Маннон Аҳмедов, Далгат Микаэлов, Николай Бачков, Николай Ли бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд. Улар бугунги маррани эртанги кун учун норма деб биладилар.

— Бригадамиз зиммасига масъулиятли иш — Халқлар дўстлиги саройини қуриш топширилган,— деди М. Ҳабибуллаев.— Бу иншоотнинг баландлиги ўн уч қаватли бинога тенг бўлади. Унинг катта залига 3 минг 200, балконларига 800 томошабин сиғади. Бу бинода Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XX съезди ўтказилиши

эса бизнинг бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшмоқда.

Объект қурилишига 6 минг тоннадан ошиқ металл устунлар, кўплаб турли ўлчамдаги арматуралар монтаж қилиниши, залнинг устига ҳар бири 120 тонналик тўртта ва 150 тонналик иккита тўсин ишлатилиши керак эди. Одатда бундай ишларни пўлат устунларни монтаж қилиш билан шуғулланадиган махсус трест бажаради. Бироқ М. Ҳабибуллаев бригадаси аъзолари, объект пойдеворини ўзимиз қўйдикми, демак, унинг энг мураккаб жараёнларини ҳам ўзимиз адо этамиз, деб аҳд қилдилар. Бундан аввал бригада аъзолари Матлуботчилар уйи қурилишида ишлаганларида бу ерда мураккаб тўсинлар қандай монтаж қилинганини қунт билан кузатган эдилар. Пўлат конструкцияларни монтажлаш трести, республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги раҳбарлари бундай катта ҳажмдаги ишнинг комплекс бригадага берилишига розилик бермадилар. Бироқ бригада аъзолари бўш келмадилар. Баҳс қизиб кетди. Раҳбар партия ташкилотлари М. Ҳабибуллаев бригадаси аъзоларининг аҳди қатъийлигини кўриб, улар албатта бу ишнинг уддасидан чиқа олишларига ишонч билдирдилар.


— Металл конструкциялар монтажини муддатидан илгари тугалладик,— дейди М. Ҳабибуллаев.— Мутахассислар ишимиз сифатини ижобий баҳоладилар. Натижада комплекс бригада имкониятлари катта экани, пудрат усулини тураржой қурилишидагина эмас, ҳатто ноёб иншоотлар қурилишида ҳам қўллаш мумкинлиги исботланди. Бригадамиз аъзолари бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажаришга сўз берган эдилар. Ҳозир, М. Каримов, В. Скоробогаченко бошлиқ бригадаларнинг қурувчилари билан беллашган ҳолда ўн биринчи беш йилликнинг сўнгги ойи ҳисобига ишламоқдамиз. Эришаётган муваффақиятларимизда Халқлар дўстлиги майдони комплексида ташкил этилган муваққат партия группасининг ҳиссаси катта.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида совет кишилари олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхталиб, «Фан-техника тараққиётини қандай қилиб жадаллаштириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини дадил оширишни таъминлаш ҳақида бундан буён ҳам ўйлашимиз зарур», деб таъкидлади.


— Ўртоқ Брежневнинг шу йўл-йўриғи ҳақида ўйлаганимда,— деб давом этади. М. Ҳабибуллаев,— Тошкент шаҳри қурувчилари кўп объектларни ўз вақтида қуриб фойдаланишга топшираётган бўлсалар-да, уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари қурилишида камчиликларга йўл қўяётганлари эсимга келади. Улар уйларни планда белгиланганидек ҳар ойда эмас, балки кварталнинг сўнгги кунида, мактабларни эса ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолганда топширмоқдалар, оқибатда комиссия сифатсиз ишларни ҳам қабул қилишга мажбур бўлмоқда. Лекин бунинг асосий айбдори қурувчилар эмас, қурилишларнинг материаллар билан вақтида таъминланмаётгани, бош ва ёрдамчи пудратчилар ўртасидаги келишмовчиликлар. Агар тошкентлик қурувчилар уй-жойлар, мактаблар ва болалар боғчалари қурилишида ҳам муваққат партия группаларини тузиб, аниқ тадбирлар асосида иш олиб борсалар қурилиш сифати янада яхшиланиши, объектлар белгиланган муддатларда битказилиши, ортиқча чиқимларга йўл қўйилмаслиги табиийдир.

Бу жонкуярлик билан айтилган сўзларда бутун совет кишилари каби республикамизнинг барча меҳнаткашлари, жумладан, қурувчилар партиямиз ҳаётидаги муҳим воқеа — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўраётган — янгидан-янги улкан меҳнат ғалабаларини қўлга киритаётган кунларнинг асл мазмуни аён. КПССнинг XXV съезди қарорларида илгари сурилган улуғвор режалар дадиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бинокорлар меҳнат унумдорлигини 28—32 процент ўстиришлари керак эди. Улар бригада пудрати ва орёлликларнинг узлуксиз қуриш методини қўллашлари, иш вақти, машина ва механизмлардан унумли фойдаланишлари натижасида бу маррани эгаллаш арафасида турибдилар. Халқлар дўстлиги комплекси қурувчилари эса XXVI съезд шарафига қизғин давом этаётган социалистик мусобақа пешқадамлари сафида бормоқдалар. Пойтахтимизда қад кўтараётган бу комплекс совет кишиларининг ленинча дўстлиги, КПСС шонли съездларидан илҳом ва битмас-туганмас қудрат олаётган республикамиз қурувчилари қаҳрамонона меҳнати тимсоли сифатида асрлар оша яшайди.


Абдуқодир НИЁЗОВ



Халқлар дўстлиги саройи комплекснинг ноёб иншоотларидан бўлади. Қўли гул бинокорлар сарой қурилишини Ўзбекистон Компартияси XX съезди очиладиган кунгача фойдаланишга топшириш мақсадида зўр ғайрат билан ишламоқдалар.



11-қурилиш трестининг Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Мухтор Ҳабибуллаев ҳамда Александр Мордовин каби илғор қурувчилари сифатли меҳнатлари туфайли ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.



Халқлар дўстлиги саройи қурилишида замонавий ва ўзбек миллий меъморлик санъатининг энг яхши намуналари уйғунлашади.

Е. БОТИРОВ ва Х. МИРЗАКАРИМОВ фотолари





Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Ҳаким ва ажал

Достон

Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланади

I

Жуда қадим замонларда;
Минг йилча бурун,
Бухоронинг шундоққина Афшонасида
Яшар эди ғоят закий битта ўспирин,
Тенгдошларин қаторида ҳали расида.

Чорва билан машғул эди ота-онаси,
Тирикликдан камтаргина ком олган эди.
Лекин шундоқ оиланинг ўша боласи —
Ёш бошидан Ҳаким деган ном олган эди.

Бир нарсада танти эрур доим табиат,
Идрок берса қарамагай усти-бошингга.
Неча-неча саройлардан ҳатлаб ўтган бахт
Ногаҳоний Ҳумой бўлиб келар қошингга.

Ҳакимда ҳам турфа хислат эди мужассам,
Хусусан, у табибликда пурҳунар эди.
Ҳар бир гиёҳ кўзларига гўёки малҳам,
Малҳам эса гиёҳ бўлиб кўринар эди.

Болаликнинг беғамлиги ўтди кўп шитоб,
Жуда эрта ниш кўрсатди унда тафаккур.
Эрмак бўлди бобосидан қолган тиб китоб,
Табиатдай баравж ўсди, табиатдай ҳур.

Баҳор келса, Ўртачўлнинг далаларида,
Чўлиқларнинг даврасида куни ўтарди.
Гиёҳ териб гоҳо ўрим паллаларида
Ҳўпчиларнинг[1] усулида байтлар битарди.

Ҳаким деган номи унинг тарқалиб бот-бот,
Не ҳайратки, ҳар учраган топди кушойиш.
Келар бўлди унга энди атроф тумонот,
Ҳар беморда унга истак, ҳар соғда хоҳиш.

Бандасига берай деса берар экан, деб,
Оддийгина хулосасин чиқарди эл-юрт.
Донғи унинг Афшонага бўлган эди зеб,
Кундан-кунга ортар эди бу шон беҳудуд.

Ўнг билан туш, вужуд ва руҳ, тафаккур,
борлиқ —
Унинг зеҳну идрокида эди ҳукмрон.
Бу дунёда инсон билан не бўлса боғлиқ,—
Чулғар эди хаёлини мўъжизасимон.

Ҳали сукут сақлар эди, валекин, тақдир,
Ўрни ҳам бўш истиқболнинг қароргоҳида.
Чорлар эди, ундар эди уни қайгадир,
Қишлоғининг чангли йўли гоҳи-гоҳида.

II

Хабар келди Бухоронинг аркидан бир тонг,
Ёш малика хасталаниб ётармиш ҳолсиз.
Қолмабди ҳеч қарамаган табиб, дуохон,
Малика-чи, ҳануз ҳорғин, ҳануз мажолсиз.

Одам иси ёқмас эмиш, тунд ва бадқовоқ,
Фақат китоб варақларгина қараб дарчадан.
На яхши, на ёмон гапга солармиш қулоқ,
Юз ўгирмиш куппа-кундуз барча-барчадан.

Бундай ҳолдан амир ғоят ташвишда эмиш,
Эзилармиш қизғинанинг ҳолига қараб.
Хуллас, чопар буйруқ билан амирдан келмиш,
Отланиши керак эмиш Ҳаким арк тараф.

Ўша куни келтирдилар Ҳакимни у ён,
Баланд-баланд минорлардан бордилар ўтиб.
Улкан аркка етишганда бир йигит шоён —
Ичкарига бошлаб кетди, илтифот этиб.

— Мен Мирзоман,— деди йигит,— вазирдир
отам,
Маликага талабгорман, тўй қилмоққа шай.
Лекин бу қиз эркак зотин хушламас ҳеч ҳам,
Кўмак учун чақиртирдик биз сени атай.

Боз устига беморман, деб уйдан чиқмас ул,
Ужар қизни юмшатасан, бошқа гап бекор.
Қанақанги ҳунаринг бор — қўллагил буткул,
Эзибички бергил, майли, ёзиб бер тумор...

Аввалига гангиб қолди бу гапдан Ҳаким,
Эл ичида гарчи бисёр юриши эди.
Неча-неча хасталикни даф этиб, балким,
Бунақасин биринчи бор кўриши эди.

У илк марта аянч билан боқди ўзига,
Аянч эди қаршисида арк ҳам баякбор.
Қарадию Мирзонинг у ҳиссиз кўзига,
Юриб кетди илгарига дадил, шиддаткор.

— Кўрсатингиз менга,— деди,— ўша беморни!
Мармар саҳну зиналардан ошиб ўтдилар.
Айланишиб жуда юксак нақшин виқорни,
Зийнатланган бир эшикка бориб етдилар.

— Мана,— деди Мирзо ўйчан,— малика шунда.
Ошёнадан кўринарди равоқлар олий.
Ҳаким руҳсиз суҳан қилди:— Кутгайсиз бунда,
Қоида шул, иккимизни қолдиринг холи...

III

Одам лойдан бунёд бўлган, деганлар қадим,
Хоки туроб бўлажак у ўлгандан сўнг ҳам.
Шак келтирди илк мартаба бу гапга Ҳаким,
Инсон билан талашарди бу уйда ҳашам.

Токчаларда ялтирарди жавоҳир, биллур,
Шамдонларнинг қуббалари кескир чарақлаб.
Ҳарир парда орқасида гўё ғужум нур —
Ёш малика ўлтирарди китоб варақлаб.

Қаршисида мўъжизани кўргандай тугал,
Ҳаким бир зум туриб қолди ҳиссиз ва совуқ.
Қиз эмас бу, пари эди ғоят мукаммал,
У шаҳд билан дарпардага ёндашди ёвуқ.

Китобидан бош кўтарди малика ногоҳ,
Шиқвали бир қараш қилди:— Табибми сен
ҳам?!
Во ажабо, қаёқда бор бундайин нигоҳ,
Маликанинг кўзларида чарақларди ғам!

Бамисоли ғор оғзида ўсган бир сунбул,
Соя ҳидин уфурарди бу гўзал вужуд.
Хонанишин эди бу қиз, ўй билан машғул,
У ҳаётдан бекинганди, ёлғиз ва маҳдуд.

— Маъзур тутинг,— деди Ҳаким, сўз бошлаб
секин,—
Ба фармони олий келдим мен ушбу ерга.
Мен — табибман! Фикрат билан иш тутгум
лекин,
Дардингизнинг шифоси бор: теккайсиз эрга!

Нафис чинни қўлдан тушиб сингандай гўё,
Жаранг билан кулди қиз шўх, маст каби майсиз.
Улаб кетди бироқ Ҳаким гапни шу асно:
— Йўқ, маликам, фақатгина севиб теккайсиз!

Қанчалик тез ёнган бўлса, шундоқ сўнди у,
Бир зум қотди Ҳаким сари кўзларин қадаб.
Руҳсиз гўзал маъюсгина қилди гуфтигў:
— Бухорода сендай табиб бор экан, ажаб...

Ошёнага илтифотсиз имо этди сўнг:
— Устозларинг дорулари ана у жойда.—
Маликанинг кўзларида порлар экан мунг,
У буюрди:— Табиб бўлиб қолгунг саройда!

Аён эди маликанинг дилидаги дарз,
У жиловлаб қўйган эди балоғат кучин.
Неча йиллик армонини Ҳаким этди арз:
— Рухсат бўлса, кутубхона етар мен учун.

IV

Билдирмишдир амир шу кун Ҳакимга рўйхуш,
Муродига етганди у бетўсиқ, бежанг.
Бамисоли фазоларда парвоз этган қуш,
Бамисоли уммонларда чарх урган наҳанг.

[1] Ҳўкиз билан галла янчувчилар.





Рассом А. ЦИГЛИНЦЕВ Абу Али ибн Сино юбилейига атаб яратган литографик расмлар туркумидан.

Бунда асрий қўлёзмалар, девонлар ноёб,
Илми нужум, илми шеъру илми тиб — бари.
Қанча-қанча ҳикматлардан жам бўлган китоб,
Бунда эди инсон ақлин жавоҳирлари.

«Бир кун насиб этармикан менга ҳам шу бахт,
Мен ҳам нурли бу қасрга соларманми из?»
Чулғар эди уни гоҳо орзулар хушбахт,
Ўтказарди тунларини Ҳаким уйқусиз.

Саҳифалар орасидан рўбарўсига
Чиқар эди турфа савол: «Нимага? Нечун?
Ўлар бўлса инсон агар, туғилмоқ нега?
Наҳот мен ҳам яшаяпман ўлмоқлик учун?!

Яратишдан мурод нима?» Бундай чоғ Ҳаким,
Тавба билан бош эгарди, келтирдим деб шак:
«Бандаларга банда ишин буюрдинг токим —
Ҳар заррада ўзинг борсан, ўзинг бор, бешак».

Лекин тунлар идрок ила қолганда якка,
Йироқларга элтар эди яна хаёллар.
«Гар ажалга даво топсам, етардим ҳаққа,
Ечиларди,— дерди Ҳаким,— барча саволлар».

Шундоқ ўтиб борар эди унинг кунлари,
Фикру ўйин байтга солиб тизарди баъзан.
Ҳордиқ чоғи ошиқарди Афшона сари,
У ердадир волидаси, у ота маскан!

Шуҳрат уни ҳар сония чулғарди, аммо,
Умр деган ўтиб борар бетўхтов, шитоб.
Ҳаким бир кун эзгу ишни этди муддао:
«Битсам,— деди,— авлодларга мен ҳам бир китоб.

Тиб илмининг уммонидан гавҳарлар тизиб,
Дафтаримда барин-барин жам эта борсам.
Илмим ила шояд фоний умрдан ўзиб,
Йироқ-йироқ авлодларга ҳам ета борсам».

Боболарнинг руҳи ўзи ёр бўлсин, дея,
Ният билан Ҳаким бир тонг ушлади қалам.
Хонасида пайдо бўлди бирдан жория:
— Йўқлаб келди,— деди,— сизни ўзи — маликам!

V

Очиқ эди маликанинг авзойи ғоят,
Остонада ҳатто енгил айлади таъзим.
Бу ташрифдан мутаассир бўлиб ниҳоят,
Бошин эгиб турар эди бир четда Ҳаким.

Жавонларга томон юрди малика аста,
Туриб қолди ниманидир гўё варақлаб.
Саҳифадан нигоҳ узмай сокин, шикаста,
Лекин титроқ бир овозда бошлаб қолди гап:

— Муҳаббатдан сўз очдинг сен у куни, табиб,
Лекин шуни унутдингки, мен ҳам муслима...—
Ҳаким бир зум қараб қолди хаёлга ботиб,
Бамисоли лангарини йўқотган кема.

Бухоронинг ғоят теран дарди эди бу,
Юракларга ботган пинҳон игнаси эди.
Маликанинг лабларидан кўчган бу туйғу
Аёл зотин кўр қисматга гинаси эди.


— Муҳаббатни тарғиб этмоқ жоизмас, бироқ
Айт-чи, нетсин ўз қалбини ахтарса ҳар ким?!—
Маликанинг овозида янгради сўроқ,
Бу жасур қиз қаршисида жим қолди Ҳаким.

Бу — малика, камол топган юксак саройда,
Бўйга етиб излар эди ўзига ҳамдам.
Муҳаббатни уқтирмоқдан йўқ зарра фойда,
Ташна эди севгига қиз, ташна жуда ҳам.

Ёш Ҳакимдан жавоб кутиб, кутиб бирор ун,
Маликанинг кўзларида шуъла ёнарди.
Ҳаким деди:— Икки нарса мубҳам мен учун,
Бири ажал, бири эса муҳаббат дарди.

Жавонларнинг орқасида недир шу асно
Кўчган каби бирданига кетди тарақлаб.
Не ҳайратки, уй буржида турарди Мирзо,
Китобларга кўмилганча, кўзи чарақлаб.

Ногаҳоний манзарадан иккиси ҳам лол,
Қалқиб кетди, чекингандай зўр рўйи баддан.
Мирзо эса терга ботиб тураркан беҳол:
— Мутолаа қилмоқдайдим,— деди зўрғатдан.



Маликанинг кўзларида чақнади кибр,
Деди:— Нечук интилибди бу зот зиёга?!—
Қиз эшикни ёпар экан зарб билан кескир:
— Тоқатим йўқ менинг,— деди,— сендек Мирзога!

VI

Ҳар қандайин одамда ҳам бор пинҳон қудрат,
У йўналган жойин кесар лекин тиғ каби.
Малика деб Мирзо гарчанд чекса ҳам ҳасрат,
Ўзга эди, бошқа эди унинг матлаби.

Ғоят нозик фаҳм этарди буни малика,
Баттар ўтда ёнар эди тахтни қизғаниб.
Мирзо дилин босган эди теран таҳлика,
Туни билан ухлаёлмай чиқди тўлғаниб.

«Қаёқдандир келиб қолган бир табиб юзсиз,
Маликага суҳбатдошдир, балки ҳасратдош.
Тантиқ қизнинг хаёлин у банд этган, сўзсиз,
Тахтга томон ўрмалаган чаён бу, аввош!»

Қуритмаса бўлмас унинг изини минбаъд!
Тонгда Мирзо Ҳаким томон йўл олди жадал.
Юрагида уйғонганди сўқир бир журъат,
Жўнатмоғи керак лекин тинч ва бежанжал.

Салтанатнинг пойидадир Ҳаким ҳар қалай,
Бошни тиқиб бўларми ҳеч аждар комига.
Хаёлини чулғаб олди режалар талай,
Қарор қилди: «Ҳаким тушгай олтин домига!»

Мирзо шу кун Ҳаким билан келди юзма-юз,
Одоб ила гап бошлади ғоят узоқдан:
— Миннатдормиз хизматингдан, бурчлимиз сўзсиз,
Мана сенга ҳамёндир бу, туҳфа биз ёқдан.

Энди етар, жўна энди қишлоғинг томон,
Сендан ҳижрат, мендан эса бўлсин сийму зар.
Муроди не — англаганди Ҳаким бегумон,
Ёқар эди Мирзони рашк, ҳасад кўру кар...

Бу саройда китоб эди илинжи якка,
Етишганди неча йиллик армони билан.
Ҳаким деди:— Тайин этган мени малика,
Кетажакман фақат унинг фармони билан.

Саркаш Ҳаким қаршисида бўшашди Мирзо,
Чекинди сўнг афв сўраб ортига ночор.
Ҳаким ҳиссиз қўл силтади: «Кўҳна бу савдо...»
Сўнг киришди китобининг шарҳига такрор.

Сарой ичра зулмат чўкиб, оққанида вақт,
Ой сафарин бошлаганда мағриб томонга,
Даричани очиб Мирзо ярим кеча нақ —
Лаҳча бир чўғ ташлаб кетди китоб жавонга.

VII

Сарой узра ногаҳоний кўринди олов,
Янграб қолди ғовур ичра посбонлар саси.
Қиёқ тилин минорларга чўзиб беаёв
Ёнар эди амирликнинг кутубхонаси.

Хоб аралаш ҳужрасидан югурди Ҳаким,
Даричадан отди ўзин оловга томон.
Фақат сўнгги илинжига улгурди Ҳаким,
Ёзмаларин олиб чиқди у ердан омон.

Тақдир унга берган эди беаёв фириб,
Ҳаким мунглуғ боқар эди бир уюм кулга.
Тонг чоғида амирнинг хос миршаби кириб,
Ҳайдаб кетди уни тўғри олий қабулга.

Аён эди, бало уни кутарди сўзсиз,
Аён эди бўлмаслиги зарра ҳам шафқат.
Юксак тахтдан қаҳр билан тикканича кўз
Қарши олди уни амир — соҳиб салтанат:

— Сени Ҳаким деб билардик ғоятда донгдор,
Ишонгандик шул сабабдан кутубхонани.
Сен имонсиз зот экансан, фирибгар, айёр,
Не муродда ўт қўйдинг, хўш, жавоб бер, қани?

Ҳа, Ҳакимга тушган эди бу иш уволи,
У букилган қаддин букиб, деёлди фақат:
— Тангри воҳид, Бухоронинг шонидан холи,
Шон бўлмаган менинг учун, йўқ бўлак шавкат.

Пешонада неки бўлса бандаси кўрмиш,
Жазога мен мустаҳиқман, амрингизга шай.
Лекин буюк бул гуноҳга кимки қўл урмиш —
Уни улуғ битикларнинг заволи ургай!

Кулфат деган келса асли келаверар рост,
Бир чувалган ипни энди тараб чиқар ким?
Китобёқар деган номни олганди паққос,
Ўз умрини китобларга бахш этган Ҳаким.

Китоб эмас, олов ичра ёнганди бағир,
Фақир эди, ўрганмаган мукофотларга.
Олим эди, нечук бошин кўтарсин ахир,
Ҳаким эди, донғи кетган музофотларга.

Турар эди ўз ўтига қоврилиб Ҳаким,
Ожиз эди ҳодисотнинг тафсирасидан.
Жаранглади қулоқлари остида ҳукм:
«Ҳайданг буни Бухоронинг чегарасидан!»

VIII

Ҳали буткул босилмасдан саройда ғавғо,
Ҳали поён топмасидан миш-мишлар тугал.
Маликанинг ҳузурига чорланди Мирзо,
Уни ғоят ўйга солди такаллуф бу гал.

Сипо эди маликанинг авзойи гарчанд,
Юзларига лекин ҳасрат солган эди из.
Бамисоли зўр мўъжиза рўй бериб, бирдан
Бир кечада катта бўлиб қолган эди қиз.

— Муродингга етдинг,— деди малика босиқ,—
Ҳар ким кўргай не ёзилган шўр пешонага.
Бироқ менга айт-чи, Мирзо, жавоб бер очиқ:
У кун нега кирган эдинг кутубхонага?

Уни тафтиш қилмоқдайди малика аён
Ва баробар пинҳон дилин борарди ёриб.
Мирзо деди:— Юрагимни ўртагач гумон,
Даричадан тушган эдим, соядек бориб.

Оҳ, маликам!— деди Мирзо.— Сиз зотсиз порлоқ,
Сиз ҳилолсиз, йўқ, қуёшсиз, у-чи сўник шам.
У — бир гадо, у — бир табиб, у — ялангоёқ,
Ахир нечук у бўларди сиз билан ҳамдам!

Қиз дафъатан бўғрикди-ю, айлади хитоб:
— Тингла, Мирзо, мен саройнинг тантиқ нуриман.
Айбимми ё эгнимдаги бу зар, бу кимхоб,
Мен ҳам инсон шуурининг меросхўриман!

Тингла, Мирзо, мана буни дейдилар қиёс,
Бу — Бухоро маликасин юрак ифшоси:
Сен тубансан, у-чи, юксак, сен — хок, у — қуёш,
Сен гадосан, у — тафаккур мулкин подшоси.

Инсон — ҳазрат! Инсон — кабир! Бу гапни, аммо,
Уққаним йўқ на падарим ва на онадан.
Ақидамни топтама сен, мен уни зеро
Топган эдим сен ёққан ул кутубхонадан.

Энди тамом қуриганди Мирзо мажоли,
Сўз деёлмай маликага турарди қараб:
— Бу қандайин сеҳр бўлди, бу кимнинг фоли,
Аёлдан ҳам чиқар экан авлиё, ё раб!

Закий бу қиз мантиқ ипин олганди тутиб,
Лекин ортга бурилдию бошин этди хам.
Секин деди:— Толеимни тургайман кутиб,
Эркак бўлсанг Бухородан чиқиб кет сен ҳам!

IX

Сўнгги бора боқди Ҳаким она Жайҳунга,
Сўнгги бора боқди ҳазин диёри томон.
Қолди юрти, волидаси ботганча мунгга,
Уни олиб кетмоқдайди ҳимматли карвон.

Яхши ҳамки тақдир деган юпанч бор, магар
У бўлмаса одам ғамдан битарди қуриб.
Бамисоли ошёнига шошган қабутар,
Шу бир сўздан паноҳ топар ҳар ким югуриб.

Мана, уни қайларгадир йўллади тақдир,
Гарчанд улуғ шуҳратига йўқ эди тараф.
Тасбеҳ каби ўгирилиб кунлар бирма-бир,
Ҳамадонга етиб келди карвон эрталаб.

Билмасди у, қисмат унга не қилар ҳадя,
Бахт топарми ёки кулфат бегона жойдан.
Бухоролик ҳозиқ Ҳаким келганмиш, дея,
Гап тарқалди ўша куни карвонсаройдан.

Эл ҳамиша икки зотнинг кутгай йўлини,
Шул икковни юрагига санагай ҳабиб.
Бири шоир — куйлагувчи эзгу дилини,
Бири эса дарддан фориғ этгувчи табиб.

Тангри уни қисмаганди бундоқ инъомдан,
Кўзига нур, юрагига жоду солганди.
Карвонсарой эшигини ўша кун шомдан
Неча юз-юз мажруҳ одам ўраб олганди.

Бу ерда ҳам чулғаганди Ҳакимни шараф,
Жонбахш қўли унинг яна киришди корга.
Ўкинса-да у қувғинди умрига қараб,
Шукур, деди, қадр берган парвардигорга.

Не бўлса ҳам бу мунглуғ юрт, бу унинг Шарқи,
Ошна эди болаликнинг афсонасидан.
Вайронаю рудларининг йўқ эди фарқи,
Олисларда қолиб кетган Афшонасидан.

Карвонсарой эшигига шошарди ҳар ким,
Тонгдан то шом узилмасди бунда саф, қатор.
Қай бир дарду хасталикни қайд этса Ҳаким,
Китобига битар эди ўшани тезкор.

Кори хайрга бахш этарди лаҳзаю онни,
Ортар эди китобида қайд ва саҳифа.
Бир кун ногоҳ йўллаб олий тахтиравонни
Саройига олиб кетди уни халифа.

X

Вазирликка тайин бўлди Ҳаким ўша кун,
Ажратдилар унинг учун олий, хос макон.
Салтанатнинг осмонига берганди ҳусн
Йироқлардан учиб келган юлдуз дурахшон.

Ҳаким учун неки жоиз — шай эди, хуллас,
Фақат унга ёлғиз шартни кўрдилар раво.
Уқтирдилар:— Сен Бухоро фарзанди эмас,
Унутгайсан у ношукур юртни мутлақо.

Лекин Ҳаким шуурига сиғмасди бу шарт,
Хаёлида Афшонанинг гўзал осмони.
Паноҳ эди салтанатлар Ҳакимга фақат,
Ажал билан олишмоқлик эди армони.

Даф этди у неча-неча қисмат пандларин,
Неча тилу забонларни фатҳ этди осон.
Йиллар ўтиб, Шарқнинг улуғ донишмандларин
Даврасига кирган эди бу жасур инсон.

У тиббиёт оламида кўтарди байроқ,
Улаб чиқди парканд, юлуқ ипларин бир-бир.
Деди:— Тан ҳам яхлит эрур, сарғайса япроқ,
Узиб олиб обиҳаёт бермаслар, ахир.

Деди:— Танда бесабаб дард бўлмоғи душвор,
Таралгай у асаб деган битта маёқдан.
Муҳаббат ҳам хасталикдир, инжиқ, шиквадор,
Кириб келмас юракка у аллақаёқдан.

У асрарди дилда яна битта ниятин,
Поёнига етолмасди валекин пешлаб.
Кўрсам, дерди, тан — вужуднинг ботиниятин,
Ёриб кўрсам, дерди уни, қўл билан ушлаб.

Лекин бундоқ манзарани ҳис этгани чоқ —
Ногаҳоний қўрқинч билан титраб кетарди.
— Осийманми? Яратдинг-ку мени ҳам халлоқ!—
Дея тунлар тангрига жим сукут этарди.

Боқар эди ой тамғали тоқи равоққа,
Маҳобати улуғ эди, о, унинг ҳаддан.
Тенгсиз журъат керак эди ошиб ўтмоққа,
Асрларнинг ўзи тиккан бундай сарҳаддан.

Ажал билан олишувдир, дерди, ниятим,
Иккимиз ҳам ҳақ олдида соме ҳар қачон.
...Эшик оға кирди бир кун:— Не дей, ҳазратим,
Бухородан йўқлаб келмиш сизни бир меҳмон.

XI

Ҳаким дили алланечук гувранди шу дам,
Бамисоли эшитгандай бир сўз — жон физо.
Эшик томон йўналди у шошиб, бечидам,
Остонада турар эди бош эгиб Мирзо.

Ҳаким бир зум сукут этди бекалом, бесўз,
Қаршисида ғоят юпун зот эди, ҳақир.
Этагини ўпар экан Мирзо букиб тиз,
Нидо қилди:— Мени маъзур тутгайсиз, тақсир...

Олисларда қолиб кетган севикли диёр
Кўринганди ҳозир Мирзо шаклида балким,
Бағрин очиб лутфу карам этди ихтиёр,
Меҳмонини ичкарига бошлади Ҳаким.

Ғоят узоқ кечмишини арз этди Мирзо:
Қув малика уни юртдан бадарға қилмиш.
Жиловдори билан икков бамисли гадо,
Юртлар кезиб тентирамиш, саргардон бўлмиш.

Ва ахийри паноҳ истаб келмиш бу томон,
Донғи кетган улуғ Ҳаким, юртдош вазирга.
Не хизмат бор — бажарармиш барин бегумон,
Фақат таъқиб этмаса бас, тақдир — қасирга.

Ногаҳонда дув ёришди Ҳакимнинг юзи,
Деди:— Олгил истаганча олтин ва кумуш.
Сени менга парвардигор йўллади ўзи,
Топшираман сенга, Мирзо, оғир бир юмуш.

Қабристонга ўтажаксан сен бугун оқшом,
Харид қилиб келтиргайсан янги бир... мурда.
Мирзо ранги бузилдию ўчди батамом,
— Ё ҳазратим, бу нечук шарт?— деёлди зўрға.

Ҳаким деди:— Ажални мен шундоқ йўл билан
Даф қилурман, муродимдир тажриба фақат.
Гўрковни сен рози айла бисёр пул билан,
Ҳузуримда қолай десанг — сир сақла минбаъд...

Ўша тунда муродига етишди Ҳаким,
Содир бўлди тиб илмида пинҳон инқилоб.
Ёриб кўрди у инсоннинг танин беваҳм!
Тонг оқармай дафн этишни буюрди шитоб.

Куни буйи иккиси ҳам дилгир, бенаво,
Ҳидлаб юрди дафъи дард деб юрак дорини.
Лекин Ҳаким билмас эди, ўша кеч Мирзо,
Келтирганди бўғизлаб ўз жиловдорини.

XII

Шу зайлда салтанатдан Мирзо топди жой,
Ном қозонди Ҳакимнинг бир юртдоши сифат.
Унга меҳру таважжуҳда қарарди сарой,
Қатнашарди донишмандлар қурганда суҳбат.

Сирдош бўлиб борарди у Ҳакимга секин,
Унинг билан интиларди шуҳрат томига.
Битта ҳолдан ўкинарди ғоятда лекин,
Нега бу шон келмади деб ўзин номига.

Афшонадан чиқиб қолган битта осий зот,
Лол қолдириб турса алам анқов жаҳонни!
Мирзо олис кечалари ухламай бот-бот,
Қарғар эди каж тақдирни, ўртарди жонни.

Асли Мирзо жўн тириклик гандаси эди,
Умри ўтиб билмасди ҳеч — нима онг, шуур.
У тангрининг шундайин бир бандаси эди,
Унинг учун пуч гап эди идрок, тафаккур.

Ҳаким ногоҳ чорлаб қолди Мирзони бир кун,
Узоқ муддат изҳор этди унга хуш ният.
Деди:— Улуғ меҳнатимга ясадим якун,
Китобимга нуқта қўйдим энди, хайрият.

Кўрдим илк бор инсоннинг мен ботин аъзосин,
Тафаккурнинг номидан мен иш тутдим, Мирзо.
Тингла, Мирзо, мен ўлимнинг топдим давосин,
Ажални мен даф қилурман, енгурман, илло..

Қирқта шиша терилганди токча сафига,
Ҳаким бир-бир санаб чиқди эринмай зинҳор,
Деди:— Эшит, жон узилгач, марҳум лабига
Аввал буни, сўнгра буни томизмоқ даркор.

Қирққа етгач, жонланади марҳум мутлақо,
Тилга кирар ва оёққа тургайдир бешак,
Осийликни ўзгаларга кўрмадим раво,
Қўлламадим бул доруни, келтирмай деб шак.

Мирзо кўзин қоплаганди қуюқ бир туман,
Қаршисига тушган каби осмон эшилиб.
Шивирлади: «Ҳакимми бу ёки ёсуман,
Жаҳаннамда ёнмасайдим бунга қўшилиб».

Ҳаким маъюс бир оҳангда сўнг этди нидо:
— Дилим очдим сенга юртдош бўлганинг учун.
Бул доруни балки менга қўлларсан, Мирзо,
Иншоолло, умр ҳали узундир, узун.

XIII

Ҳамадонга етиб келди мудҳиш бир хабар,
Сарой аҳли ваҳм билан турди оёққа.
Кўкдан офат келтирганмиш сирли кабутар
Бағридоғ деб аталгувчи битта қишлоққа.

Қай даргоҳга бориб қўнса бу қуш, ҳар мўмин —
Ўша замон тил тортмайин адо бўлармиш.
Қуш бир уйнинг ёстиғини қуритса бугун,
Эртан ўзга хонадонда пайдо бўлармиш.

Йилдиримдай етиб келди қишлоққа Ҳаким,
Бунча бўлмас жаҳаннамнинг даҳшати ҳатто!
Қирган эди аҳли юртни офат бераҳм,
Бир кас йўққи, мурдаларни кўмиб келса то.

Таҳликага тушган эди Ҳаким бағоят,
Ўлат эди бу даҳшатли, бу қора ажал.
Даф этмаса агар уни, на бир вилоят,
Қирилмоғи мумкин эди Ҳамадон тугал.

Фармон қилди Ҳаким шунда:— Борки тирик зот,
Ташлаб чиқсин уй-уйини, либоссиз, шу он.
Олмагайлар ўзи билан на мулк, на бисот.
Йироқ кетиб, ертўлада тутгайлар макон.

Ўт қўйингиз,— деди сўнгра,— бадбахт қишлоққа.
Жону жондор, ҳатто тоши чўғ бўлиб ёнсин.
Кўмиб ташланг кулини ҳам теран тупроққа,
Кетган кетди, қолган одам энди қувонсин...

Табиат — дўстимиз

МИТТИ ВА УЛКАН ГУЛЛАР

Гул — гўзаллик, нафосат, қувонч ва хушнудлик манбаи. Барча тантаналар, маросимлар, тўй-томошалар, меҳмондорчиликлар гулсиз ўтмайди. Гулни каттаю кичик, ёшу кекса бирдек севади, эъзозлайди. Чунки у ҳурмат, меҳр, қадр-қиммат ва дўстлик рамзи, кишиларнинг ўзаро муносабатларини безовчи воситадир.

Она сайёрамиздаги ўсимлик турларининг сони 500 минг деб чамаланади. Улардан 200 минги гулсиз, 300 минги эса гуллаб, уруғ ва мева тугадиган ўсимликлар. Гулли ўсимликларнинг тузилиши, танасининг каттакичиклиги ва узун қисқалиги, географик тарқалиши турлича. Энг пастак ўсимлик ҳисобланган волфия-аризанинг бўйи 1—1,5 миллиметрдан ошмайди. Австралияда ёввойи ҳолда ўсадиган эвкалипт дарахти эса энг дароз ўсимликдир. Унинг бўйи 155 метрга етади.

Ўсимликларнинг ўсиши ва гуллашини кузатиб борадиган табиатшунослар уларнинг рангли ва рангсиз, кўримли ва кўримсиз, ҳидли ва ҳидсиз, хушбўй ва бадбўй, кичик ва улкан — хуллас, турли хил бўлишини яхши биладилар.

Жаҳондаги гулли ўсимликлар орасида энг кичиги фан тилида — лемна, русча — ряска, ўзбекча — сув ясмиғи деб аталадиган ўсимликдир.

Сув ясмиғи жуда нозик, у секин дамланиб оқадиган ариқ ҳамда эски ҳовуз суви сатҳини қоплаб олади. Танаси сув ўтларники сингари поя, барг ва илдизларга ажралмайди. Шунинг учун илгари у сув ўтлари сирасига киритилган. Сув ясмиғининг гулли ўсимликларга мансублигини, гуллашини, гулининг ғоят миттилигини 1910 йили италиялик табиатшунос Валлисиерий фанга маълум қилди. Шундан сўнг ряска, яъни сув ясмиғи гулли ўсимликлар сафидан ўзига хос ўрин олди. Биология фанлари кандидати И. Иванованинг маълумотларига кўра, кейинги 200 йил мобайнида сув ясмиғининг гуллаш жараёни Скандинавия мамлакатларида ўттиз уч марта, СССРда йигирма олти марта, Польшада икки марта кузатилган. Уларнинг баъзи турлари эса умуман гулламайди. Сув ясмиғининг меваси тариқдек бўлади. Меваси сув юзида бир-икки кун сузиб юради, сўнгра униб чиқиб, вояга етади.

Совет Иттифоқи, шу жумладан, Ўзбекистонда сув ясмиғининг митти, букри ва уч бўлакчали турлари тарқалган. Гуллаётган сув ясмиғини кўришга муяссар бўлганлар ўзларини бахтли ҳисобласалар арзийди.

Митти сув ясмиғи май ойидан сентябрнинг охирига қадар, уч бўлакчали сув ясмиғи эса майнинг охиридан июлгача гуллайди. Букри сув ясмиғининг гуллаши август ва сентябрь ойларига тўғри келади. Ёш табиатшунослар бу ўсимликнинг гуллаш пайтини кузатишга, уни аниқлашга алоҳида эътибор беришлари зарур. Уларнинг бу хизматлари митти гулнинг Ўзбекистон шароитида ўсиш жараёнини ўрганиш ишларига ҳисса бўлиб қўшилади.

Шундай қилиб, сув ясмиғи гули жаҳонда энг кичик гул бўлса, энг улкани фанда раффлезия-арнольди деб ном олган ўсимликнинг гулидир.

Раффлезия-арнольди Суматра, Ява, Калимантан оролларида ўсадиган, заволга юз тутиб бораётган хлорофиллсиз антиқа ўсимликдир. У шумғия, чўлгули, зарпечак сингари «текинхўр» ўсимликлардан бўлиб, ўзи ёқтирган яшил новдаларнинг муайян турларида, хусусан, узумлар оиласига мансуб циссус ўсимлиги илдизида яшайди. Илдиздан чиқадиган ширани сўриб ҳаёт кечиради: ўсади, гуллайди ва мева тугади. Раффлезиянинг танаси арава ғилдирагидек баҳайбат гулдан унинг «хўжайин» ўсимлик илдизига бириктириб турувчи вегетатив аъзоси — сўрғич илдизидан иборат. Гули этли, нимпушти, сирти сарғиш, бўртма «сўгал»лар билан қопланган бешта йирик тожбаргдан, ўртасидаги гунгурт чуқурчада, халқа бўлиб жойлашган оталиклардан, ўзагидаги оналиклардан ташкил топган.

Раффлезия-арнольди гулининг диаметри бир метр, вазни эса салкам олти килограмм. У баҳайбатлиги жиҳатидан ер юзидаги гуллар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

Раффлезия гули сасиган гўштдек қўланса ҳид чиқаради. Шунинг учун ҳам ўлимтиклар билан овқатланадиган ҳашаротларни ўзига жалб этади. Гул устида пашша ва қўнғизлар тўдаси ғужғон ўйнаб, уни чанглайди. Орадан маълум вақт ўтгач, гул ўзига ўхшаш этли, улкан, ичи ёпишқоқ уруғлар билан лиқ тўлган мевага айланади.

Фил ва бошқа йирик ҳайвонлар етилган мевасини тасодифан босиб, уруғини товонларига илаштириб бошқа ерларга олиб кетадилар. Шу уруғлардан ғизим дарахтлар танасига чирмашиб ўсаётган циссуснинг яланғоч илдизларига ёпишиб қолганлари униб чиқади. Ёмғирдан кейин униб чиққан уруғнинг кичкина ва ягона сўрғич илдизи циссус пўстлоғини тешиб ўтиб, бу азим дарахт танасида жон сақлайди. У ерда бир неча йил «хўжайин» ўсимликнинг ширасн ҳисобига озиқланади, аста-секин куртак чиқаради. Бошда у ёнғоқдек, кейин олмадек, бора-бора бош карамдек бўлади, очилиб улкан гулга айланади.

Раффлезия-арнольдини 1818 йили Суматра оролининг одам оёқ босмаган ўрмонларига саёҳат қилган ботаник — Жозеф Арнольд ҳамда Раффле кашф этганлар. Шунинг учун бу азим гул уларнинг номлари билан аталади.

Раффлезия-арнольди ғоят ноёб ўсимлик. Шу кунгача топилган туплариниг сони мингтага ҳам етмайди. Ҳар бир тупи ҳисобга олинган. Раффлезиянинг бошқа турлари ҳам бор. Лекин уларнинг гуллари хийла кичикдир.

Поёнсиз ва дилрабо табиат бағрида кишиларга олам-олам қувонч, саноатга бебаҳо хом ашё ҳадя этаётган яна қанчадан-қанча гуллар барқ уриб ўсади. Ёш табиатшунослар ва гул ишқибозлари уларни мунтазам кузатиб боришлари зарур.

С. САҲОБИДДИНОВ,
профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби

Ўйлади сўнг ҳодисотни Ҳаким ўлтириб:
Ҳа, дард асли кўз илғамас заррадан ўтар.
Қай бир элда эгасидан офат юқтириб,
Паноҳ истаб учиб юрган дайди кабутар.

Бормикан ё тирикликда ўзга тартибот,
Чеклимикан мавжудотнинг ҳадди, саноғи?
Лекин бунда мантиқ қани? Асли не мурод?
Баробарми яхши билан ёмоннинг доғи?

Қайтар экан Ҳамадонга Ҳаким бенаво,
Хаёлига Афшонаси келди негадир.
Остонада волидаси тургандай гўё,
Дилгир Ҳаким қамчи босди отга бесабр.

Ногаҳонда вужудини қоплади титроқ,
Ўт ёққандай кўкрагига кириб аллаким.
От қўйди у, саройгача етмасдан бироқ;
— Мирзо!— дея қулаб тушди эгардан Ҳаким.

XIV

Салтанатда олағовур бўлди чинакам,
Ётқиздилар уни ўзин хос хонасига.
Шогирдлари тепасида туриб дам-бадам
Муз босарди ёнаётган пешонасига.

Амр этди у, бирор кимса келмасин ёвуқ,
Унинг ўзи қўллаяжак бутқул давони.
Ярим кеча тан увишиб, тер босди совуқ,
Чақиртирди ҳузурига шунда Мирзони.

— Тингла, Мирзо,— деди Ҳаким,— умр кетмоқда,
Ажал билан келмоқдаман юзма-юз ўзим.
Умидворман, қудратим бор уни енгмоққа,
Бухорони эслашайлик, ўтиргил бир зум.

Агар умр вафо қилса, изн этса замон,
Афшонага кетажакман қаландар бўлиб.
Баҳор чоғи Ўртачўлни кезиб беармон,
Яна байтлар битажакман завқларга тўлиб.

Агар умр вафо қилса, қолган ҳаётим
Ўтказарман мунис, мушфиқ волидам билан.
Китобимда қолди, шукур, илмим, саботим,
Ортиқ ишим бўлмас эди кори ғам билан.

Умидворман, бу кулфатни енгажакман мен,
Айтганимдек доруларни томизгин, Мирзо.—
Шундоқ дея руҳсиз Ҳаким кўз юмди секин,
Чўмган эди тубсиз ўлим қаърига даҳо.

Мирзо тенгсиз томошани пойлаган мисол,
Доруларни олиб келди бир-бир авайлаб.
Жонбахш сувни лабларига томизди дарҳол,
Ҳаким айтган қоидага риоя айлаб.

Жонлангандай бўлди шунда вужуд, ажабо,
Лабларига бир-бир дору тома бошлади.
Юзларига қирмизи ранг югурди гўё,
Во ажабо, Ҳаким нафас ола бошлади.

Бундай ҳолни кўрмаганди Мирзо тушда ҳам,
Ҳайрат ичра йўқотганди тамом ўзини.
Сўнгги шиша қолганида, ё қодир эгам,
Ҳаким бирдан тириклардай очди кўзини.

Ҳуши учиб тисарилди ортига Мирзо,
Бамисоли зўр гирдибод қаърига олди.
Унут бир ҳол хотирига келгандай гўё,
Қўлидаги сўнгги шиша муаллақ қолди.

XV

Яқин келди Ҳакимга у секин гувраниб,
Кўзларида ёнар эди олов бешафқат.
— Тингла,— деди,— кимлигимни энди ол таниб,
Кушандангман, етди менга охирги навбат!

Тарғиб этдинг дунёда сен ҳур муҳаббатни,
Тахт юлдузи — маликадан мени айирдинг.
Осий банда, мурда ёриб топдинг шавкатни,
Шуҳрат билан қўлларимни менинг қайирдинг.

Менман ўша, Бухорода саройни ёқиб,
Сени юрту ватанингдан жудо қилган зот.
Менман ўша, томирингда қон бўлиб оқиб,
Соя каби таъқиб этган сени умрбод.

Айт-чи, энди, қай биримиз йиқилган, йиққан?
Қани, мени енгиб кўр-чи, ажал — мен ўзим!
Мен — иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,
Сен — закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим!

Мен бермайман бул доруни!— шундай деб Мирзо,
Остонага урди чил-чил, битди матлаби.
Сўнгра хилват бу маскандан бесас, бесадо
Чиқиб кетди буралганча улкан қурт каби.

Тонгда Ҳаким ётоғига кирдилар аста,
Гўё ҳеч сир ўтмагандай кун эди ювош.
Ётар эди тўшагида безабон хаста,
Фақат ҳорғин кўзларида ялтирарди ёш.

Кунлар ўтди, ойлар ўтди судралиб секин,
Сўнг йиллар ҳам ўтиб борди сингиб йўқликка.
Ҳолатида бир ўзгариш бўлмади лекин,
Ётар эди ҳануз Ҳаким боққанча кўкка.

Шогирдларнинг умри кечди унга термулиб,
Ҳаким кўзин тарк этмади нурли нишона.
Охир бир кун ундан рози инсонлар келиб,
Тепасида кўтардилар улкан кошона.

Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,
Салтанатлар келиб-кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор.

Бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан ҳоли.
Кўрадию сўзлай деса забони йўқдир,
Эшитади, турай деса йўқдир мажоли.

Карлови Вари,
1980 йил, май-июнь

Қутёғди Ҳамолов

Аҳмаджон Ибодинов

Ҳикоя

Устдан тангри босмаса, остда ер тилинмаса, турк будун[1], элингнинг тўрини ким буза олади?

Кул Тегин қабридаги ёзув, VII аср.

Алп Тегин, тур! Турсангчи, Алп Тегин!

Алп Тегин кўзларини ярқ этиб очди-да, болиши тагидан қиличини шоша-пиша оларкан:

— Ёғийми? Арабми?— деб сўради.

— Йўқ, Куба томондан-ку... Ўрдадан битик келтирурлар, балки...— деб минғиллади бекни безовта қилганидан хижил бўлган қорабош[2].

Алп Тегин пешанасига шойи тасма боғлаб, битта ўрилган узун сочини камарига қистирди-да, ташқарига йўналди.

Ҳазин куз. Ўрикларнинг қизғиш япроқлари қўрғон саҳнини қоплаб ётибди. Теварак-атроф гўё қон сачрагандек олачалпоқ-жигарранг тусда.

Олисдан Қўрғонга яқинлашиб келаётган аллақандай отлиқлар кўринади.

«Ўрдадан эрса... Ким?», деб ўйлади Алп Тегин ва шу ондаёқ суюкли бир чеҳра кўз ўнгида намоён бўлдида, юраги орзиқиб кетди: Чибилға! Қаттиққул алпағутнинг[3] қисиқ кўзларида ҳасрат жилваланди. «Йўқ,— дея оғир сўлиш олди йигит,— у не қилсун Китконда?»

Делвагай Алп Тегин қўрғон дарвозаси олдида у ёқдан-бу ёққа одимлар экан, Китконга келиши воқеаларини хаёлидан бир-бир ўтказди...

Милоднинг етти юз ўттиз тўққизинчи йили, баҳорда Фарғона хоқони Арслон Тархон Талас хоқони Туғосиён устига черик тортиб борди ва ёв қўшинини тор-мор келтириб, Талас ўрдаси Суябни вайрон қилди. Бироқ бу турк қабилаларининг ўзаро тўқнашуви ҳар икки тарафга ҳам наф келтирмади, беаёв қирғин натижасида Усрушона[1] этакларида қўр тўкиб ётган арабларга ҳам, Қашқарда Даванинг[5] серҳосил тупроғи тамаъида қилич қайраётган Хитой черикларига ҳам сўз бермай юрган турк давлати кучсизланди, холос.

Дунёнинг ярмини эгаллаб, Фарғона остоналарида тўхтаган араблар шундай қулай фурсатни пойлаб турган эдилар. Талас урушидан сўнг учтўрт ой ўтгач, Халифанинг Хуросондаги ноиби Наср бинни Сайёр катта қўшин билан Сўғдиёнага кирди ва Усрушона, Шош, Фарғона ҳукмдорларига мактуб йўллаб, уларни исломни қабул этишга, арабларга қўшилишга ундади.

Насрнинг бошдан-оёқ таҳдид тўла номасини олган Арслон Тархон Енчи Ўғиз[6] бўйидаги ўрдасида қурултой чақирди.

Арслон Тархоннинг сўғд ихшидлари[7] саройида улғайган, араб ва хитой тилларидан хабардор доно укаси Алп Тегин ҳам қурултойда ҳозир бўлди.

Кенгаш пайти Опатархон[8] Сабук Тегинбек «Арабни биламиз! Тўқишганмиз!», дегандек бамайлихотир ўтирган бекларга истеҳзоли назар ташлади, йўлбарс териси ёпилган курсидаги Арслон Тархонга таъзим бажо келтирди:

— Хоқоним! Уғушларим[9],— деб сўз бошлади у,— эшитдукки, Усрушона афшини ҳам, Шош тудуни[10] Баҳодир ҳам Халифанинг битигига рози эмуш. Биз ёлғизланиб қолибдурмиз. Итлиғ[11] Туғосиён не-не алп ўғлонларимизни йиттурди. Чарчаган йигитларимиз, боқилмаган отларимиз, садоқларда сийраклашган ўқларимиз бирла ёвга дош беришимиз оғурдур,— у Алп Тегинга қараб, ютинди-да, қўшиб қўйди:— Тошни чайнамак мумкин эрмаса, они ўпмак керак, дейди боболар. Ўйлаб кўрингиз!

Сабук Тегинбек Талас урушида беҳисоб ўлжа орттириб, энди тинч ўтовни қўмсаб қолган чол эди. Алп Тегин тағойисини яхши биларди. Чунки Сабук Тегинбек тағойисигина эмас, балки суюкли қаллиғи Чибилғанинг отаси ҳам эди-да! Шунинг юзхотирига бориб, Алп Тегин бирдан бетга сапчимади. Сабр билан бошқа бекларни ҳам тинглади. Талас урушидан сўнг ўтарларига сурув-сурув қўй қўшиб олган қари, туллак беклар арабларнинг кучи кўплигини, турк бўриларининг[12] ҳали ҳордиқ чиқариб улгурмаганликларини пеш қилиб, мужмал фикр билдирдилар.

Сабук Тегинбек яна ўрнидан туриб, Муҳаммадга уммат бўлган Бухоро, Самарқанд аҳолисининг бож-хирождан дархонлиги, деҳқонларнинг[13] давлатига сира зиён етмагани ҳақида оғзини тўлдириб гапирди.

«Маккор чол,— деб хаёлидан ўтказди Алп Тегин,— йиққан олтинларининг ташвиши юрагини кемирмоқда, холос. Араблар «Олтиннинг жилваси мажусийни динга киритади, соқовга тил ато этади», деб билик бирла айтганлар. Акам ҳам тахтининг қайғусида, шекилли. Тахт тақдирига қайғурган эса халқ тақдирига қайғурмайди. Устида қамчи ўйнатиш учун унга тобе халқ керак. Бу халқ мажусий бўладими, мусулмонми — фарқи йўқ... Эвоҳ, наҳот шу қурултойда булар ўз динини, турк тилини сотиб юборишади?».

— Сабук Тегинбек!— деди у кўзлари оловланиб.— Тупутга[14] қатнайдурган бозоргонларнинг[15] сизникида кўп қўнмоғи бежиз эмасдур!

Арслон Тархон безовталанди. Бекларнинг диққати Алп Тегинга қадалган эди. Бироқ Алп Тегин беклар кутганча бу хавфли гапни давом эттирмади, фақат Сабук Тегинбекнинг қилмишларидан хиёнат ҳиди келаётганига шу тариқа шама қилдию гапни буриб юборди:— Қаранг, анави қалдирғочларни: тиниб-тинчимайдур... Ажабо, ахир қийналиб ин қурув, бола очуб боқув, учурма қилув — бу ўгсиз[16] қушларга мунча эмгак[17] не осиғ[18] экандур, а, беклар?

— Қалдирғоч уруғи бу очунда қирилиб-қуриб кетмасун учун!— деб жавоб қайтарди қари бекларга ғаши келиб, хўмрайиб ўтирган Алп Эртонг.

— Яшанг!— дея миннатдор бош ирғади Алп Тегин.— Оталаримиз ҳам шу қалдирғочлардек бизни не умидда боқиб, инларимиздин учирма қилдулар, не учун ахир? Улар наслларини биз наслларга улаб кетувимизни, бу очунда турк деган будун омон юрсагина ўзларининг оти ўлмасуни ўйламаганларму? Энди биримиз ўткинчи от[19], биримиз йиққан олтунимиз ташвишида ўзганинг динига кириб, тилимизни унутсак, бу ўша боболаримизнинг юзига оёқ босганимиз, энди уларни ўзимиз, мангуга ўлдурганимиз бўлмасми, беклар? Ахир, ёруғ очунда бундан ҳам чиркунроқ қотиллик борму? Бор бўлса, қани айтинглар, беклар?

— Уғушлар, ёғийга!— Алп Эртонг ўрнидан ирғиб туриб, қиличини суғурди-да, ғарбга қараб силтади.

— Ёғийга! Ёғийга!— деб ҳайқирдилар бошқа беклар ҳам.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора пайтда Арслон Тархон билан Сабук Тегинбек маъноли кўз уриштириб олдилар...

Эртасига Арслон Тархон Алп Тегинни Китқон қўрғонига жўнатиб юборди...

Алп Тегин ўша воқеаларни хаёлидан ўтказаркан, қўрғонга яқинлашаётган уловлиларни ҳам кўз айира бошлади: икки отлиқ, икки туя. У отлиқлардан бирини эгар устига қўнқайтирилган хумга ўхшашидан таниганидек бўлди: Буғробек, шекилли. Мана, иккинчи отлиқ қуюқ чанг ичидан отилиб чиқдию уни таниб, Алп Тегиннинг юзига лов этиб аланга урилди: Чибилға! Арғумоғига сапчиб минди-да, тупроқли йўлни чангитиб, у ҳам чавандозлар истиқболига от солди. Хиёл ўтмай икки тарафдан келган чанг-тўзон бир-бирига қўшилиб кетди.

* * *

— Хўш, ўрдада не гап?

Биллур каби мусаффо Китконсой соҳилида ҳордиқ чиқараётган мешдек Буғробек жавобга оғиз жуфтлагунча бир тишлам нон чайнаб ютгулик фурсат ўтди. Чибилға чўрилари билан ичкарига кириб кетган, тақимини эгар урган Буғробек яна ўтиришдан безиллаб қўрғон ташқарисида айланиб юрар эди. Чибилғани ўрдадан Китконга кузатиб келган бу йигит Сабук Тегинбекнинг асранди ўғли, рўзғорининг мутасаддиси. Табиатан камҳаракат Буғробек отасининг саноқсиз қулларига, чўриларига иш буюриб, оқ ўтов олдидан жилмас, атрофига отми, туями... ташлаб кетса ҳам қўзғалишга эриниб пашша қўриб ўтирадиган одам эди. «Пашша бўлмаса не қилур экан, бу тўнка?», деб қўярди унга кўзи тушганда Алп Тегин.

— Ўрдада эсонлик,— деди Буғробек хирқираб.

— Насрга не жавоб айтдулар?

Буғробек пихиллаб, бўйнини қашиди. Алп Тегин сергакланди:

— Тилинг борму?

Яна бир неча дақиқали хириллаш, пихиллашдан сўнг Буғробекнинг оғзидан сўзлар бўккан нондек увалланиб, тўкила бошлади:

— Тангрининг изми бирла... Насрнинг битигига оқ битик қайтарув[20]... қулай кўринди...

— Не дейсан?— дея ўкириб юборди Алп Тегин — Сен... Тўнғиз! Дурустроқ гапирасенму?

У Буғробекнинг гирибонидан олиб, бир-икки силтади. Буғробек омонат турган қопдай ёнбошига ағдарилди. Алп Тегин асранди бекнинг йилтираган юзига еб юборгудек тикилиб:

— Гапир!— деди.

— Беклар бирлан кенгашиб... сўғин... Насрга ялавоч юборилди... Наср бугун-эрта Фарғонага ўз югунчисини[21] жўнатур...

— Сотқинлар! Алп Эртонг, Алп Турон-чи? Улар қарши чиқмадиларму?

— Алп Эртонг бирлан Алп Туроннинг бошлари кесилди...

— Ё тангрим! Бу не кўргулик?

Алп Тегиннинг ғазабдан хиралашган кўзларига тепса-тебранмас Буғробек сотқинлик, разолат, Сабук Тегинбегу Арслон Тархонларнинг мужассам тимсолидек кўринди-ю, бу нахс кимсанинг танасини бошидан енгиллатиш мақсадида шиғиллатиб қилич суғурди. Кўзлари ола-кулаланган Буғробек Алп Тегиннинг оёғига бошини ташлади. Асранди бекнинг бахтига, қилич ҳавони бир сермаб, жун босган бўйнини мўлжалга олган пайтда:

— Алп Тегин! Тўхта!— деб қичқирганича Чибилға югуриб чиқиб қолди...

— Чибилғани еткургани учун Умайга[22] қурбонлик келтир,— дея тўнғиллади Алп Тегин қиличини қинга соларкан.

Буғробек ўрнидан туришга ботинмай, эмаклаб улардан узоқлашди.

— Алп Тегин...— Чибилғанинг товушидаги тараддуд, бодомқовоқ кўзларидаги ҳадикни сезиб Алп Тегин ҳушёр тортди.

— Алп Тегин, биларсен, Наср лак-лак черик йиғибмуш... Туркларни бошдан-оёқ қириб ташлайман, демуш...

— Чибилға, не дерсен?

— Наср биздан хирож ҳам, жузя ҳам олмас эмуш, фақат унинг динига ўтсак, бас. Алп Тегин, бу ҳол туркларни бирлаштурур, ахир!

— Тангри ҳаққи, бас қил! Бас қил, Чибилға!

Алп Тегин шарт бурилиб, Киткон-сой бўйига тушди-да, ҳовучлаб юзига сув сепа бошлади. «Эҳ!— деб ўйлади у алам билан.— Бир замонлар Чочондан[23] Румогача, Олтойдан Бейпингача жанг билан, йўлида учраганларин хасдек супуриб борган турк элининг шон-шавкатли баҳодирлари, сиз энди қайдасиз, қаердасиз?»

* * *

Шарқдан аста зулмат бостириб келарди. У сассиз-садосиз ёпирилиб, қалин, баланд деворининг шинакларидан соқчиларнинг дубулғалари кўриниб турган Киткон қўрғонини ҳам ўз қучоғига олди. Бироқ қоронғилик бус-бутун қоплаб улгурмаёқ, у ер-бу ерда гулханларнинг қизил тиллари кўриниб қолди. Тунга қарши мангу исён яна бош кўтарди, чунки нур фақат қоронғилик қўйнидагина туғилади!..

— Араб тилини ўргансак, бу гўзал тилда сўйлай бошласак, ярим очун бирла тиллаша олур эрдик. Бу, ахир, Бағдод, Дамашқ тили, очуннинг энг алп шоирлари тили!

— Сен очундаги энг зўр шеър — бешигимиз тепасида оналаримиз айтган алла эканини унутибсен, Чибилға!..

Токчадаги қўш шам нури сўри устида ётган Алп Тегин билан Чибилғани хира ёритар, қалликлар ўртасидаги яланғоч қиличда совуқ йилтирар, сўнг кенг хонанинг қоронғи бурчакларига сингиб кетар эди. Бирдан Чибилға яланғоч қилич устидан қўлини узатиб, пилтакачдек узун, нозик бармоқларини йигитнинг билагига тегизди. Алп Тегиннинг эти жимирлаб, вужуди таранглашди.

— Алп Тегин, олмазордаги суҳбатларимизни ҳеч ёдга оласенму?

Алп Тегин ҳар кечаси тоғасининг олмазор боғига яширинча тушиб, боғнинг бир четидаги сўрида Чибилғани пойлаб ўтирар, уларнинг тунги учрашувларини Сабук Тегинбекнинг уйида гўё ҳеч ким билмас, Алп Тегиндан тупут ёвлиқ совға олиб, терисига сиғмай юрган янганинг негадир ярим тунда Чибилғани боққа етаклаётганини ҳам гўё ҳеч ким кўрмас эди.

Ой тиккага келиб, Алп Тегиннинг тоқати тоқ бўлган бир паллада, билакдеккина ариқнинг жилдирашига ҳамоҳанг кулги эшитилиб, дарахтлар орасидан Чибилға пайдо бўлар эди.

Ўша кунлари ўзанига сиғмай оқаётган Енчи Ўғизнинг узоқдан келаётган шовуллашига қулоқ тутиб, куёвқаллиқ тонг оқаргунча суҳбатлашиб ўтирар эдилар... Эҳ-ҳе, неларни гаплашиб, нелардан баҳслашмасдилар! Кўпинча муҳаббатлари бир ёқда қолиб, эндиликда сочилиб, тарқаб кетган турк элатларининг тақдирига қайғуриб, тунни бедор ўтказар эдилар. «Бумин, Тумин хоқонлар даврида турк эли бир динда эди, энди бўлса ким оташпараст, ким Моний, ким Буддага топинади, ҳамма бало шунда!», дерди Чибилға. «Хўш, не қилувни ўйлайсен?» «Туркларнинг илгариги бирлигини тиклаш учун уларни бир динга киритмоқ керакдур». «Отангдан чиққан гап дурур бу?» «Не бўпти? Отамни бекорга Арслон Тархоннинг Тунёкуки[24] демайдилар». «Ахир, биз тангрини бегона тилда қандай ёд этамиз, Чибилға? Ота-боболаримиз фиръавнлардек бизга эҳромлар қуриб қолдирмадилар, улар бизга ёлғиз ўз тилларини ташлаб кетдилар. Биз бу тилни унутиб юборсак, улар қумга сингган сувдек қуриб битадилар-ку? Йўқ, оташга сиғиниш — тангрига топинишнинг энг тўғри йўлидур. Ахир, бутун очуннинг энаси — Қуёш ҳам олов-ку! Қани, бир зумга Қуёшга айлансам эрди!» «Қуёшга!.. Ҳа-ҳа-ҳа!» Чибилғанинг жаранглаб кулгисидан боғ титраб кетгандек бўлар, яккам-дуккам тўкилаётган ноқовузнинг куйларига гўё ойнинг ўзи эриб, оқ тумандек ёйилиб кетаётганга ўхшар, ойнинг ипак нурларида эса нопормон олма гуллари учиб юрар эди...

— Алп Тегин... Ухладингму?

Алп Тегин ширин тушни қайта кўргиси келган боладек, кўзларини очиб-юмди.

— Алп Тегин, эшит, сенда даги гапим бор эрди.

Алп Тегин бошини бир силтади-да, қизга қаради.

— Борди-ю, мен ўзга динга ўтсам... Унда не қилурдинг?

— Ўз динига қутғу[26] бўлган кишига менда шафқат йўқ турур!

Тўсатдан Чибилға ўртадаги қилични тиғидан ушлаб кўтарди-да, дастасини Алп Тегиннинг қўлига тутқазди:

— Чопиб ташла, бўлмаса!

— Чибилға!— дея Алп Тегин наъра тортиб юборди-да, сапчиб ўрнидан турди.

— Отамнинг калима келтирганига уч йилча бўлди, биз ҳаммамиз, ҳатто Буғробек ҳам...

— Чибилға!— йигитнинг бўғзидан отилиб чиққан ёввойи ҳайқириқ нақ кўксига ханжар санчилган одамнинг жон талвасасидаги фарёдидек туюлди Чибилғага.

Алп Тегин ханжарини суғурди-да, ўз юзини тилиб-тилиб юборди[27]...

Бир оздан сўнг якка шамнинг нури Чибилғанинг марварид ёшларида акс эта бошлади.

* * *

— Уғушларим!— Алп Тегиннинг тилинган юзини кўриб, бўрилар «Арслон Тархон ўлдимикан», деган хаёлда бир-бирларига қараб қўйдилар.— Эшит, эл! Мен ўз акамга қарши қўзғолдим! Биласизлар, у оталардараст эрди. Энди динини, тилини тахтга алмаштурди. Ахир, дин, тил бу — ҳар биримизнинг кўксимизда яшаётган, тилимизда жаранглаётган тирик ватан-ку, эл! Тўлиб оқаётган Енчи Ўғиз ҳам, серўт яйловлару олмазор боғлар ҳам, ҳамма-ҳаммаси бизга жонажон ватандур, аммо қайга борсак ўзимиз бирлан бирга, то гўргача биздан ажралмас бир ватан бордурки, у ҳам бўлса она тилидур, эл! Ана шу боболаримиздан мерос ватанни, оталаримизнинг энг севимли инжусини аллақандай ҳира тошларга алмаштирган одам инига оға бўла олурму? Ўғилга ота бўла олурму? Туркка хоқон бўла олурму? Айт, эл!

— Бўла олмагай! Бўла олмагай!— деб гуриллади бўрилар.

— Хўп! Бугун-эрта Насрнинг югунчиси Фарғонага келадур. Унга Фарғонада жой борму? Айтинглар, туркла!

— Бор! Фақат у жой қоронғи ернинг тагида!— деб ҳайқирди бўрилар.

— Яхши! Ундай бўлса, шу бугундан бошлаб, юртнинг ўрдаси — Киткон! Элнинг хоқони мен — Алп Тегинбекман! Бутун туркларга қилқўйруқ[28] буюрамен. Қўрғонни амул[29] тутгаймиз. Ватанни сотганларга ҳам, олганларга ҳам омон йўқ турур!

* * *

Опатархон Сабук Тегинбекнинг бўрилари, Самарқанддан келган ғозийлар билан, йигирма кундирки, Киткон қўрғонини қамалда тутар, бироқ шу кичкина қўрғончани забт этолмаганидан Опатархоннинг алами ичида эди. У тинмай ҳужум уюштирар, аммо қалин девор ортига яширинган, қанчалиги номаълум, баъзи айғоқчиларнинг гапларига қараганда мингта, баъзиларининг маълумотича, юзта турк бўриси беш минг кишилик қўшинни қўрғонга яқинлаштирмас эди. Қамалдагилар Чимён тоғидан ғамлаб олган нафтни косаларда ёндириб, девор тагига яқинлашган ёвга улоқти-



Расмларни Ж. УМАРБЕКОВ чизган



— Ул дамлар ёддан ўчурму, ахир...

...Эҳ-ҳе, у кунларнинг ичган сайин ютоқтирадиган чоғирдек тотли онлари! Чанқовузнинг куйларидек нафис, туғилганида бия сутига чўмилтирилган Чибилғани Алп Тегинга унаштирганларидан сўнг, унашувгача ҳам кўз уриштириб юрган йигит билан қизнинг қаллиқ ўйини бошланди.

рар, олов косалар ҳеч кимни қўрғонга йўлагани қўймас эди.

Сабук Тегинбек Китконсойни бўғиб қўйгач, қўрғондаги қудуқлар суви қурий бошлади. Емак-ичмакдан танқислик кучайиб, атроф қишлоқлардан келиб, қўрғонга яширинган хотин-халаж, бола-чақа безовталаниб қолди. Нафт солинган хумлар ҳам саноқли эди. Босқинчиларга Усрушонадан манжанақлар, Арслон Тархон ўрдасидан черик ёрдамга етиб келгандан сўнг, Киткон қўрғонининг куни битгани аён бўлди. Қўрғонни бор-йўғи юздан ортиқ бўри ҳимоя қилар, очлик ва сувсизлик уларни ҳолсизлантириб қўйган эди.

Оғир ўйларга ботган Алп Тегин қўрғон четидаги авахтага аста яқинлашди. Соқчи пастак эшикни ғийқиллатиб очгач, ичкаридан димоғига зах ҳиди урилди. Эшик очилган онда дик этиб ўрнидан турган Чибилға кирувчига қараб юзини терс ўгирди. Бурчакда соч-соқоли патак бўлиб, сертомир тўнгакка ўхшаб қолган Буғробек лунжини тўлдириб кавшанарди. Алп Тегинни кўриб, у манглайини ерга теккизиб, тикланди.

Бир зум йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам тили айланмади. Алп Тегин томоқ қирди-да:

— Чибилға,— деб гап бошлади,— қайтқил бу йўлдин! Юртдин юз ўгирмағил!

— Мен оллоҳнинг бандаси...

— Чибилға, отанг ўзга динга фақат йиққан қут-қароғи соқинчида[30] киргандур...

— Бекор айтибсен! Отам бири оташпараст, бири Моний, бири Буддага топиниб юрган элатларни бир дин, бир тилли қилиш ниятидадур!

Алп Тегин бош чайқади, Чибилға унга бир сира қаради-да, йигитнинг латта билан боғланган қўлига кўзи тушиб:

— Қўлингга не қилди?— деб сўради.

— Ёв қиличи ялаб ўтди.

— Алп Тегин!— Чибилға бирдан чўккалаб, йигитнинг оёғига бош урди-да, йиғлаб юборди.— Улар ўлдирурлар сени! Ахир, аканг сендин ҳайиқишини бутун эл билур! Сени ўлдирсалар, акангнинг куни туғур, холос. Наҳот, сендек биликли йигит шуни сезмаса? Улар қаторига ўтсанг, сени қўллайдилар. Ана шунда...

— Акамнинг тахтига ўтирамен-му?— Алп Тегиннинг овози қўрғошиндек оғир эди.— Йўқ, мен ота-боболарим юзига оёқ босиб, тахтга чиқмасмен.

— Алп Тегин, соқчининг айтишича, қўрғоннинг бир кунли умри қолубдур, кеч эмас... Кел, калима сўзларини ўргатай...

— Мен тангри қаршисига динини, тилини сотган юзи қаро қиёфасида боришни истамаймен!

— Эҳ, суюклигим, илигинг ярасини кўриб, юрагим ёрилай деди. Ахир, сафарга кетганингда мени бу зах ертўланинг сичқонлари эмас, сенинг соқинчинг кемирди-ку! Наҳот, севгимизнинг келгусини ўйламасанг?

— Юрагимнинг ғашлиги ҳам шунда, Чибилға! Гапинг тўғри, эртага мен тангри ўрдасига кетгаймен, аммо, наҳот ўша, илоҳий масканда қаллиғим ёнимга бегона суратида келади? Шуни ўйлаб, юрак-бағрим пора-пора бўлаётир. Ахир, бу мангу айрилиқ, биз нариги дунёда ҳам қовуша олмагаймуз, Чибилға!

Алп Тегиннинг овози бўғилиб қолди, у аста эгилиб Чибилғанинг сочларини силади:

— Чибилға... Қайт, жоним...

— Алп Тегин, калима келтир... Калима келтир...

Алп Тегин Чибилғанинг қучоғидан оёқларини суғуриб олиб, ташқарига чиқди.

* * *

Тушдан сўнг ёғий манжанақлари қўрғон деворини бир-икки жойидан тешдилар. Аммо душман ичкарига кира олмади. Алп Тегиннинг бўрилари нафт тўла косалар отиб, ёғийни деворнинг қулаган жойига яқинлатмадилар. Бироқ қўрғоннинг кечга довур чидамаслиги маълум бўлиб қолган эди.

* * *

— Чибилға, ярим кунлик умрим қолди...

— Калима келтиришга ҳали фурсатинг бор экан...

Алп Тегин коҳинни чақиртирди.

— Қаллиғимни қанчалар севишимни билурсен, коҳин, мен унинг тангри қошиға юзи қаро бўлиб боришини истамаймен.

Коҳин ҳамма гапдан хабардор эди. У Алп Тегинга тикилиб деди:

— Олов энг тоза, энг улуғвор, касал руҳларни даволагувчи муқаддас нурдир, Ўтга тушган кишининг ёзуқлари куюб, руҳи пок ҳолда тангри даргоҳига учур...

Алп Тегин чайқалиб кетди.

— Сўзларинг нақадар даҳшатли, коҳин. Сен...

— Ҳа, олов, муқаддас оловгина қаллиғингнинг ёзуқли жисмидан пок руҳини ажратиб, тангрига йўллайди. Фақат олов, олов...

— Чибилға!— Алп Тегиннинг бўғзидан яна ўша даҳшат, алам, азоб мужассами ғайри инсоний товуш қўрғон деворларини тилкалаб юборгудек бўлиб отилиб чиқди. Чибилға «Йўқ, йўқ», дея ишора қилди. Алп Тегин кўзларидан ёш оққан кўйи орқасига бурилди.

Қўрғон ўртасидаги оташкада қаршисида гулханга ҳозирлик кўрар эдилар. Қуп-қуруқ шох-шаббаларни одам бўйи уюб, ўтин ғарами ўртасига устун қоқдилар.

Қуёш тоғлар ортига чўкиб борарди.

Чибилға ғарам томон дадил юриб келди, сўнгра ертўладан Буғробекни ғўладек юмалатиб чиқдилар. У дод солиб, биғиллаб соқчининг оёғига ёпишиб олавергач, икки-уч бўри уни ғарам ёнига судраб келтирди.

Буғробек аланглаб Алп Тегинни кўрди-да, унга қараб эмаклади.

— Бегим, мен мусулмон эмасмен ортиқ, мен қайтдим бегона диндан, қайтдим! Қайтдим!!— дея хирқираб, асранди бек Алп Тегиннинг этикларини ялашга тушди.

— Ҳайданглар буни!— деди ирганиб Алп Тегин.

Чибилғани ғарамга чиқариб, устунга боғладилар.

— Эй, адашган аёл!— деб хитоб қилди коҳин.— Охирги марта сендан сўрайдурмен: бегона диндан қайтгин, кўнглингга ўрнашиб олган ёвуз руҳ — сотқинлик худоси Аҳраманни дилингдан қувиб чиқаргил...

Бирдан қўрғонга чуқур сукунат чўкди. Ҳатто безовта пишқириб турган отлар ҳам ювош тортиб қолди.

Ботаётган қуёшнинг ёғдуси Чибилғани аллақандай қирмизи илоҳий рангга буркади. У бамисоли қизил тошдан йўнилиб, кўзлари ўрнида икки ёқут ўрнатилган Умай ҳайкалидек улуғвор қиёфада қотиб турарди.

— Алп Тегин,— дея ногоҳ тилга кирди ҳайкал,— сен калима келтиргил, юртингга йўлбошчи бўл...

— Эй, тангрим!— деб ҳайқириб юборди Алп Тегин.— Нега ота-онам тилини йиттуриб, ўзга тилда тангрини олқишлаюн? Ахир, ким икки овнинг орқасидан қувади, ким икки энадан туғилади? Эна тил, эна ватан бу юрак-ку, ахир — юрак иккита бўладиму? Айтқил, Чибилға!

Нафт шимдирилган шох-шабба гуриллаб аланга олди...

— Уғушларим!— деди Алп Тегин содиқ бўриларига мурожаат қилиб.— Ёв энди қўрғонга киради. Биз юз кишимиз, улар ўн минг. Бу босқинчилар мол-мулкимизга, ўткинчи умримизга эмас, кўксимиздаги тангрига, унинг элчиси бўлмиш товушлардаги ватанимиз — тилимизга қасд қилиб келгандурлар. Биз энди ана шу тирик ватан учун сўнгги жангга кирурмиз, ўлсак, халққа ватан жондан азиз эканини кўрсатиб ўлурмиз! Биз қуёш фарзандимиз — қуёш бўлиб ўлурмиз!

Алп Тегин хумлардаги нафтни келтиришни буюрди. Сўнг отга миниб, қайиш билан ўзини эгарга маҳкам боғлаттирди. Қиличини суғурди-да:

— Устимга нафт қуйингиз!— деди.

Бўрилар Алп Тегиннинг ниятини тушуниб, бирдан жимиб қолдилар. Сўнг, бир. икки, уч... беш... ўн... юз киши унинг сафига ўтди. Юз чавандознинг уст-бошидан нафт қуйилди.

* * *

Ёғий сўнгги ҳужумга ташланган пайтда қўрғон дарвозаси ланг очилиб, ичкаридан... олов суворий ҳайқириб чиқди. Ҳа-ҳа, суворийнинг оти ҳам, ўзи ҳам, ҳатто баланд кўтарилган қиличи ҳам... ёнарди! Суворийнинг оти ғайри табиий тезлик билан, сапчиб-сапчиб душманга яқинлашиб кела бошлади. Душман, бир лаҳза қотиб қолди. Қўрғон дарвозасидан эса иккинчи, учинчи... ўнинчи... юзинчи олов суворий отилиб чиқиб, ёв устига от солди. Мислсиз даҳшатга тушган ёв қўшини пароканда ҳолда, ичига шер оралаган қўй сурувидек ҳар томонга тумтарақай тирқираб кетди.


Шу пайтгача димланиб ётган Киткон муваққат қурилган тўғонни тўсатдан чирик латтадай йиртиб, ўз ўзанига тушиб олди ва олов суворийлардан қочиб, сой бағридан паноҳ истаган юзларча ғозийлар унинг тўлқинларида ғарқ бўлдилар.

Олов суворийлар ўзини урган чодирларга ўт туташди, бутун қароргоҳ аланга ичида қолди. Қутурган туялар оғзидан кўпик сочиб, бошвоқсиз югурар, эс-ҳушини йўқотган босқинчини оёқлари остида янчиб ташлар эдилар.

Келгинди саркардалар ўн минг кишилик қўшиннинг олдида шармандаларча қочмоқда эдилар. Орқадан эса тирик Ватан учун тирик қуёшга айланган баҳодирлар ёниб келар, ёниб келар, ёниб келар эди...

Изоҳлар:

[1]Будун — халқ. [2]Қорабош — қул. [3]Алпағут — баҳодир. [4]Усрушона — Ўратепанинг қадимги номи. [5]Давон — Фарғонани хитойлар шундай деб атаганлар. [6]Енчи Ўғиз — Сирдарёнинг қадимги туркча номи. [7]Ихшид — сўғд ҳукмдорларининг унвони. [8]Опатархон — турк қўшинида бош қўмондон. [9]Уғуш — қардош. [10]Афшин, тудун — Усрушона ва Шош ҳукмдорларининг унвонлари. [11]Итлиғ — ит. [12]Вўри — мунтазам турк қўшинидаги доимий аскар. [13]Деҳқон — заминдор бой. [14]Тупут — Тибетнинг қадимги туркча номи. [15]Бозоргон — савдогар. [16]Уг — ақл. [17]Эмгак — машаққат. [18]Осиғ — фойда. [19]От — шон-шуҳрат. [20]Оқ битик қайтарув — таклифга рози бўлмоқ. [21]Югунчи — ноиб. [22]Умай — турк маъбудаси. [23]Чочон — Корея. [24]Тунёкук — I ва II турк хоқонликларида ғоят катта мавқе эгаллаган сиёсий арбоб. [25]Ўзғу — ўт, ҳарорат. [26]Қутғу — хиёнат, исён. [27]Қадимги турклар яқин кишилари ўлганда юзларини тилганлар. [28]Қилқуйруқ — умумий сафарбарлик эълон қилиш. [29]Амул — эҳтиёт, мустаҳкам. [30]Соқинч — ташвиш.



БЕДОР РУҲ

ШУКУР Бурҳонов бутун табиати ва эътиқоди билан саҳна учун туғилган, фидойи санъаткор, эзгу ниятларига эриша олган бахтиёр актёр. Унинг бахти шундаки, табиат актёрга саҳна талқинларининг барча гулшанларидан чечак тера билиш имкониятини берган. Драма, трагедия, комедия — буларнинг ҳаммаси Шукур Бурҳоновнинг стихияси. Ғофир, Мирзо Улуғбек, Брут, Эдип, Войницкий, Сквозник-Дмухановский, Сулаймон ота — шу жанрлардан намуна ва обидадир.

Шукур Бурҳонов — халқ санъаткори. Унинг ижоди ўзбек совет театрининг овози, ўзига хослигидир. Бу ўзига хослик, бу халқчиллик аввало Шукур Бурҳонов ижодининг инсоний мундарижаси, тиниқ ва теран бадиятида намоён бўлади.

Актёр истеъдодининг аломатлари — аввало ижодий беҳаловатлик, қониқиш нималигини билмасликда. У сиртдан вазминдек таассурот қолдиргани билан аслида ўта бетиним. Азим дарё деган таъбир менингча, Шукур акага жуда хос. Қалби ёниқ, хаёли, нигоҳи, изланиш ва мушоҳадалари ҳамиша уйғоқ, муттасил беором.

Истеъдод билан меҳнатнинг бирига эгизак тушунча эканини биз Шукур Бурҳонов ижоди мисолида айниқса чуқур ҳис этамиз. У ўта заҳматкаш санъаткор. Лекин унинг риёзати саҳнада, томошабин ҳузурида сезилмайди. Акс ҳолда, ижодкор меҳнати ўзининг санъатлик аломатини йўқотиб қўйган бўлур эди.

Шукур Бурҳонов ўзбек совет саҳнаси ютуқларидан беҳад қувонадиган, камчилигидан беҳад хижолат тортадиган, қобил, зийрак, ўзига талабчан санъаткор. Унинг идрокида устозлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов ва Аброр Ҳидоятовнинг анъаналари доим барқарор, доим барҳаётдир.

Шукур ака очиқ кўнгил, самимий суҳбатдош. Аммо у билан суҳбат қилиш осон ҳам эмас. Дилда дарди, кузатувларида зукколик бўлмаган кимса билан улфатчиликни ёқтирмайди. Такаббур, қуруқ савлатларни хуш кўрмайди. Гоҳо унинг инжиқлиги бор, дейишади. Бўлса бордир. Аммо бу сифат унинг ижодкор касбига садоқати оқибатидир. У ўзига ҳар нарсани эп кўрмагандек, касбдошлари фаолиятида номуносиб ҳол ёки бирор етишмовчиликни кўрса, ранжийди, буни дангал юзига айтади. Ҳар қаерда, ҳар қайси ҳолда ҳам унинг хаёлини саҳна ва ижод забт этган бўлади. У устози Маннон Уйғурнинг ҳаёт тарзига содиқ. Зотан, устози: «Шу йўлга кирибман, шу йўлдан кетай», деган аҳдига қилча хиёнат қилмаган эди. Бу аҳд Шукур Бурҳоновнинг ҳам қонида бор.

Шукур Бурҳонов — саҳнамизнинг забардаст реалист актёрларидан. Унинг жўшқинлиги, эҳтироси, майин ва ҳиссий лиризми қон томирлари каби ягона юрак — актёрнинг реалистик ижодий методига келиб туташади. Унинг шоҳ образлари — фикримизнинг далили: Ғофир, Улуғбек, Брут, Эдип, Войницкий, Ялангтўш, Сулаймон ота, Незнамов, Шаҳар ҳокими, Сотилмиш, Дундич, Жалолиддин...

Шукур Бурҳонов профессионал театр саҳнасига 1927 йили қадам қўйди. 1934 йилгача «Боғовот»да Парасюк, «Қўзибулоқ қишлоғи»да Фрондосо, «Ёндирамиз»да Азамат, «Маликаи Турондот»да Бригелла сингари ролларни ўйнаб, профессионал актёрлар сафига ўтди. 1934 йили «Рустам» пьесасидаги бош қаҳрамон ижроси Шукур Бурҳоновга катта довруқ келтирди. Бу, чинакам трагик истеъдод туғилаётганидан далолат эди.

Ғофир образи саҳна ҳаётининг бошланиши театр маданиятимизда йирик ҳодиса бўлди. Ғофир образини Шукур Бурҳонов чуқур трагик планда талқин этди. Қаҳрамон ҳаётининг мазмун ва мантиқи бунга асос берар эди.

Ғофир образи Шукур Бурҳоновнинг кашфиёти эди. Актёр ролда илк маротаба ўзининг барча имкониятларини тўла намойиш эта билди. Туғанмас жисмоний ва талқиний қудрат, бақувват, ёқимли, серпарда овоз, қиёфадаги табиий файз, мантиқан образли фикрлай олиш, ифода воситаларининг аниқ ва гўзаллиги барқ уриб намоён бўлди. Актёр малака ва маҳоратининг юксак савияси яққол бўй кўрсатди. Шуниси алоҳида диққатга лойиқки, Ғофирнинг А. Ҳидоятов ва Ш. Бурҳонов томонидан ижро этилиши саҳна талқинларининг чексиз имкониятдан ва ўзбек театри уни тўла эгаллаш поғонасига кўтарилганидан шаҳодат берар эди. Ҳар икки Ғофирнинг қадри тенг бўлгани билан улар бир-бирларининг такрори эмасди. Аброр Ҳидоятов Ғофиридаги лиризм кўпроқ заковат зиёсининг оқибати, Шукур Бурҳонов ижросида эса, бу қаҳрамонона кўтаринки одамийликнинг маҳсули эди. Аброр Ҳидоятов мухолифлар қаршисида нафрат ва муҳокамасини пардаласа, маълум қисмини юраги ва хаёлида яшириб қолса, Шукур Бурҳонов очиқ ва жўшқин баён этарди.

Шундай қилиб, 1939 йили «Бой ила хизматчи» пьесасини постановка қилиш жараёнида ўзбек драма театри саҳнасининг порлоқ юлдузи Аброр Ҳидоятов ёнида унинг муносиб сафдоши Шукур Бурҳонов пайдо бўлди. У Ғофир ролини ўн саккиз йил муттасил ижро этди. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, ролнинг, умуман спектаклнинг қиммати сира тушмади.

40-йиллар актёр ижодида самарали ва масъулиятли давр эди. Бу йиллар унинг ижодидан ўнлаб сўнмас образлар ўрин олди: Фрунзе, Жалолиддин, Олеко Дундич, генерал Раҳимов... Даври, тақдири, аҳамияти эътибори билан бир-бирига ўхшамаган бу образларнинг ҳаммаси ҳам муҳим ижтимоий типлардир.

Жалолиддин образини Шукур Бурҳонов, асар воқеаси ва қаҳрамон тақдирини юрагига яқин олиб, алоҳида меҳр, завқ ва дард билан ижро этади. Жалолиддин шахси актёрнинг бутун вужудини, қалби ва хаёлини қамраб олади. Бу қаҳрамоннинг тақдири — даврнинг, ижтимоий тараққиётнинг, озодлик ва мустақилликнинг, халқнинг, давлатнинг фожиаси эди. Мавзунинг муҳимлиги, образнинг ёр-

Комил ЯШИН,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

ЗАБАРДАСТ САНЪАТКОР

СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов 70 ёшга тўлди. Атоқли санъаткорнинг муборак юбилейини республикамизнинг маданият аҳли, санъат мухлислари зўр хурсандчилик ва ғурур билан нишонламоқдалар. Чунки бу забардаст актёр ўз ижодий фаолияти давомида хотирдан ўчмас шундай образлар яратдики, ўзбек саҳна санъати улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Шукур Бурҳонов билан дастлаб танишган пайтимизда иккаламиз ҳам навқирон ёшда эдик. Шундан бери жуда кўп марта учрашдик, суҳбатлашдик, сафарларда бирга бўлдик. Мен уни ҳам улкан санъаткор сифатида, ҳам фозил ва комил инсон сифатида яқиндан биламан. Унинг олижаноб инсоний хислатларини ва мислсиз талантини жуда қадрлайман. Шукур Бурҳонов билан узоқ йиллик ижодий ҳамкорлигимизнинг ўзи ҳақида гапирсам ҳам, лоф эмас, бир китоб бўлади.

Драматик асарнинг кенг томошабинлар оммасига етиб боришида, халқ орасида шуҳрат тапишида театр ва, айниқса, актёрларнинг хизмати катта. Баъзан бир-икки санъаткорнинг маҳорати, етук ижроси асарни драматург тасаввуридагидан кўра ҳам жонли, мукаммал қилиб юборади. Менинг драмаларимда ҳам Шукур Бурҳонов талқин этган роллар ҳамиша етук образлар даражасига кўтарилди. «Тор-мор»даги Баҳодир, «Номус ва муҳаббат»даги Ғулом, «Ўлим босқинчиларга!» спектаклидаги профессор Москаленко ролларини ана шундай мукаммал талқинлар жумласига киритгим келади.

«Йўлчи юлдуз» драмасининг Ҳамза номидаги академик театрда қўйилиши менинг учун ҳам, Шукур Бурҳонов учун ҳам масъулиятли, шу билан бирга шарафли воқеа бўлди. Мазкур асардаги доҳий Ленин образини моҳир санъаткор Шукур Бурҳонов ижро этди. Спектакль республикамиздан ташқарида, пойтахтимиз Москва саҳнасида ҳам, қардош республикаларда ҳам қайта-қайта намойиш қилинди ва томошабинларнинг чексиз олқишига сазовор бўлди. Шу муносабат билан, бошқа санъаткорлар ижросини камситмаган ҳолда, ноёб истеъдод соҳиби Шукур Бурҳоновнинг ижрочилик маҳоратини алоҳида таъкидламоқчиман.

Шукур Бурҳонов — Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театримизнинг етук санъаткори. Унинг санъати ҳамиша халқимиз таҳсини ва эъзозига сазовор. Қутлуғ 70 ёшингиз муборак бўлсин, азиз дўстим! Совет театр санъати ривожига янги ёрқин саҳифалар қўшишда сизга узоқ умр, янги куч-қувват ва порлоқ ижодий муваффақиятлар тилайман.

қинлиги актёр хаёли ва илҳомини ўзига ром этди. Натижада Шукур Бурҳонов зиддиятга тўла инсонни, унинг аянчли фожиасини завқ ва изтироб билан авж пардаларда куйлади.

Замондош характерини яратиш Шукур Бурҳоновнинг ҳамишалик эзгу нияти, ўзининг эътирофича, ҳамон тўла ушалмаган орзусидир. Бу соҳада Собир Раҳимов образи актёрнинг 50-йиллардаги йирик ютуқларидан эди. Қаҳрамонга хос совет характери, ажойиб табиати ва руҳиясининг мураккаблиги актёрни маҳлиё этди. Собир Раҳимов билимдон саркарда бўлиши билан бирга, вазмин ва хотиржам одам эди, актёр буни онгли равишда бўрттиради.

Шукур Бурҳоновнинг кўзлари ёдда қолади. Бу ҳам бир олам. Бу кўзлар санъаткор қалби, фикри, меҳри ва қаҳрининг ойнаси... Кўз қарашлари ҳам ижро воситаси, виждон поклигининг гарови. Шу ойнадан актёр рўй-рост фойдаланади. Томошабин қаршисида юзи ёруғ, кўнгли хотиржам тадбиркор генерал пайдо бўлганда, унинг қиёфаси Ватан, халқ олдида юзи ёруғлик рамзидай туюлади. Унинг қудрати гўзал ва маънодор мизансценалар воситаси билан очиладиган заковатидагина эмас, халқ кучига, ҳақиқатни енгишга ишончида. Шунинг учун ҳам актёр генерални солдатлардан ажратиб кўрсатмайди. У, аввало, инсон. Вазиятга қараб зулмдан қаҳрланиб, хиёнатдан нафратланса, солдатларнинг нигоҳида қониқиш сезиши биланоқ лабларида жилмайиш пайдо бўлади. Хуллас, Шукур Бурҳоновнинг Собир Раҳимови янги типдаги халқ саркардаси, унинг ичидан чиққан, лекин шу билан бирга шахсий маънавияти баланд одам бўлиб гавдаланади. Қаҳрамон қиёфасини одамий, жонли сифатлар билан ифодалаш Шукур Бурҳонов ижодининг кучли томонларидандир. Шунинг учун ҳам унинг қаҳрамонлари ҳаётий ва умри боқий.

1952 йили Шукур Бурҳонов «Ревизор» спектаклида шаҳар ҳокими ролини ижро этди. Бу Ҳамза номидаги театр саҳнасида Аброр Ҳидоятов ва Етим Бобожоновдан кейин Ҳокимнинг учинчи талқини эди. Ўта жиддийлик, ҳатто фожеий қаҳрамонга хос виқор ва ишбилармонликка даъво Шукур Бурҳонов ижросидаги Ҳокимга хос аломатдирки, бу нарса ундача ва ундан кейин кўп машҳур ижрочилар талқинида ҳам кўринмайди. Шукур Бурҳоновдан бошқа ҳамма ижрочилар Ҳокимнинг сифатларига барибир комик элементлар қўшадилар. Шукур Бурҳонов ижросида эса, Ҳоким жиддият ва савлатда нуқсонсизликка қанчалик интилса, моҳият жиҳатидан шунчалик ҳажв ва кулгига юз тутиб бораверади.

Улуғ актёрга адабий материал — талқин учун туртки. У қоғоздаги тўқимага жон киритади, одам қилиб, оёққа турғизади, қиёфа, табиат ато этади, шахс сифатида ўзлигини белгилайди. Шукур Бурҳоновнинг Сулаймон ота образи мисолида буни равшан кўрамиз. Бу ерда жуда кам ҳолларда содир бўладиган синоат юз берган. Адабий материал жилоларидан кўра, актёрнинг ўйлари, қиёфаси, интеллекти спектаклга кўпроқ ўтган, актёр ўзининг жони ва қони билан уни тўлдирган. Шу сабабдан мазкур образ бошқа театрларда доврук қозонмади. Шукур Бурҳоновгина уни етук қаҳрамонлари даврасига олиб кирди ва Сулаймон ота актёрнинг энг етук ролларидан бўлиб қолди. Совет давлатининг аввалидан ҳозиригача бўлган ҳаёт, авлодларнинг маънавий олами, кураш зиддиятлари, одамийлик сифатлари Сулаймон отанинг узун, лекин машаққатли тақдири мисолида актёр томонидан теран мушоҳада этилади. Спектаклда сўз эмас, ҳолат гапиради, ҳолат ҳал қилувчи воситага айланади. Шу боисдан спектаклда сукунат саҳналари ҳам кўп. Сукунат дақиқаларида актёр дили яшайди, хаёли сўзлайди.

Шу муносабат билан, театрларда бўлиб турадиган бир баҳс эсга тушади. Айрим актёрлар кўпинча яхши пьесалар, кучли образларнинг йўқлигидан шикоят қиладилар. Бир жиҳатдан, бу — тўғри. Лекин ўшалар банд бўлган спектаклларни кўриб, ижро этаётган роллар заминидаги адабий материалнинг кўп томонлари очилмай, актёр томонидан ҳис этилмай қолганига шоҳид бўласиз, ноўрин даъволарни афсусланиб хаёлдан ўтказасиз. Шукур Бурҳонов — Сулаймон отани томоша қилар экансиз, ундаги сифатларнинг кўпи пьесада йўқлигини сезасиз. Санъаткор пьесадан олишнигина эмас, уни бойитишни ҳам ўйлаши лозим. Бунга Шукур Бурҳонов талқинлари, унинг Сулаймон отаси гувоҳ.

1950—60-йиллар Шукур Бурҳоновнинг трагик маҳорати барқ уриб яшнаган давр бўлди. Мирзо Улуғбек, Брут ва Эдип образларининг саҳна ҳаёти Бурҳонов ижодининг чўққилари бўлиб қолди. Мазкур образлар ижроси санъаткорни мамлакатимизнинг бармоқ билан санарли саҳна усталари сафига олиб чиқди.

«Юлий Цезарь»даги Брут образининг буюк қудрати, пок гражданлик заковати ва унинг ҳаётий негизлари актёр томонидан чуқур асослаб берилади. Шукур Бурҳоновнинг Брути ўз бахтини республика идеалини ҳимоя қилишда кўради. Бу унинг танига жон билан кирган ҳаётий эҳтиёж. Шунинг учун ҳам тенглик ва адолат руҳи ҳукм сурган оний дам ҳам унга ҳузур бахш этади. Мазкур принципларга соя ташловчи зарра чекиниш эса, унинг нафратига дучор бўлади. Агар Цезарга халқнинг қарсаклари, шуҳратининг кўз-кўз қилиниши ором бахш этса, Брут эзгулик йўлидаги меҳнатининг самарасидан қониқиш ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам Брут Цезарни қанча севмасин, қадрламасин, унинг моҳиятини республика идеалига зид деб билади.

Шукур Бурҳонов ижросида Улуғбек фожиасининг талқинлари Брут муносабати билан бошланган изланишларнинг давоми эди. Улуғбек характеридаги зиддият — ҳоқон билан маърифатпарвар олим орасидаги омонсиз кураш. Улуғбек ва замон муносабати актёр томонидан катта иқтидор билан очиб берилади. Шукур Бурҳонов қаҳрамоннинг пинҳоний кечинмаларига алоҳида эътибор қилади. Зулмат осмонида порлаган юлдузнинг ёлғизлигига, буни ўзи ҳам ҳис этишига, муаммолар қаршисида танг аҳволда қолишига, шахсият ва бурчга принципиал муносабатда бўлади. Чунончи, коинот сирларини очиб, ўз мулкидаги, ҳатто ўз хонадонидаги асрордан ғафлатда қолиши, унинг жабрини тортиши актёр талқинида Улуғбекнинг асосий фожиаси бўлиб жаранглайди.

Шукур Бурҳонов ижодий меҳнатининг самаралари, табиийки, кино санъатининг эътиборини ўзига тортди. У Улуғбек образини кинода ҳам яратди. Лекин бу спектаклдаги Улуғбек эмас, унинг пластик ечими, қурилиш кўлами бутунлай бошқача, ҳар жиҳатдан кинога хос эди.

Буюк инсонлар, башарият ғамида ўз ҳаётини курашга бағишлаган улуғ зотлар — Шукур Бурҳонов қаҳрамонларидир.

Санъаткор ижод йилномасининг зарварақларидан бири Ленин образидир. У доҳий сиймосини беш йирик асарда яратди: «Кремль соати» (1947), «Учқундан аланга» (1949), «Унутилмас 1919 йил» (1950), «Йўлчи юлдуз» (1958), «Кураш йиллари» (1960). Одатда ҳар бир етук актёр Ленин даҳосининг маълум қирраларига мурожаат этади. Шукур Бурҳонов учун бу мавзудаги муҳим томон — Ленин ва халқ масаласидир. Бошқа сифатлар ана шу масаладан униб чиқади. К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмасида Ленин ва Шарқ халқлари мавзуи махсус қаламга олиниб, актёр учун мавзуни изчиллик билан очиш имкони туғилди ва умумсовет театр Ленинномаси янги жило билан бойиди.

Шукур Бурҳонов — халқ санъаткори. Билими, тажрибаси билангина эмас, бутун табиати билан унинг бир зуваласи, дардкаши, фахри ва фарзандидир.

Фарзанд бўлиш — бу қобиллик, садоқат билан меҳнат қилиш, улғайишда тўхташ нималигини билмаслик, мўъжизалар яратишга, муҳими, масъулият, имтиҳон ҳиссини бир умр сезиб туришдир. Ахир фарзанднинг мураббийлари бор, меҳнат ва лаёқатига ўшалар баҳо беради. Фарзанд эса мураббийларнинг умидини рўёбга чиқармоғи, ишончини оқламоғи лозим. Шунинг учун ҳам Шукур Бурҳонов бир умр беҳаловат, халққа фарзандлик ҳиссини сезиб яшайди, ижод этади. У мудом йўлда, изланиш йўлида. Бу йўлда санъаткор тиним ва чарчаш нималигини билмайди.

Тошпўлат ТУРСУНОВ



Шукур Бурҳонов 1942 йили А. Ржешевский ва М. Кацнинг «Олеко Дундич» асаридаги бош қаҳрамон образини яратди.



Актёр А. Островскийнинг «Айбсиз айбдор» асаридаги Незнамов ролида. 1949 йил.



Шукур Бурҳонов — Гамлет. 1949 йил.



В. Шекспирнинг «Юлий Цезарь» фожиасидаги Брут ролида Шукур Бурҳонов ижодий имкониятлари ниҳоятда кенглигини намойиш қилди. 1958 йил.



Атоқли санъаткор талқинидаги Шоҳ Эдип образи ўзбек томошабинлари хотирасида муҳрланиб қолди. 1968 йил.

Малик ҚАЮМОВ,
СССР халқ артисти

ХАЛҚИМ МЕҲРИДАМАН

Совет ҳужжатли киносининг атоқли намояндаси, СССР халқ артисти, кинорежиссёр ва оператор Малик Қаюмов, мана ярим асрдирки, жонажон Узбекистонимизни мадҳ этиб келмоқда. Малик Қаюмовнинг жуда кўп фильмлари халқаро кинофестивалларда юксак совринларга сазовор бўлган. У жаҳондаги саксондан ортиқ мамлакатда бўлди, кўп эллар ҳақида ажойиб кинополотнолар яратди.

Толмас жамоат арбоби бўлган Малик Қаюмов республика Олий Советининг депутати ва Узбекистон Кинематографчилари союзи правлениесининг биринчи секретари сифатида миллий киносанъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Малик Қаюмов «Ҳаётим — кинематограф» деб номланган мемуар ёзди. Асар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босилиб чиқади. Қуйида шу китобдан парча эълон қилмоқдамиз.



Атоқли кинорежиссёр, СССР халқ артисти Малик Қаюмов иш устида.

Мен ҳозиргача 250 та фильмни суратга олдим. Улардан 23 таси тўламетражли фильмлардир. Айримлари ўзимга ёқмайди, кўнгилдагидек суратга ололмаганман. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса: имкониятлар ҳам, эҳтиёжлар ҳам, ҳаттоки ҳар бир касб олдига қўйилган талаб ҳам ўзгаради. Агар иложини топсам, кўпгина фильмларимни ҳозир қайтадан суратга олган бўлардим. Йўқ, мен уларнинг бирон-тасидан ҳам воз кечмоқчи эмасман, улар — менинг фильмларим, менинг фарзандларим. Гап шундаки, ҳозир мен ўз картиналаримдаги баъзи нуқсонларни санъаткор кўзи билан кўряпман, бинобарин, уларни қандай қайта суратга олишни, монтаж қилишни, уларга қанақа янги текстлар ёзишни, музика басталашни аниқ тасаввур этяпман. Айни пайтда, шундай фильмларим борки, уларга қўл уришни истамайман. «Тўрт дарвозали шаҳар», «Тожихон билан учрашув», «Олтин тўй», «Паранжи», «Ўн уч қалдирғоч» фильмларини шундай асарлар жумласидан дея оламан.

«Ўн уч қалдирғоч»... Ҳа, биз бу фильм қаҳрамонларининг ҳар бирига таклифнома юбориб, уларни Қўқонга чорлаган эдик. Улар ҳам пайсалга солмай етиб келишди. Мана, улар бундан қирқ йил муқаддам битириб чиққан ўз мактабларининг ҳовлисида саф тортиб турибдилар. Биринчи марта тўлиқ ўрта маълумот олган ўқувчилар қирқ йилдан кейин бир-бирлари билан учрашдилар.

...1924 йилнинг 26 майида «Фарғона» газетаси бирданига иккита муҳим хабарни босиб чиқарди. Биринчи хабарда ашаддий каллакесар Олим қўрбоши ўз йигитлари билан Шўро ҳукуматига таслим бўлгани ҳақида ёзилган эди. Иккинчи хабарни газетадан кўчираман: «Бугун Туркистон вилояти тарихида янги саҳифа очилди. Биринчи марта, бизнинг ўзбек ёшларимиздан 13 киши ўрта маълумотли бўлди... Биз ҳали қашшоқ ва саводсизмиз. Бу ҳақда гапирадиган бўлсак — тилимиз, гапирмасак — дилимиз куяди. Лекин, аминмизки, шу биринчи ўн учлар ҳали ўн уч минг бўлади!»

Тасаввур қилинг: ўн уч минг ўрта маълумотли ўқувчини орзу қилиш! Ҳозир эса ҳар йили миллионлаб ёшларимиз тўлиқ ўрта маълумотли бўлмоқдалар. Лекин ўша пайтда улар фақат ўн уч нафар эдилар — ўн битта йигитчаю иккита қиз...

Уларнинг фотографияси сақланиб қолган, аммо у ҳозирги ўрта мактабни битириб чиқаётган болалар виньеткасига асло ўхшамайди. Кичкинагина, оддий бир фотокарточкада ўзбек интеллигенциясининг бўлғуси порлоқ юлдузлари камтарона қимтиниб турибдилар. Қирқ бир йиллик танаффусдан кейин улар яна ўз мактаблари ҳовлисида тўпланиб, дийдор кўришдилар. Энди хийла қартайиб қолган, номлари машҳур, ҳаётнинг кўп аччиқ-чучугини тотган собиқ талабалар ўз кўзларига ишонмай, ўпкалари тўлиб, суюнганларидан йиғлаб юбордилар. Биз холис шоҳидлар ҳам, бу ҳолни кўриб, кўз ёшимизни тия олмадик. Кейин улар синфга худди тўполончи болалардек ёпирилиб кирдилар-да, парта қопқоқларини тарақлатиб, худди қирқ бир йил олдингидек ўз жойларига ўтира бошладилар. Лекин ўз жойларига ўтиришди, деб айтиш қийин эди. Чунки шунча вақт ичида ким қаерда ўтирганини унутиб юборган экан. Ана шунда биз уларга ўша эски фотографияни кўрсатдик, улар дарҳол ўз жойларини топиб ўтиришди ва худди қўнғироқ чалинишини, муаллимнинг кириб келишини кутаётгандек жим бўлиб қолишди. Дарҳақиқат, мана, муаллим ҳам кириб келди. У ўша бир вақтлардаги одати бўйича, ҳар бир ўқувчини номма-ном чақириб йўқлама қила бошлади. Лекин тўрт киши, гарчи узрли бўлса ҳам, энг кўнгилсиз сабабга кўра бугун дарсга келмаган эди.

Келмаганлардан бири — Карим Раҳимов Москва остоналарида мардларча ҳалок бўлган.

Синфда Йўлчи Тошпўлатов ҳам йўқ. Ўзбеклар орасида техника фанлари доктори унвонини биринчи бўлиб шу одам олган эди. У бетоннинг янги маркасини кашф этиб, уни синовдан ўтказди: янги нав бетон синовга бардош берди, аммо эндигина қирқ етти баҳорни кўрган ажойиб олимнинг юраги бу ҳаяжонли дамларга бардош бера олмади.

Бугунги дарсда 1919 йили ҳали ўсмир бўлатуриб ўз акасининг отрядида отлиқ аскар сифатида жанг қилган ва жангда бир оёғидан айрилган Шариф Ризаев ҳам йўқ эди. Кейинчалик ёзувчи, таржимон, фольклоршунос бўлган Шариф Ризо ўзбек совет адабиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган эди. У. М. Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеясини ўзбек тилига таржима қилишга биринчи бўлиб бел боғлаган эди. Насриддин Афанди ҳақидаги латифаларни йиғиб, олтита китоб қилиб чиқарган ҳам шу киши. У машҳур «Қор ёғди, излар босилди» қиссасининг авторидир. Унинг адабиётимизда қолдирган изи асло ўчмаяжак.

Район комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган Абдулла Беккузин ҳам бугун келмади. У ҳам адабиётда, ҳам ҳаётда чинакам шоир, ўз ватани, ўз ишига содиқ ажойиб граждан эди.

Қолганлар — қисқагина муддат болалик даврига, ўз қадрдон мактаблари қучоғига қайтган бу биринчиларнинг биринчилари йўқлама вақтида бир-бир ўринларидан турдилар.

Раим Отажонов — камбағал батрак фарзанди, Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, машҳур математик, йигирмадан ортиқ илмий ишларнинг автори.

Зокир Аширматов — инженер-ирригатор. Ўз синфдошлари билан учрашиш учун Волга бўйидан учиб келибди. Ўттиз беш йил мобайнида қазиган каналларининг узунлигига қараб уни бутун ер куррасини айланиб чиққан одам, деб айтса бўлди.

Зайнаб Мирсалимова — республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи. Бир вақтлар у республикамизнинг энг чекка қишлоқларидан бирига жўнаб кетишга, ўша ерда болаларга онг ва зиё тарқатишга онт ичган эди. Онтининг устидан чиқди — узоқ Пахтаободга бориб, умрбод ўша ерда ўқитувчи бўлиб қолди.

Академик Теша Зоҳидов — машҳур биолог. Нью-Йоркда ўтказилган симпозиумда, башарият келажагини ўйлаган барча одамларни саҳролар бирлаштирмоғи керак, деб айтган шу одам.

Самарқандлик профессор Улуғ Турсунов урушнинг биринчи куниёқ фронтга жўнаб, ғалаба билан қайтган. Ўзбек тили диалектологияси бўйича мутахассис бўлган бу одам, гарчи урушда эшитиш қобилиятини йўқотса ҳам, ўз истеъдоди ва лаёқатига содиқ қолди.

Моҳира Раҳматуллаева — оддий савдо ходими. Тошкентдаги магазинлардан бирининг мудираси. Вақтида у ўз оиласига кўмаклашиш, укаларини ўқитиб тарбиялаш мақсадида Москва университетини ташлаб, Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлган. Балки кўпчилик таниш-билишлари, қариндош-уруғлари унинг бу жасоратидан ҳозиргача бехабардирлар.

Фаттоҳ Раҳмонов — нашриёт мухаррири.

Энг охирги партада эса Фахриддин Шамсиддинов ўтирибди. У йирик партия ходими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Кўп йиллар давомида Сув хўжалиги министри бўлиб ишлади. Партиямиз уни Хоразм областига юборганида у ҳеч иккиланмасдан жўнаб кетди. Натижада энг қолоқ воҳа энг юқори ҳосилли областга айланди. Сўнгра эса, ўз уйига, қадрдон Фарғонага қайтди. У, муаллим мени унутиб қўймасин, деган ўйга бориб, сабрсизлик билан қўлини кўтарарди.

Муаллим? Ким ўзи у? Ўн учларнинг собиқ ўқитувчиси ўз донишмандлиги, салобати ва айни пайтда ғоятда соддадиллиги билан кишини ўзига ром қиларди. Ниёз косибнинг ўғли — Тошмуҳаммад Қори Ниёзий бир вақтлар суд маҳкамасида тилмочлик қилган. 1919 йилнинг ноябрида Қўқонда биринчи ўзбек совет мактабини очди. У — биринчи ўзбек ўқитувчиси, университетни битирган биринчи ўзбек совет зиёлиси, биринчи фан кандидати, ўзбеклар орасида энг биринчи физика-математика фанлари доктори, биринчи профессор, университетнинг биринчи ректори, биринчи маориф министри, ЎзССР Министрлар Совети Раисининг муовини ва ниҳоят, Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти, СССР Давлат мукофотининг лауреати... Мана шунақа одам эди ўн уч қалдирғочнинг ўқитувчиси.

— Ўн уч — хосиятсиз рақам, деганлар бекор айтишади!— деди у камерага ҳам парво қилмай, менга кўз қисиб.

Мен у одам билан ҳеч қачон мириқиб суҳбатлашмаган бўлсам ҳам, уни энг қадрдон дўстимдек яхши кўраман. У кишини кўп маротаба кино-

га олганман. Унинг табиатидаги мулойим зиёлилиги, сиполиги ва адолатпарварлиги мени ҳамиша ҳайратга солар эди. У билан ҳамсуҳбат бўлганда, биз бирон та маънилироқ гап айтишга ожиз бўлсак ҳам, бизнинг фикримиз унинг тафаккури олдида ғоятда заиф ва қашшоқ бўлса ҳам, у киши ҳар қандай суҳбатдошнинг гапини завқ ва қизиқиш билан тинглар эди. Сиз, азиз устоз, ўн учлар сафида бўлмаганларга ҳам сабоқ бердингиз, минг ташаккур сизга!

* * *

РОМАН Кармен бир вақтлар «Ун уч қалдирғоч» фильми ҳақида шундай деб ёзган эди: «Шу кичкинагина бўлиб кўринган ҳодиса замирида бизнинг социалистик тузумимизнинг улуғворлиги мавжуддир». Менинг «Олтин тўй» фильмим ҳам айнан шундай кичик ҳодисани ифода этган «кичик» мавзудадир. Бу фильм айрим фикрий жиҳатлар билан «Ун уч қалдирғоч»нинг давомига ўхшаб кетади. Бу фильмни суратга олишга киришишдан олдин Эргаш ака деган бир ажойиб инсонни узоқ кузатдим. Бу фильмда ҳам ҳамма нарса битта фотосуратдан бошланган эди. Бир қарашда, дам олиш уйида биргаликда ором олаётган бир гуруҳ кишиларнинг ялпи тушган сурати — шунчаки сурат. Одатда бундай фотосуратга эсдалик учун тушилади. Лекин асли бу фотода саксон олти кишидан иборат бир оила тасвирланган эди.

Биз фильмни суратга олишга киришишдан олдин кичик бир анкета очдик. Уни оддийгина қилиб, «Эргаш Ҳамидов ва Шафоат опа оиласи ҳақида» деб атадик. Гарчи бу икки зотнинг олтин тўйи бир неча кун давом этган бўлса ҳам, биз олган фильм бор-йўғи бир неча минутлик эди. Мана анкетамиз: Эргаш аканинг оиласида йигирма тўрт киши олий маълумотли. Улардан биттаси фан доктори, учтаси фан кандидати, иккитаси аспирант. Бу муҳтарам мутахассислар орасида иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, врачлар, педагоглар, геологлар, биологлар ва бошқа касб эгалари бор. Эргаш ака: «Бизнинг уйдан барча фанларга эшик очиш мумкин», деб ҳақли равишда фахрланар эди.

Мен Эргаш Ҳамидовни кўпдан танирдим. У умр бўйи Самарқанддаги Чой қадоқлаш фабрикасида ишлади.

Эргаш ака қашшоқ бир деҳқоннинг кенжа ўғли бўлган. Катта оилаларда, одатда, кичик болаларнинг аҳволи нисбатан енгилроқ бўларди. Чунки ота-она учун кичик фарзандниг уст-боши ташвиши камроқ, улар акаларининг эскисини кийиб катта бўлаверардилар. Бироқ... Эргаш аканинг ҳикоя қилишича, унинг болалик йиллари ниҳоятда машаққатли ўтган. Камбағалнинг бир тўйгани — чала бой бўлгани, дейдилар. Лекин Эргаш ака эсини танибдики, бирон марта бўлсин «чала бойиганини» эслолмайди. Тўққиз ёшида унинг омади келиб, фабрика қошидаги чойхонада дастёрлик қилади. Сўнг яна бир марта унинг бахти кулиб, Василий Лаврентьевич Вяткин деган саховатли одамни учратади. Археолог В. Л. Вяткин унга ўқиш, ёзишни ўргатади.

В. Л. Вяткин узоқ давом этган археологик ишлардан кейин 1908 йили Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини топган эди. Бу — рус олимининг шуҳратини бутун оламга таратган ғоят улуғ илмий кашфиёт бўлди. Шу сабабдан, улуғ олимнинг жасади унинг ўзи кашф этган ажиб ёдгорлик — Улуғбек расадхонасининг пойига дафн этилди.

Келинг, биз фильмимиз қаҳрамонларига қайтайлик.

...Эргаш стачкада қатнашганлиги учун фабрикадан ҳайдалади. Лекин кейинчалик яна фабрикага ишчи қилиб олади лар. У ўзининг бўлғуси умр йўлдоши Шафоатхонни шу ерда учратади. Гражданлар уруши йиллари Эргаш фабрика дастгоҳидан тўғри урушга жўнайди. Кейин, гражданлар уруши билан Улуғ Ватан уруши оралиғидаги тинчлик даврида, у муттасил фабрикада ишлаб, Ватанимизга тўрт қизу етти ўғил ўстириб берди. Сўнг бирин-кетин набиралар дунёга кела бошлади. Мен «Олтин тўй» фильмини суратга олган 1964 йили набиралар сони ўн тўртта эди. Ҳозир уларнинг нечта эканлигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Агар Василий Лаврентьевич Вяткин уларни кўрганида, иши бошидан ошиб ётган бўлишига қарамай, ўн ёшли Эргашнинг қалбига ташлаган зиё уруғи шунчалик мўл самара бергани учун хурсандликдан кўнгли тоғдек ўсарди. Булар энди ўн уч «қалдирғоч» эмас, балки гала-гала қалдирғочлар! Ҳаммалари Ватанимизнинг фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилиб келмоқдалар.

Ўша куни биз бутун оила аъзоларини бир дастурхон атрофига йиғдик. Лекин фильмда уларнинг ҳаммалари ҳақида ҳикоя қилишнинг иложи бўлмади. Оиланинг ҳар бир аъзоси — ўзи бир ҳикоя, ҳаммалари биргаликда кинороман бўлишга лойиқдирлар. Мен аминманки, бир кун келиб истеъдодли ёш кинематографчиларимиз бу оила ҳақида — Эргаш ака сулоласи ҳақида албатта йирик полотно яратадилар. Масалан, Эргаш аканинг суюкли куёви, Самарқандниг бош боғбони Ҳамид тўғрисида. У менга: «Ёруғ жаҳонга келиб ҳеч бўлмаса бир дона дарахт ўтқазган одам ҳеч кам бўлмайди», деб айни менинг кўнглимдаги ва мен ҳамиша одамларга уқтириб келаётган гапни айтган эди. Яна, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Боис Эргашев ҳақида ҳам катта фильм қилса бўларди. У ота-онасининг олтин тўйига ўз дўсти, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Афанасий Шилин билан бирга келган эди. Эргаш ака билан Шафоат опа Афанасийни ўзларининг еттинчи ўғиллари деб ҳисоблар эканлар.

Ўша куни Эргаш аканинг уйида бир йўла учта Қаҳрамон бор эди: чунки Шафоат опа ҳам — Қаҳрамон она.

Шу ўринда Боис ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Чунки унинг ҳақида фильмда оз тўхталганман.

...Бу воқеа 1943 йилнинг октябрь ойида бўлган эди. Самарқандлик йигит Боис Эргашев хизмат қилаётган полк ниҳоят Днепр бўйига ёриб чиқади. Энди полк олдида Днепрдан кечиб ўтиш вазифаси турар эди. Дарё ўртасидаги Кортица оролига ўрнашиб олган немислар пулемёт ва миномётлардан узлуксиз ўқ ёғдириб, солдатларимизнинг олға силжишларига имкон бермаётган эди. Душманни бартараф қилиш иложи фақат битта — десант группа оролга ўтиб олиб, фашистларнинг кучларини қирқиб ташлашдан иборат эди. Бу вазифани бажаришга Боис ўз сафдошлари билан отилиб чиқди. Немислар уларни албатта ўқ ёғдириб қарши олдилар. Бунга жавоб қайтариш учун десантчиларда ўқ-дори етмади. Шунда милтиқ найзалари, белкураклар ва... оддий муштлар ишга тушиб кетди...

...Боис ҳушига келганида, немисларнинг ғўнғир-ғўнғир овозини эшитди, ёнгинасида пулемёт тўхтовсиз тарилларди. Боис осонликча таслим бўладиган йигитлардан эмас. У қоплондек чаққон ва шердек довюрак. У эгасиз ётган бир автомат олдига эмаклаб борди-да, фурсатдан фойдаланиб душман пулемётчиларини қириб ташлади. Шу заҳоти пулемётни ҳам эгаллаб олиб, эсанкираб қолган фашистларни қийрата кетди. Бу пайт оролнинг иккинчи томонидан Афанасий Шилиннинг взводи яқинлашиб келарди... Боис мана шунақа жасорат кўрсатган қаҳрамон эди.



Мукаррама Турғунбоева «Санъат учун фидо қилинган ҳаёт» фильмида.

Укаси Эркин Эргашев эса уйига тўй арафасида етиб келди. Унинг Москвада докторлик диссертациясини ёқлаб қайтиши ота-онасининг олтин тўйига муносиб туҳфа эди. Олим кўп йиллик муттасил тажрибалар натижасида кашф этган ажойиб дори майда шохдор молларда учрайдиган ва аввалари дарди бедаво ҳисобланган оғир касалликка зўр зарба бўлди.

Мен бу қувноқ, иноқ, меҳнатсевар оилани севиб қолдим. Ўз фарзандларига фақат шунчаки яшашнигина эмас, балки истеъдодли яшашни, нафосат билан яшашни, қийинчиликка бардош бериб яшашни ва ниҳоят, бахтиёр ҳаёт кечиришни ўргатган чол билан кампирга меҳрим ошиб кетди. Шу боисдан Роман Григорьев ва Юрий Каравкин билан бу бахтиёр оила ҳақида фильм яратишга бел боғладим. Бу фильм орқали биз Қори Ниёзийнинг: «Шундай кунлар келадики, ўзбек халқи учун нафақат ўрта маълумот, ҳаттоки олий маълумот ҳам ҳаётий заруратбўлиб қолади, одамлар мажбуран эмас, балки руҳий эҳтиёж даъвати билан илм чўққисига интиладилар», деб қилган эзгу армонларининг рўёбга чиққанини намойиш қилмоқчи бўлдик.

* * *

ХАЛҚИМИЗ нурафшон кунларга етиб келди. Мен бу ҳақда ўзимнинг энг қисқа (5 минуту 3 секундлик) ва энг суюкли фильмим «Паранжи»ни яратдим. Бу қисқа фильм бўлса ҳам, замирида совет Ўзбекистонининг бутун тарихи, аниқроғи, мазкур тарихнинг образи ётади. Ҳар қалай, фильмни шундай ният билан суратга олдим. Унинг қандай чиққани ҳақида фикр юритиш томошабин ихтиёрига ҳавола.

Ростини айтсам, мен ёзувчиларга жуда ҳавас қиламан. Улар асарларини ёзиб бўлиб, қўлёзмани маълум муҳлатга ташлаб қўядилар, сўнг қайта, унга тузатиш киритадилар. Албатта, асарнинг бирон ерини ўзгартирадилар, айрим ёзувчилар эса, ундан бутунлай воз кечиб, тамомила бошқатдан ёзишга киришадилар. Ҳозир мен ўзим суратга олган эски фильмларни кўрарканман, айримлари шу қадар ёмон туюладики, уялиб кетаман. Тўғри, у фильмларнинг вақти ўтган, чунки ҳужжатли фильм жуда тез эскиради, бинобарин, бир вақтлар кўп ижодий машаққатлар натижасида вужудга келган янги фильмдан олинган аввалги таассуротни қайтариш мумкин эмас. Ўзимиз ҳам қаридик, фильмларимиз ҳам «ошини ошаб, ёшини яшаб» бўлди. Фақат за-

Мана шу сурат «Ўн уч қалдирғоч» фильмини яратиш ғоясини туғдирган эди.



мон тобора ёшариб бормоқда. У ўз қонунларини ҳаётга татбиқ этмоқда, маҳорат даражасини аниқламоқда, экранда ўз проблемаларини ҳал этишни талаб қилмоқда. Балки эски фильмларимни ноҳақ ёмонлаётгандирман...

Яқинда мен «Солдат ҳақида баллада» фильмини қайта кўрдим. Кўрдиму бутун оламни ҳайратга солган бу дурдона кинофильм ҳам энди ўз оҳанрабосини йўқота бошлабди, деган бир дардли алам юрагимни тирнаб ўтди. Бироқ... барибир, фильм олдинга сурган фикр ўз кучида қолган, самимият вақт ўтиши билан сохталашмаган, навқирон Чухрайнинг шижоати ва юрагидаги ўти, унинг дилида урушдан асарот бўлиб қолган дарду ҳасрат ҳамма-ҳаммаси ҳозир ҳам фильмда мавжуд. Дарҳақиқат, бу фильмдаги ҳар бир кадр тарихий далил бўлиб, ҳали жуда кўп авлодлар биз тўғримизда, бизнинг даврimiz тўғрисида шу картина орқали ҳам фикр юритажаклар.

Энди «Паранжи» фильмига келсак. Мен бу қисқагина кинолентада республикам тарихини ва озми-кўпми ўз ижодий биографиямни акс эттирмоқчи бўлдим. Зеро, бу кинолентадаги ҳар бир кадр Малик Қаюмовникидир. Айни пайтда, Ҳамза номидаги театрнинг артисти бўлган довюрак Турсунойнинг ва паранжисини биринчи бўлиб гулханга отган марғилонлик илк ўзбек раққосаси Нурхоннинг диний мутаассиблар томонидан ваҳшиёна ўлдирилишидан тортиб, ҳар бир кадр тарихий ҳужжатдир. Мен бу фильмимни худди шеърдек сатрма-сатр миямда пишитиб, номақбул кадрларни «ўчириб», ҳеч ўзгартириш мумкин бўлмаган энг аниқ кадрларни топишга ҳаракат қилдим. Унда қуёшга интилган ва сернеъмат заминда офтоб шуъласидан нур эмиб туғилган халқимнинг гўзал жамолини кўрсатмоқчи бўлдим. Шу мақсадда хушбахт чеҳраларни қайта-қайта суратга олавердим... Залда ўтирган томошабинлар кўзига, гўё... гўзаллик пешвоз чиқаётгандай бўлиб туюлсин учун экранни хушчақчақ, бахтиёр гўзал чеҳралар билан тўлдирдим. Шунинг учун ҳам, ўтмишнинг фожиавий эпизодлари билан замондошларимизнинг бахт-иқболдан руҳланган гўзал чеҳралари акс этган кадрларни ҳеч қўрқмасдан бир-бирига монтаж қилдим.

Лейпцигда ўтказилган кинофестивалда «Паранжи» фильмига «Олтин кабутар» совриниберилди. Бу фильмни эндигина озодлик йўлига кириб бораётган жуда кўп мамлакатлар сотиб олганини эшитиб, бошим осмонга етди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V халқаро кинофестивали пайтида «Паранжи» фильми намойиш қилинганида Эфиопиянинг атоқли ёзувчиси Теефайе Гессесенинг айтган гапини эшитиб, ўзимни ғоятда бахтиёр ҳис этган эдим. У бундай деган эди: «Фильм аёл кишининг янги йўли ҳақида шу қадар қатъий ишонч билан ҳикоя қиладики, бу фильм Эфиопияда бизнинг социалистик жамият қуришимизда улкан ҳисса қўшишига ишончимиз комилдир».

Мен бу фильмни халқимиз шону шуҳратини дунёга таратган барча дилбар ва дилрабо ўзбек аёлларига бағишладим. Агар фильм титрларида бағишлов ёзиш имкони бўлганида эди, мен уни кимларга бағишлаганимни биттама-битта санаб чиққан бўлар эдим. Афсуски, бунинг иложи йўқ, зеро мен назарда тутган ажойиб аёлларимиз беҳисобдир! Мана шу зебо, дилбар аёлларни тилга олганимда, кўз олдимга энг аввал Зулфия — оқила, меҳрибон аёл, ўз шеърларида халқим қалбидаги эзгу сўзларни баён этган шоира Зулфия келади. У элимизнинг ардоқли қизи, ўта камсуқум аёл. Унинг шеърлари менинг камера орқали ифодалашга қийналган фикрларимни аниқ ифодалашга кўмаклашади. Мен ҳам, худди Зулфия каби, ўзимга ўзим, санъаткорнинг бахти нимада, деб қайта-қайта савол бераман ва шоира сингари: «Халқим меҳридаман, ёрман эл шуҳратига», деб севинаман.

* * *

МУКАРРАМА Турғунбоева ўзбек халқининг тенгсиз раққосаси эди. Уни ўз касбининг шоираси, десак ҳам янглишмаймиз. У рақсга тушиш, янги рақслар ижод этиш билан чекланиб қолмади, бутун дунёга донг таратган «Баҳор» ансамблини тузиб, унга онахонлик қилди. Бу нарса Мукаррамаанинг истеъдодини, тажрибасини, маҳоратини мужассам этди. Унинг рақслари ўлмайди, маҳорат сирлари бесадо кетмайди, бутун ҳаётини фидо қилган ноёб санъати йўқолмайди. Шунинг учун ҳам Мукаррамахоним тўғрисида яратган фильмимни «Санъат учун фидо қилинган ҳаёт» деб атадим.

Кунларнинг бирида ундан: «Бахтлимисиз?» деб сўрадим. Жавоб ўрнига ўйланиб қолди. Ёши ўтинқираб, энди рақс тушмай қўйган ва бу ҳол уни анча изтиробга солаётган эдики, мен буни яхши билар эдим. «Саволимга жавоб бермадингиз?», деб такрор сўрадим. Шунда Мукаррамахоним: «Яхши ҳам «Баҳор»им бор», деган эди.

Чиндан ҳам, «Баҳор»ни Мукаррама яратган эди. У ўз қўл остидаги раққоса қизлар учун ҳам муаллима, ҳам дугона, ҳам она, ҳам бадиий раҳбар эди. У ҳар бир раққосанинг туриш-турмуши, юрак дарди, нималарга муҳтожлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам ансамбль қизлари уни ўз оналаридан ҳам ортиқ кўрардилар.

Мен «Баҳор» ансамбли билан Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Шри Ланка, Германия Демократик Республикаси, Миср Араб Республикаси, Жазоир, Марокаш, Судан, Тунис ва бошқа мамлакатларда бирга бўлганман. Африка мамлакатлари бўйлаб юрганмиз. Бир куни марокашлик шоферлар бизни Жазоирга кузатаётганларида, ҳавода булут чиқиб, ёмғир томчилай бошлади. Чегарада Жазоир автобусларига ўтиб олишимиз керак эди. Шофёрлар «Баҳор» қизлари билан хайрлаша бошладилар. Шунда Мукаррама ҳар бир шофёр ва кузатувчига тўн, дўппи кийдирди, ансамблга шу қадар илиқ меҳр билан муносабатда бўлган бу ўктам йигитлар жамолини ҳеч қачон унутмаслигини айтди. Шунда шофёрлардан бири унга жавобан бундай деган эди: «Осмонга қаранг, бугун сиз билан бутун Марокаш кўз ёш тўкиб хайрлашмоқда».

Мен бу ерда яна бир воқеани тилга олмоқчиман. Бу 1955 йили Бомбай шаҳрида бўлган эди. Гастролга борган «Баҳор» ансамбли биринчи концерт берган куни машҳур ҳинд адиби ва кинодраматурги Хўжа Аҳмад Аббос саҳнага чиқиб, Мукаррамахонимга таъзим қилиб бундай деди: «Ўзбеклар Ҳиндистонни бир эмас, икки маротаба забт этганлар: биринчи фотиҳ буюк Бобир бўлса, иккинчи марта Ҳиндистонни қилич-қалқонсиз, ўз рақслари билан забт этган улуғ зотсиз!»

Мукаррама Турғунбоева дафн этилаётган пайтда мен Тошкентда йўқ эдим. Айтишларича, халқ ўзининг дилбар қизи билан видолашган ўша куни Тошкентда ҳам ёмғир ёғиб турган ва бутун шаҳар аҳли кўз ёш қилган экан. Мукаррама билан қилган охирги суҳбатимни эсладим. Ўшанда у «Бахтлимисиз?» деган саволимга аниқ жавоб бермаган эди. «Йўқ, Мукаррама,— дея ўйладим мен,— сен бахтлисан, чунки сен эл ардоқлаган аёл эдинг».



Исмоил ТЎЛАКОВ

* * *

Ҳақиқатни очиқ айтаман:
Бизлар бир-биримизни севамиз!
Шундай бир ҳис билан севамизки,
гўё ошкор этсак
ўз қадрини йўқотади
муҳаббатимиз.

Бир чақмоқ қандини
тил остига эмас,
бағрига босган
гўдакдай,
диллерда асраймиз
муҳаббатимизни.

Гўё ошкор этсак,
ўз рангини йўқотади япроқлар.
Дунё
тул қолган гўзалдай
маъюслашиб толади гўё.
Гўё ошкор этсак,
баҳор баҳорлигидан,
куз эса кузлигидан,
кўзлар-чи, кўзлигидан,
муҳаббат ўзлигидан
айрилиб қолади...

Биласанми,
нега шундай йўлни тутамиз?
...Агар рад этилса муҳаббатимиз
иккимиз ҳам
бу дунёдан танҳо ўтамиз...
Ёлғизликдан қўрқмаймиз, аммо
муҳаббатсиз яшамоқдан
қўрқамиз, холос...

* * *

Киприкларинг кўтариб турар
кўзларинг денгизича
чўкмоқ бўлган осмонни.
Киприкларинг атрофида саргаштадир
кўзларинг ҳақдаги ўйларим.
Ширин тушлар,
узун тушлар,
маҳзун тушлар кўрмоқдасан сен.
Лабларинг тамшанар.
Энг эзгу сўзларинг узилар сассиз.
Тушлар кўрмоқдасан...

Кўзларингни очмагил, Гулим!
Кўзларингни очма!
Кипригингга қуш бўлиб қўнган
кўзларинг ҳақдаги ўйларим
учиб кетмасин...

Ширин тушлар қадар сўнгсиздир,
узун тушлар қадар тенгсиздир,
кўзларинг ҳақдаги ўйларим.

* * *

Тонгда юлдузларга термилиб
ётсанг —
кенгликларда мавжланаётган
оппоқ лолалардек талпинар улар.
Кўксингда уйғонар,
оппоқ лолалардек орзулар.
Олисларда авжланаётган
интиқ қўшиқлар
юрагингда пўртанага айланар гўё...
Наздингда, бундай фароғатни
кўрмаган ҳеч ким.
Айни тонг маҳали,
биргина сен учун само
кўксини очмоқда гўё.
Биргина сен учун...
Шундай хаёлларга бўласан асир
Тонгда
юлдузларга термилиб ётсанг.

Сени ардоқлагим, ёқлагим келар,
Таъна тошларидан сақлагим келар.

Кимсасиз жойларга келар яширгим;
Сени авайласам гўё яшаргум.

Йўлингни кутмоққа ҳаққим йўқ лекин,
Қўлингдан тутмоққа ҳаққим йўқ лекин...

Ҳар қандай таъқибу ҳар қандай қонун.
Майли, тақиқ этсин, бекор, мен учун.

Ёстиқдошинг аччиқ сўзлар айтганда,
Дардингдан бехабар ухлаб ётганда,

Юрагинг тўрида милтиллайман мен,
Киприкларинг узра йилтиллайман мен...

...Сени ардоқлайман, ёқлайман шеърда,
Таъна тошларидан сақлайман шеърда.

Яго

Муҳаббатнинг сергак султони —
Эй, Отелло, кўзларингни оч.
Кўзларингни очгил, Ягонинг
Ниятлари отмоқда қулоч.

Ўз ниқобин ўзгартмиш бугун,
Фариштадек мулойим, ювош.
Ўзгаларнинг ташвиши учун
Тўкиб қўяр ҳаттоки кўз ёш.

Қурол тутмас қўлига илло,
Ғазаб отин бетизгин қўймас.
Бир қарашда уни, Отелло,
Яхшилардан фарқ этиб бўлмас.

У бахтлилар каби хушчақчақ,
Ўзни тиймас бир зум таъзимдан.
Тик боқолмас юзингга, бироқ
Руҳиятинг кузатар зимдан...

Қувончингдан зил кетар, лекин
Тил остига ташлайди талқон.
Юрагида туғилган кекин
Яширади мисоли вулқон.

Вулқон ахир портлайди бир кун,
Ларзалатиб арзу самони.
Лекин унинг фитнаси беун
Лойқалатар кўнгил — дарёни...

Қани, унинг айбини кўрсат,
Қани, уни деб кўр-чи: бадбин.
Унинг қаршисида шу фурсат
Сен қўполу лоқайд ва худбин.

Унинг пинҳон разиллигини
Қайси қонун пайқайди сергак?
Бирдан сеза олур қай юрак
Кўллатганин бўйра тагини?..

Беш асрким бутун оламнинг
Вужудига солурсан титроқ,
Бас, Отелло, бас қил аламни,
Томошабин тўла залга боқ.

Топиб улар ичидан макон,
Ўлтирибди хотиржам Яго.
Дездемона жасадин шу он
Қўлга олу айлагил нидо.

Токи сезсин одамлар, ҳамон
Кўнгилларга ташлаб оғуни,
Садоқатнинг кўксин этиб қон,
Сафларида юрганин унинг...

Ўз-ўзингга урмоқлик пичоқ,
Эҳ, Отелло, бир лаҳзалик, оҳ.
Лекин яғоларга эрк бермоқ
Келажакнинг олдида гуноҳ...
Елкасида ҳаёт юкини
Элтаётган ўйчан одамлар,
Муқаддас заминга юкиниб
Одимлар...

Елкаларни толдирган ул юк —
Дунёнинг эртанги ўйлари.
Улар елкасида боряпсиз
Келажагим, Шеърим, Куйларим...

Андижон

Гулистон
ГАЛЕРЕЯСИ

ГЎЗАЛЛИК ТУЙҒУСИ

БУНДАН қарийб ўн йил муқаддам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг дарсхоналаридан бири тасвирий санъатнинг жажжи бир музейига айланди. Деворларга осиғлиқ турли расмлар қатори нафис рангларда ишланган бешта хушбичим портрет ҳам томошабинлар нигоҳини ўзига жалб этди. Шарқ миниатюра санъати анъаналари асосида яратилган бу асарларда Навоийнинг сўлим ғазалларида тасвирланган олижаноб инсоний туйғулар, қалб гўзаллиги, муҳаббатдан чароғон ёшликнинг бокира олами латиф бир йўсинда акс этган эди.

Навқирон рассом Темур Саъдуллаев тасвирий санъат кошонасига «Навоий лирикаси» деб аталган ана шу диплом иши билан кириб келди.

Чизиқ ва рангларни сеҳрли олами Темурнинг хаёлини болалигидаёқ банд этган эди. У теварак-атрофида кўрган нарсаларни шавқ билан чизар, қадрдон қишлоғининг беназир манзараси унинг расмларида қайта-қайта жонланар эди. Ёш рассом мактабда ўқиб юрган чоғларида ўзининг илк кўргазмаларини ташкил этди.

Темур ўрта мактабни 1966 йили тугатди. Тасвирий санъатга қизиқиш худди шу йили уни машҳур рассом Чингиз Аҳмаров устахонаси сари етаклади. «Мен у кишига кўрсатиш учун жуда кўп расмлар олиб борган эдим,— деб хотирлайди Темур.— Устоз уларни кўриб, яхшироқ ишлай олишимга ишонч ҳосил қилдилар шекилли, хурсанд бўлдилар...»

Темур профессор Чингиз Аҳмаровнинг маслаҳати билан ўша йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг расм-чизмачилик факультетига ўқишга киради. Машҳур рассом гарчанд бу институтда дарс бермаса ҳам, ёш шогирдининг диплом ишига раҳбарлик қилади. Темур худди шу йиллари унинг раҳбарлигида Самарқанддаги «Ўлдуз» чойхонасининг интерьери учун девор расмлари — фрескалар чизади. Шу тарзда у институт билан биргаликда Чингиз Аҳмаров мактабидан ҳам таълим олади.

Ўшандан буён Темур Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг безакчи рассоми сифатида бу ердаги қатор экспозицияларни ва музейнинг республикамиз областларидаги олтита филиалини безашга катта меҳнат сарфлади. Элликдан зиёд тематик расм яратди, йигирмадан ортиқ китобга безак ишлади. Иттифоқ ва республика кўргазмаларида иштирок этди.

Эндигина ўттиз иккига кирган йигит учун бу ишлар оз эмас. Лекин ана шу ўн йил мобайнида Темур Саъдуллаев эришган энг муҳим нарса, менингча, унинг ўз йўлини топиб олишидир.

Темурнинг диплом иши ва бошқа баъзи бир асарлари қанчалик жозибали, нафис бўлмасин, уларда Чингиз Аҳмаровга хос ранглар садосини эшитиш қийин эмас эди. Темур шу йиллар ичида тақлидчиликдан қутулиб, ижоднинг машаққатли поллапояларидан дадил кўтарила бошлади. У ҳаётнинг мураккаб тўлқинларига назар ташлаб, яшаш фалсафасини, кураш ва ғалаба нашъасини идрок этишга интилди. Шу маънода унинг 1975 йили яратган икки полотноси алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу асарларнинг бири «Ҳаёт фалсафаси» деб аталади. Уч қисмдан иборат триптихнинг бирида Темур Саъдуллаев ижодида катта ўрин эгаллаган оналик мавзуи талқин этилади. Бунда машҳур саркардалар, олимлар ва шоирларнинг она меҳри туфайли пайдо бўлгани ва улғайгани тасвирланади. Триптихнинг иккинчи ва учинчи қисмларида тарих ва коинот жумбоқлари саркардаларнинг шамшири билан эмас, балки донолар нинг ақл ва заковати туфайли ечилиши, инсониятнинг ҳозирги даврда коинот сирларини эгаллаб, янги тарихий ва ижтимоий юксалиш босқичига кўтарилаётгани ҳикоя қилинади.

Гарчи мазкур асарга ҳозирги тасвирий санъатдаги турли оқимлар анча таъсир этган бўлса-да, у Темур ижодида бурилиш эди. Бу фақат янги, замонавий мавзулар сари бурилиш бўлиб қолмай, балки янги тасвир имкониятларини ахтариш, ўз бўёқларига, ўз услубига эришиш йўлидаги изланишлар ҳам эди.

Темур Саъдуллаев бу триптихда қўллаган композиция принциплари ва бўёқлардан «Ёш олим портрети»да ҳам кенг фойдаланди. Бу асарда ҳам бўёқлар майин ва нафис оқимни ташкил этмайди, балки даврнинг шиддатли оҳангини белгилайди. Геометрик шакллардан холи бўлмаган композиция эса, ёш олим сигаретасидан таралаётган тутун туфайли янада шиддатли тус олади. Бу шакллар пастдан юқорига кўтарилган диагонал пиллапоялар билан ўзаро уйғунлашиб, ҳозирги давр руҳини ифодалайди. Ёш олимнинг ички маънавий олами ана шу давр образига ҳамоҳанг равишда талқин этилади.

Бу асар учун ишланган бошқа бир эскизда давр образи соат тасвири орқали ҳам берилган эди. Аммо рассом картинанинг сўнгги нусхасида катта тасвирий шиддат ёрдамида давр ва қаҳрамон масаласини табиий ҳал этишга эришади.

Ёш Беруний портретида эса, давр манзараси кўпроқ интерьер ва либос тасвири орқали берилади. Нақшин айвон пештоқи ва устуни, қаҳрамон либоси ҳамда кўҳна илмий асбоблар воқеа бундан кўп асрлар муқаддам кечганини англатади. Навқирон Беруний нинг ақл-заковати эса унинг ўйчан кўзларида мужассамланган. Унинг қилаётган илмий тажрибаси бутун ҳаёти учун ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини сезасиз.

Рассом тарихий шахслар ва ўтмиш лавҳаларини тасвирлар экан, бўёқлар асарнинг майин колоритини яратади. Унинг ижодий услубида миниатюра санъатига хос восита ва бадиий тасвир белгилари зоҳир бўлади. Хусусан «Навоий ва Беҳзод» полотноси шу усулда чизилган. Рассомнинг нигоҳи ҳозирги замон воқеалари ва кишиларига кўчиши билан бўёқлар уйғунлиги маълум маънода сақлангани ҳолда композицияда XX асрга хос мураккаблик, безовталик руҳи пайдо бўлади. Бу ҳол «Профессор Ҳамид Сулаймон» портретида ҳам кўзга ташланади.

Шундай ҳаётий мавзулар борки, улар барча даврлар учун муқаддасдир. Оналик, муҳаббат, ёшлик... Темур Саъдуллаев бу мавзуларга қўл урар экан, унинг асарларига қўшишдек майин, латиф ва янгроқ руҳ кириб келади. Бу асарларда тасвирланган мавзу — у оналикми, муҳаббатми, иффатми, ёшликми — самимий ҳарорат касб этади, нур ёмғирига бурканади.

Темурнинг ёшлик ва оналик мавзуларига бағишланган расмлари аслида бир маҳражга бориб туташади. Унинг бу туркумдаги асарларида ҳаётнинг маъноси ҳам, латофати ҳам меҳр ва муҳаббатда, фарзандлар ва авлодларга ҳаёт бағишлашда, деган ғоя илгари сурилади.

Темур Саъдуллаев ўз оиласи аъзоларини — турмуш ўртоғини, фарзандларини, ота-онасини тасвирлашни яхши кўради. Баъзан улар турли кўринишларда асардан-асарга кўчиб ўтадилар. Бундай асарларда рассомнинг ўз ёрига нисбатан самимий туйғуси, ота-онаси ва фарзандларига меҳри умумлашма аҳамият касб этиб, унинг барча эзгу ниятли кишиларга бўлган муҳаббатини, ишончини ифодаловчи воситага айланади.

Рассом ўзининг бадиий оламига яқин мавзуларни тасвирлаш жараёнида ўз услубини, ўз бўёқларини топмоқда. Камтар, дилкаш рассом, ўз устози каби доимо изланишда. У бундан кейин ҳам ана шу изланиш иқлимида яшаса ва ижод қилса, тасвирий санъатнинг янги-янги довонларини ишғол этиши шубҳасиз.

«Ёшлик санъатни ҳамиша нурафшон этади,— деган эди машҳур совет ҳайкалтароши С. Коненков.— Ёшларнинг орзу ва интилишлари, уларга хос зийраклик ва таъсирчанлик санъатда ижодий юксалишни вужудга келтиради. Ҳар қандай ёшда ҳам ёшлик туйғусини йўқотманг».

Бу ажойиб сўзлар Темур Саъдуллаевга бевосита тегишлидир.

Наим КАРИМОВ

Йигит ва қиз ҳақида баллада

Ҳаммаси бошланди оддий бир кундан,
Йигит дилин очди, бошин эгди қиз.
Улар бир-бирларин севдилар чиндан —
Самимий ҳис билан, рашксиз, ёлғонсиз.
«Почтальон» бўлмади уларга ҳеч ким,
Мактуб ёзмадилар оҳ-воҳ сўз билан.
Юракка пок туйғу бўлганда ҳоким
Рост айтмоқ мумкин-ку ахир кўз билан.
Кўзлар кўзлар билан тиллашган кезда
Муҳаббат риштаси боғланди маҳкам.
Улар ҳам кўпчилик йигитдай, қиздай
Учрашиб юрдилар гоҳ тез, гоҳ кам.
Улар ҳам ғам чекди ҳижрон онлари,
Висол лаҳзаларин орзиқиб кутди.
Йигит қўл узатиб талпинган сари
Қиз ҳаё отининг жиловин тутди.
Қай фурсат вужуднинг туғёни тошиб,
Тегиб кетганида дудоққа дудоқ
Қучоқлашмадилар улар чирмашиб,
Ўпишмадилар ҳам узундан-узоқ.
Кимдир севган қизин ягона атаб
Парига тенгласа жўшқин сўз билан,
Йигит севгилисин юрмади мақтаб,
Дардлашмади тўғри келган дўст билан.
Қай бир дугонаси кўз сузиб гоҳ-гоҳ
Гап очса бўсадан, висолдан, гулдан,
Қиз ўз севгилисин сир тутди кўпроқ,
Қиз ўз севгисини яширди ундан.
Қай бир дугонаси тишдан, кўйлакдан,
Мол-мулк, машинадан вейсаса чунон,
Қиз йигит меҳрини тоза юракдан
Бебаҳо бойликка тенг билди шу он.
Улар муҳаббатни авайлаб мудом,
Гавҳардай асради дил эъзозида.
«Ошиқ-маъшуқлар» деб олмадилар ном,
Сақич бўлмадилар эл-юрт оғзида.
Муҳаббат — на мансаб, на мол, на дунё,
На ваъда, на паймон, на ҳирснинг зўри.
Муҳаббат — бу виждон, садоқат, вафо,
Покиза юракнинг покиза умри.
Бахт-ку бу дунёда энг ноёб олтин
Инсонсан, демакки бахтинг бор, аммо
Ва лекин сен уни излашдан олдин,
Аввало ўзингга чин ҳамроҳ танла.

Оддий бир кун эди, осмон мусаффо,
Олам баҳор эди, жилвагар эди.
«Тўйга, тўйга!», дея янгради наво,
Қиз бош эгар, йигит жилмаяр эди.
Кимдир хурсанд эди, севиниб, кулиб,
Куёв-келинчакнинг қўлини олди.
Кимдир ҳайрон эди ғафлатда туриб:
«Ажаб, булар қачон топиша қолди?»
Қуёш ер юзини ўради зарга,
Бор меҳрини қизга, йигитга тўкди.
Кимдир ҳавас билан боқди уларга,
Кимдир ҳасад билан жимжит кўз тикди.
Тақдирлар пайванддир, умидлар пайванд,
Муборак урф, қутлуғ анъана бўлди.
Гўёки сут-қаймоқ, гўё шакар-қанд
Каби икки қалбда тантана бўлди.
Олқиш бўлсин сенга тоза муҳаббат,
Олқиш бўлсин сенга садоқат, вафо.
Эй, одил замона, сенга минг раҳмат,
Висолга — ассалом, ҳижронга — видо!
Юлдузлар бахт бўлиб порлаган тунда,
Пойлоқчи сингари кезганди ҳилол
Интизор ошиқлар қовушди шунда,
Улар бир ёстиққа бош қўйди ҳалол...
Оддий бир кун эди, яна тонг отди,
Қуёш тонгни қутлаб нур сочди яна.
Шу пайт «инга» саси элни уйғотди
Йигит ота бўлди, қиз эса — она.


Бор гап — шу. Хўш, оддий бир ҳодисани
Қофияга тизиб ёздим не учун?
Бу шеърдан топмасанг керак нарсани
Мендан ўпка қилма, азиз ўқувчим!

Музаффар АҲМЕДОВ

Манғит



Т. САЪДУЛЛАЕВ. Ёз



Т. САЪДУЛЛАЕВ. ФАРҲОД ВА ШИРИН.

Шариф ЮСУПОВ

ФУРҚАТ ВА РУС ЗИЁЛИЛАРИ

ФУРҚАТГА таниш тошкентлик рус зиёлилари орасида ҳудди ўша даврнинг ўзи каби мураккаб ва чигал тақдирли кишилар ҳам бўлган. Чунончи, В. Наливкин билан Н. Остроумов шулар жумласидандир. Бу икки шахс фаолиятига тадқиқотчиларимиз томонидан берилган баҳолар ҳам ғоят зиддиятли бўлиб, кўп ҳолларда бир-бирини инкор этади. Наливкин ҳамда Остроумовга берилган баҳоларга улар ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб архив ҳужжатлари, революциядан олдинги матбуот ва расмий идораларнинг материалларига асосланиб, баъзи аниқликлар киритишни истар эдик.

Владимир Петрович Наливкинни баъзилар революциядан олдинги Туркистоннинг социал-демократияга яқин турган илғор фикрли зиёлиси деб қарасалар, баъзилар ўлкада Совет ҳокимияти ғалабаси учун курашнинг ҳал қилувчи босқичидаги контрреволюциянинг ашаддий намояндаларидан бири сифатида тарих олдида юзи қора бўлган шахс деб кўрсатадилар. Масаланинг мураккаблиги шундаки, Наливкинга баҳо беришда бир-бирини бутунлай инкор этувчи ана шу икки нуқтаи назарни асослаш учун ҳам етарлича ҳужжат ва материаллар топилади. Революцион кучлар билан контрреволюция ўртасида ҳаёт-мамот кураши борган ўта мураккаб давр шундай шахсларни ҳам майдонга келтирган эди. Шу важдан, Наливкин фаолиятидаги бу икки жиҳатнинг биридан кўз юмиб, иккинчисини ҳал қилувчи омил сифатида танлаб олиш тарихий ҳақиқатга бир ёқлама ёндашиш бўлур эди.

Подшо армиясининг Ўрта Осиёга юришларида қатнашган офицер Наливкин генерал Скобелев ва бошқа босқинчиларнинг бегуноҳ маҳаллий аҳолидан, айниқса, ҳимоясиз аёллар ва болалардан қонли ўч олганлигига норозилик белгиси сифатида ҳарбий хизматдан истеъфога чиқади, рафиқаси Мария Владимировна Наливкина билан биргаликда узоқ муддат Наманган уездига қарашли олис Нанай қишлоғида яшайди. Бу ерда оддий кишилар билан дўстлашиб, уларнинг турмуш тарзини, тилини, маданиятини ўрганади. Рафиқаси билан ҳамкорликда «Фарғона ўтроқ аҳолиси аёлларининг турмуши очерклари» китобини ёзиб, нашр эттиради. 1884 йили Тошкентда очилган дастлабки рус-тузем мактабининг биринчи ўқитувчиси ҳам Наливкин эди. Мактабнинг фахрий нозири, маърифатпарвар Шарифхўжа Пошшахўжа ўғли билан биргаликда маҳаллий миллатлар фарзандларини ўқишга жалб этишда ташаббус кўрсатганлиги эътиборга лойиқдир. У ўлкашунослик характеридаги кўпгина асарларнинг, ўша давр мактаблари учун дарслик ва хрестоматияларнинг, икки тилли луғатларнинг автори сифатида ҳам Туркистон маданий ҳаётида сезиларли из қолдирди. Наливкиннинг чор тузумига қарши исёнкорлик руҳи билан суғорилган кўпгина нутқ ва мақолалари кенг аҳоли орасида унинг обрў-эътиборини кўтариб юборди. Натижада ўлкада революцион ҳаракат кучайиб борган 10-йиллар бошида у II Давлат думаси аъзолигига сайланди. Наливкиннинг Давлат думасида чор юстиция органларини аёвсиз фош қилиб сўзлаган нутқлари ўша даврнинг мансабдорларига шу қадар қаттиқ теккан эдики, Санкт-Петербург округ суди прокурорининг ёрдамчиси Рубан уни ҳатто дуэлга чақиради.

Туркистондаги бир неча ўн йиллик фаолиятини ана шундай қизғин курашчан вазиятда ўтказган Наливкин революцион қарашларининг мавҳумлиги, унда пухта англаб олинган ғоявий-сиёсий позициянинг йўқлиги 1917 йил Февраль революцияси вақтида аён бўлиб қолди. Наливкиндаги мавҳум демократияга мойиллик Туркистон меҳнаткашларининг тақдири ҳал бўлган 1917 йил февраль — октябрь ойлари ўртасидаги шиддаткор курашлар жараёнида замон синовида фош бўлди. Натижада революция душманлари лагерига ўтиб қолган Наливкин Муваққат ҳукумат Туркистон Комитетининг Раиси сифатида ишчилар синфининг, Туркистон меҳнаткашларининг социалистик революция йўлидаги курашини барбод этишга имкони борича ҳаракат қилди ва ҳаётининг сўнгги йилидаги халққа зарарли фаолияти билан ёмон ном қолдирди. Албатта, Наливкин тарих олдида тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганини билмаслиги мумкин эмасди. Аммо гап шундаки, у ўзида шу оғир хатодан қутулишга етарли жасорат топа олмади. Натижада, Октябрь ғалабасидан икки ярим ойча кейин, 1918 йилнинг 20 январида Наливкин ўзини ўзи отди.

Фурқат билан Наливкин муносабатларига келсак, Владимир Петрович Тошкентда хизмат қилиб юрган ва маърифатпарвар рус кишиси сифатида ўз даври учун аҳамиятли ишларни амалга оширган 90-йиллар бошида шоир у билан танишиб, дўстона алоқа ўрнатган. Наливкиннинг республика Марказий давлат архивида сақланаётган шахсий материалларида Фурқат унга бағишлаб ёзиб қолдирган шеър бор. Бу шеърни профессор Ғулом Каримов биринчи бўлиб матбуотда эълон қилган эди. Остроумовнинг шахсий архивида Наливкин ва Фурқат муносабатларини кўрсатувчи яна бир ҳужжатни учратдик. Бу ҳужжат Наливкин томонидан мухаммас жанрида ёзилган шеър машқидир. 1890 йилнинг октябрида Тошкент гимназиясига, Остроумов ҳузурига борган Фурқат гимназия директори таклифига кўра, ўша шеър билан танишиб, машқ битилган варақка ўз фикрини ёзиб қолдирган: «Ушбу мухаммасни 14 октябрда гимназияда мен ўқуб кўрдум. Шеърнинг қоидасидан тошқори кўрунди. Зокиржон Фурқат».

Бу қисқача баҳодан келиб чиқадиган хулоса шуки, ўзбек тилини пухта билган Наливкин аруз вазнида мухаммас яратмоқчи бўлган ҳаваскор сифатида иш тутган. Аммо бешликлар шаклини сақлаган ҳолда вазн, қофия, образлилик, шеърий интизом талабларини тушуниб улгурмай, ўзича машқ қилган. Фурқат муаллифни ғоят ҳурмат қилгани ҳолда унинг машқига баҳо беришда чинакам ростгўйлик кўрсатган.

Хуллас, Фурқат Тошкентда яшаб, ижод этган йилларда у билан дўстона муносабатда бўлган рус зиёлилари орасида ўша даврнинг илғор фикрли маърифатпарвари сифатида танилган Наливкин ҳам бор эди. Маълумки, Наливкин айниб, меҳнаткаш халқ манфаатларига хиёнат қилган даврларда шоир оламдан ўтган эди.

Фурқатнинг мураккаб тақдирли танишларидан яна бири Николай Петрович Остроумовга келсак, у Қозон Диний академиясининг мусулмонликка қарши миссионерлик бўлими деб аталган бўлимини тугатгач, 1877 йилдан 1917 йилгача Тошкентда хизмат қилган. Февраль революциясидан сўнг барча расмий лавозимларидан олиб ташланган Остроумов туғилган Тамбов губерниясига бориб, бир неча йил яшади ва 1922 йили яна Тошкентга қайтиб, шу ерда 1930 йилнинг 17 ноябрида, 84 ёшида вафот этди.

Фурқат «Аҳволот»ида Остроумов билан 1890 йилнинг 23 мартида исфаралик дўсти Ҳожи Зуҳур ҳамроҳлигида Тошкент Эрлар гимназиясини айланган куни танишганини ёзади. Бу вақтда Остроумов гимназия директори ҳамда «Туркистон вилоятининг газети»да муҳаррир эди. Шоирнинг Остроумов билан алоқалари кўп йилларгача давом этди. Бу алоқалар ғоят мураккаб бўлиб, кўп ҳолларда жуда чигал характерга эгадир. Гап шундаки, Остроумов ўлкадаги энг нуфузли маҳаллий зиёлиларни ўз атрофига тўплаб, улардан Туркистондаги чор маъмуриятининг мавқеини мустаҳкамлаш учун фойдаланмоқчи эди. Лекин объектив равишда шундай бўлиб чиқдики, Остроумов билан алоқа боғлаган бу илғор зиёлилар ўзларига тақдим этилган матбуот минбаридан янги маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилишда, халқ миллий озодлик кураши манфаатларини йўлида фойдаландилар. Фурқат ана шу тараққийпарвар маҳаллий зиёлилар тўдасининг йирик намояндаси эди. Шоир Тошкентда яшаган 1889—1891 йилларда чиндан ҳам Остроумовнинг ёрдами билан кўпгина илмий-маданий муассасаларни кўрди, Туркистонда хизмат қилиб турган илғор фикрли рус зиёлилари билан танишди. Бу ҳол Фурқатнинг рус тили, фани, техникаси, маданиятини эҳтирос билан тарғиб этувчи асарларининг вужудга келишида маълум аҳамиятга молик бўлганлиги шубҳасиздир. Аммо бу ҳамма нарсани ҳал қилди, деб айтиб бўлмайди. Чунки, ўтган асрнинг 90-йилларида мазкур илмий-маданий муассасаларни кўрган, илғор рус зиёлилари билан танишган маҳаллий илм аҳли анчагина эканига қарамай, уларнинг бирортаси ҳам фурқатворий асарлар ярата олган эмас. Шу важдан Фурқатнинг янги типдаги маърифатпарварлик адабиётининг энг йирик намояндаси сифатида улкан тарихий вазифани адо этишида Остроумовнинг хоҳиши-родаси эмас, балки шоирнинг ўз даврининг етук фарзанди сифатидаги юксак ақл-идрок ва истеъдоди, эл-юртга муҳаббати, ўз ижодини порлоқ истиқбол учун кураш мақсадларига бўйсундиролгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Шу муносабат билан Остроумовнинг дунёқараши масаласига ҳам тўхталиб ўтамиз. Туркистонда революциядан олдин кечган бутун қирқ йиллик фаолиятини ўлкада илғор рус маданиятини эмас, балки ўта реакцион христиан ақидаларини ёйишга, шу орқали маҳаллий аҳолини ижтимоий курашдан, революцион фаолиятдан чалғитишга бағишлаган эди. Буни Остроумовнинг ўзи мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 10 йиллиги байрам қилинган 1927 йилнинг ноябрида шундай эътироф этган эди: «Революцияга қадар мен Россия Ўрта Осиёда христиан маданиятини қўллаб-қувватлашга даъват этилган деб ўйлар эдим. 1917 йил революцияси эса бошқа шиорни — христиан маданиятини ер юзидан бутунлай суриб чиқариш ҳамда христианликни марксизм билан алмаштириш шиорини майдонга ташлади. Ижтимоий-табиий цивилизация тарихидаги бу тўнтаришга руслар тушунмаган ёхуд чала тушунган ҳолда ёрдам бердилар...»

Туркистоннинг етук зиёлилари, биринчи навбатда Зокиржон Фурқат, Остроумовнинг бундай реакцион мақсадларига бутунлай зид равишда, жамият тараққиёти учун зарарли ақидаларга эмас, балки инсоният бадиий тафаккурида муҳим ҳодиса бўлган илғор рус маданиятига ихлос қўйдилар, унга интилдилар. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида адабиётимизни янги тараққиёт босқичига кўтарган ноёб маърифатпарварлик асарлари майдонга келдики, уларнинг ижодкори Фурқат эди.

Зокиржон Фурқат чет эллардан йўллаган мактублар мазмунига қараганда, шоир ўзи билан Остроумов ўртасидаги алоқаларни қадрлаган. Бу табиий эди, албатта. Негаки, Фурқат Тошкентда яратган кўпгина нодир асарлар Остроумов редакторлик қилган «Туркистон вилоятининг газети»да босилган, ватандан узоқда яшашга мажбур бўлган йилларида

Охири. Боши журналнинг 7-сонида


Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

ҳам шоир барча прогрессив ўй-фикрларини шу газета орқали ўз юртдошларига етказиш имкониятига эга эди.

Айни вақтда бу мактублар, шунингдек, Остроумов кундаликларидаги Фурқатга оид қайдлар газета муҳаррири билан газетанинг энг фаол авторларидан бири бўлмиш Фурқат ўртасидаги муносабатлар, ботинан силлиқ кўринса ҳам, зоҳиран зиддиятли эканидан, уларнинг муносабатларида кескин нуқталар анчагина бўлганидан далолат беради. Остроумов Фурқатнинг ҳаёт-мамот масаласи билан боғлиқ асосий илтимосларига лоқайд қараганини, аксар ҳолларда бу илтимосномаларга жавоб ҳам бермаганини «Ғурбатда Фурқат» деган мақоламизда айтиб ўтган эдик. Остроумов кундаликларидаги айрим қайдлар Фурқат ҳам газета муҳаррирининг муомаласига яраша муомала қилганини, ўз инсоний ғурурини ҳамиша баланд тутганини кўрсатади. Унда биз 1890 йилнинг 4 октябрь куни ёзилган қуйидаги қайдни ўқиймиз: «Танишим Зокиржон Фурқат ҳали ҳам менинг олдимга келибкетиб юрибди ва мен бераётган садақаларни олаётир. Лекин айни вақтда ўзини пулга ишлайдиган мардикор деб билмаслигини, шунинг учун ҳам шоирлик завқи қўзғагандагина шеър ёзишини писанда қилаётир». Бу таққиромуз қайддан маълум бўлишича, Фурқат ўзининг газетада босилган асарлари учун гонорар олишдан бош тортмагани ҳолда, Остроумовнинг ҳар қандай буюртмасини ҳам бажаравермаслигини шоирона бир назокат, айни вақтда қатъият билан тушунтирган.

Остроумовнинг илмий фаолиятига келсак, у революцияга қадар, ҳатто совет даврида ҳам бир неча китоблар нашр эттирди. Унинг этнографик маълумотларга бой баъзи китоблари маълум илмий қимматга эгаки, В. Бартольд, И Крачковский, С. Ольденбург, В. Розен каби йирик шарқшунос олимлар ўз вақтида уларни жиддий танқид ҳам қилганлар, уларга ижобий баҳо ҳам берганлар. Революциядан олдинги Туркистон маданий ҳаёти масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар ҳозир ҳам Остроумовнинг ўша китобларига мурожаат этиб турадилар. Масаланинг бу томонидан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Лекин Остроумовнинг ўз ибораси билан айтганда, ҳаётининг охиригача «ашаддий монархист ва революциянинг муросасиз душмани» бўлиб қолгани, Туркистондаги мустамлака маъмуриятининг ялоқхўр сифатида ном чиқаргани хусусида кенг тўхталиб ўтмаслик, фаолиятининг бу жиҳатига тегишли баҳо бермаслик мумкин эмас. Остроумов фаолиятининг ана шу етакчи жиҳати унинг асарларида ҳамиша яққол кўринавермайди. Остроумовнинг фаолиятида гўё даврнинг илғор тенденциялари устунлик қилади, деган фикрга мойил баъзи тадқиқотчилар, афсуски, унинг босилиб чиққан асарларидан бошқа қўлёзма ҳолидаги «асар»лари, кўпдан-кўп қайдлари ҳам борлигидан бехабарга ўхшайдилар. Остроумовнинг ички дунёсини, унинг совет тузумига ҳақиқий муносабати қандайлигини билмоқчи бўлган киши албатта Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган материалларни, айниқса, унинг кундалик ва хотираларини, ҳаётининг сўнгги йилларида ёзиб қолдирган «Ҳаётим якунлари» ва «Революция пайтида мен нималарни кўрдим» сарлавҳали қўлёзма асарларини ўрганиб чиқиши зарур. Бу ҳужжатлар Остроумовнинг Туркистонда бир неча ўн йил давом этган фаолиятига баҳо беришда асосий мезон бўлиши керак.

Юқорида зикр этилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Остроумов махфий цензурада ҳам хизмат қилган, чет эллардан Туркистонга келган ва мустамлака маъмурияти шубҳа остига олган кўпдан-кўп нашрлар ҳамда мактубларга шу маъмуриятга ёқадиган тақризлар тайёрлаб берган. Кейинроқ бориб Остроумов Россия Ички ишлар министрлиги полиция департаментининг Туркистондаги «сиёсий ишончсиз» ҳисобланган кишиларнинг бутун фаолияти юзасидан Петербургга атрофлича маълумот бериш ҳақидаги топшириқларини ҳам бажарган. Остроумовнинг шахсий архивида сақланиб қолган Ички ишлар министрлиги полиция департаменти томонидан 1900 йил, 31 декабрда юборилган 13444-рақамли циркуляр шу жиҳатдан эътиборни жалб этади. Унда Туркистонда маҳаллий халқ орасида янги усулдаги мактаблар очиш ҳаракати бошланиб, матбуотда бу ҳақда турли мақолалар эълон қилинаётгани, шу важдан Туркистон бўйича мақола ёзиш, мактаб очиш ва дарс бериш ишида қатнашаётган барча шахслар ҳақида муқаммал материал тўплаб, шахсан Ички ишлар министрига маълум қилиш учун зудлик билан полиция департаментига юбориш вазифаси Остроумовга топширилиши қайд этилади. Туркистонда янги усул мактаблари очиш учун кенг кўламда кураш олиб борган зиёлиларнинг кўпчилиги меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаган илғор фикрли кишилар эканини, улар мустамлака маъмуриятининг таъқиб ва зарбаларига кўп марта дуч келганларини эсласак, Остроумов бу ўринда кимларга чоҳ қазигани ўз-ўзидан аён бўлади.



Фурқатнинг виставка ҳақидаги машҳур асарининг учинчи қисмини академик шоир Ғафур Ғулом электр ҳақидаги шеър деб атаб, буюк маърифатпарвар ўз замонасида шундай илғор фикрларни тарғиб этганидан фахрланиб ёзган эди.

Чиндан ҳам ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаги Туркистон шароитида ташкил этилган виставкада электр ҳосил қилувчи техниканинг намойиш этилиши ва уни Фурқат эҳтиросли мисраларда тасвирлашининг ўзи бир мўъжиза:

Урусидур бу санъат хоҳ фаранги,
Учар нозикшунос одамни ҳанги.
Бу янглиғ кўб тағи нодир ҳунарлар,
Баҳосиға етишмас сийму зарлар.
Чунончи икки фонус аҳли ҳикмат
Ясабдурлар қилиб изҳори санъат.
Ёнар бефилта, бегугурт, беёғ,
Анга бир сим ишорат айлаган чоғ.
Йўқ аммо лампа янглиғ анда соя,
Шуойи боғ аро айлар кифоя.
Эмасдур шамъ, ранги шуъласи оқ,
Латофатда яна андин маҳинроқ.

Тамоша айлаган они халойиқ
Дедилар ҳар на ўз ақлиға лойиқ...
Мени фаҳмимда барқи телегром ул,
Ёнар дору билан бўлганда шом ул.
Нечунким сийм боғлаб бир-бириға,
Стун қўймишлар они ҳар ериға.
Ишорат айласа симни учидин,
Кечур барқ онда дорунинг кучидин.
Кўруб санъат бу янглиғ ҳайрат ойин,
Қўлин тишлаб халойиқ қилди таҳсин,
Ажаб санъатки бу дунёда камдур,
Вужуда келса ҳам ижода камдур.

Бахтли тасодифни қарангки, оташқалб шоиримизни бу қадар илҳомлантирган Туркистондаги ўша дастлабки электр чироғи замонасининг моҳир фотографи Е. Капелян томонидан суратга олиниб, келгуси авлодлар учун сақлаб қўйилган экан. Суратқаш 1890 йилги Туркистон виставкасидан бир неча фотосуратлар олганида виставканинг қишлоқ хўжалик асбоблари павильони ёнида кичик движок ёрдамида ишлаб турган ана шу электр чироқлари ва симёғочларни ҳам бир йўла тарих учун нақшлаб қолдирган.

Революциядан олдинги нодир альбомлардан бирида сақланиб қолган бу сурат журналхонлар эътиборига биринчи марта ҳавола этилмоқда. Сурат Фурқатнинг табаррук нигоҳи тушган бошқа кўп нарсаларни ҳам тасаввур этишга ёрдам беради.

Остроумов 1905 йил революциясига ҳам, XX асрдаги жаҳоннинг энг буюк воқеаси бўлмиш Октябрь революциясига ҳам ашаддий душманлик билан муносабатда бўлганини кўрсатувчи бир қанча ҳужжатлар унинг шахсий архивида сақланиб турибди.

«Революция пайтида мен нималарни кўрдим» сарлавҳали қўлёзмада Остроумов революция шаънига туҳмат ёғдириш билангина чекланмай, янги социалистик тузум барбод бўлади, деб чет эллардаги энг разил ғоявий душманларимиз қаторида «башорат» қилади. Мана ўша сатрлар: «Мен йиртқичлашиб кетган рус солдатлари ва айниқса, денгизчилари ҳақида гапиришга журъат этмайман, чунки бу йиртқичликларни баён қилишга ожизман... Бу йиллар рус халқ исёнининг даҳшатли йиллари эди... Революциянинг дастлабки йилларида (1917—1922 йиллар) Тамбов губерниясида яшарканман, худо яратган православ халқининг йиртқичликлари тўғрисидаги газета хабарларини йиғиб борган эдим, бироқ йиғилган ва қоғозларга ёпиштирилган газета парчаларини қамалиш ва зах ертўлага ташланиш хавфидан қўрқиб йўқ қилиб (ёқиб) ташлашга мажбур бўлдим... Бўлажак улуғ Россия қонсиз революциясининг тарихчиси ҳозирги революциянинг дастлабки йилларида рўй берган барча ёвузликлар ва даҳшатлар ҳақида ҳатто тахминан ҳам ҳикоя қилиб бериш имконига эга бўлмайди. Бу революцияда православ мужик бир ёки бир неча кун ичида энг қўпол, энг сурбет, энг шаккок йиртқичга айланиб кетди».

Остроумовнинг буюк социалистик революциямизга муносабати ана шундай. Эҳтимол, муҳтарам журналхонда, Остроумов бу гапларни революциянинг дастлабки вақтларида, жаҳл устида ёзган бўлса, кейинчалик совет воқелиги таъсирида ўша фикрларидан қайтгандир, деган мулоҳаза туғилиши мумкин. Йўқ, асло! Биз сўз юритаётган қўлёзма Остроумов вафотидан ўн бир ойгина илгари, яъни 1929 йилнинг декабрида ёзилган. Шу тариқа Остроумов ҳаётининг охиригача революция ишининг, революцион ғояларимизнинг энг ашаддий, энг сурбет душмани бўлиб қолдики, унинг бутун фаолиятига баҳо беришда ана шу жиҳатга таянмай иш тутиб бўлмайди.

Фурқат ва рус зиёлилари ҳақида гап борар экан, айрим тадқиқотчилар бу соҳада йўл қўйган баъзи чалкашликларга аниқлик киритиб ўтишга тўғри келади. Масалан, Фурқат ва унинг рус танишларидан баъзилари ҳақида архив материаллари асосида ғоят қизиқарли фикрлар баён қилган йирик тарихчи олим Б. Лунин шоирнинг машҳур шарқшунос А. Самойлович билан муносабатлари ҳақида фикр юрита туриб, ачинарли бир чалкашликка йўл қўяди. У рус тилида нашр этилган «Буюк дўстлик сарчашмаларида» китобида бундай деб ёзади: «Таниқли рус шарқшуноси Александр Николаевич Самойлович (1880—1938) «қўқонлик шоир Зокиржон Фурқат» билан ўзининг дўстона муносабатларини қайд этган. Самойловичнинг Ўрта Осиё адабиёти асарлари билан танишувида Фурқат унга ёрдам берган».

Лекин мавжуд ҳужжатларни синчиклаб ўрганилса, Б. Луниннинг юқоридаги фикрларига жиддий шубҳа туғилади. Негаки, Александр Николаевич Самойлович Фурқат чет элга жўнаб кетган 1891 йил, 14 майда ҳали ўн ярим ёшга ҳам бормаган болакай, отаси директорлик қилаётган Нижний Новгород гимназиясининг тайёрлов синфидагина ўқимоқда эди. Ундан ташқари, Самойлович 1902 йилдагина Ўрта Осиёга биринчи марта келган. Фурқат Нижний Новгород томонга, Самойлович эса Ёркентга умуман бормаганлигини ҳам қўшимча қилсак, бу икки йирик шахс бир-бири билан умуман кўришмагани, Самойловичнинг Ўрта Осиё адабиёти билан танишувида Фурқат унга ёрдам бера олмагани маълум бўлади.

Аслида Самойлович Ўрта Осиёга келган 1902, 1906, 1908 ва 1916 йилларда Фурқатнинг дўстлари билан учрашган, шу дўстлар ёрдамида унинг асарлари билан танишган, Туркистон ўқитувчилар семинарийсининг ўзбек ва форс тиллари ўқитувчиси Сайид Камолхондан Фурқатнинг Истанбулдан Тошкентга ёзилган машҳур шеърий мактуби —«Сабоға хитоб»нинг дастхат нусхасини олишга муваффақ бўлган. 1909 йили мактубни тегишли изоҳлар билан нашр эттирган. Самойловичнинг туркистонлик тараққийпарвар зиёлилар билан бевосита алоқалари ҳақида гапирганда, бой архив материалларига таянниб, унинг машҳур демократ шоир Муқимий, таниқли маърифат фидойиси Сайидрасул Сайидазизов билан дўст ва қадрдон бўлгани хусусида анчагина қизиқарли фактларни келтириш мумкин. Бироқ унинг Фурқат билан, Б. Лунин айтганидек, бевосита муносабатда бўлганини кўрсатувчи материаллар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

ФУРҚАТ Тошкентда дўстлашган ва ҳаётининг охирига қадар катта эҳтиром сақлаган рус кишиларининг кўпчилиги оға миллатнинг илғор намояндалари сифатида қалб амри билан Россиянинг қолоқ чекка ўлкасига келган ажойиб тақдирли кишилар эди. Улар

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Беруний мукофоти лауреати

«ГРАЖДАН БЎЛМОҒИНГ ДАРКОР...»

ҲАЁТДА ҳамма нарса доимий ҳаракатда, ўзгаришда... Адабиёт ҳам бундан мустасно эмас. Замонлар ўтиб, мавжуд жанрлар ўрнини бошқалари эгаллаши мумкин. Бугун машҳур мавзулар эскириб, янгилари майдонга келади. Асарлардан асарларга кўчиб юрувчи бир тоифа қаҳрамонлар ўрнини бошқа қаҳрамонларга бўшатиб беради. Сўз санъаткорлари теша тегмаган янги тасвир усулларини кашф этадилар. Ҳаётга янгича қарашлар, воқеликка янгича муносабатлар пайдо бўлиши мумкин. Буларнинг бари мутлақо қонуний ва зарурий бир ҳол. Лекин шундай бўлса-да, чинакам адабиётда, улуғ ва илғор адабиётда бир хислат борки, у вақт ҳукмига тобе эмас. Замонлар айланиши билан бу хислат йўқолиб кетмайди, билъакс, борган сари муқимроқ, собитроқ, мукаммалроқ бўла боради. Бу — адабиётдаги гражданлик руҳидир. Биз мақоламизга сарлавҳа қилиб олган машҳур ибора буюк рус шоири Н. А. Некрасовга мансуб. У гражданликни шоирликдан юқори қўйиб, уни ижодининг асосий принципи қилиб олган ва ўтган асрдаёқ гражданлик байроғини мислсиз юксакликка кўтарган сўз санъаткори эди. Унинг ижоди қалам билан, сўз санъати билан халққа хизмат қилишнинг, халқ дардини шеъриятга сингдиришнинг ажойиб намунаси бўлди. Бироқ адабиётдаги гражданлик принципини Некрасов кашф этди, десак унча тўғри бўлмасди. Бу принцип адабиётда азалдан мавжуд. Адабиёт туғилиб, вояга етиб, жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир ўтказа оладиган реал кучга айлангандан бери «Адабиёт нима? У кимга хизмат қилади? Қандай мақсадлар учун яшайди?», деган масала атрофида тинимсиз кураш кетади. Бу масалага икки хил жавоб бор: адабиёт оддий, тўпори ҳаётдан устун туради, у фақат ўзи учун яшайди, фақат санъаткор шахсиятини ифодалашга хизмат қилади. Бу — бир жавоб. Иккинчи жавоб эса бунинг акси: адабиёт ҳаётнинг инъикоси, у ижтимоий ривожланиш қуроли. У халққа хизмат этади. Адабиёт инсонни баркамол ва гўзал қилиш учун чолишади. Жаҳон адабиёти тарихида ўтган буюк санъаткорларнинг ҳаммаси ана шу иккинчи ақидага амал қилган. Улар орасида асарларида даврининг илғор ғояларини акс эттирмаган ва шу йўл билан халқ манфаатига, ижтимоий тараққиёт манфаатига ўзини бағишламаган бирорта зотни учратмайсиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам, албатта, ўз иқтидорига, дунёқарашига, давр тақозосига кўра ҳар хил даражада ва ҳар хил шаклларда зулм ва ёвузлик, эрксизлик ва адолатсизлик, разиллик ва худбинлик, жаҳолат ва нодонликни қоралаган, яхшилик, олижаноблик, виждонийлик, тенглик ва қардошлик, эрк ва адолатни улуғлаган. Улар шу буюк умумбашарий идеаллар учун эҳтирос билан курашишни ижоднинг бош мақсади деб билганлар.

Совет ёзувчилари инсоният томонидан яратилган жамики маънавий бойликлар қаторида ана шу буюк принципга ҳам ворис бўлдилар ва ўзларининг ижодларида унга изчиллик билан амал қилиб келмоқдалар. Бу ўринда социалистик жамият адабиётининг янги типдаги адабиёт эканини, совет ёзувчисининг янги типдаги ёзувчи эканини алоҳида таъкидлаш керак. В. И. Ленин 1905 йилдаёқ бу адабиётнинг эркин адабиёт бўлишини, чунки у манфаат ва мансабпарастликка эмас, социализм ғояларига ва меҳнаткаш халққа ҳамдардликка асосланиб иш тутишини, мамлакатнинг гулини, кучини, истиқболини ташкил қилувчи миллионлаб, ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилажагини уқтирган эди. Совет ёзувчисининг янги типдаги ёзувчилиги шунда кўринадики, у худбинлик ва манманлик кишанларидан холи, у бутун ижодини янги жамият қураётган халқ манфаатларига бўйсундиради, унинг ўзи ҳам коммунистик қурилишнинг фаол иштирокчиси — шу улуғ мақсад йўлида қалами билан ҳам, ижтимоий фаолияти билан ҳам маҳаллий халқнинг жаҳолатда, қолоқликда сақланиб келинаётганлигига қарши дадил кураш бошлаб, бу ўлкада оддий кишиларнинг кўзини очиш, уларни даврнинг катта ижтимоий-сиёсий воқеаларига тайёрлашдек тарихий вазифани адо этишга ҳаётларини бағишладилар. Шу мақсадда Туркистонда янги типдаги мактаблар очиш, бу мактабларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш улар учун дарслик ва қўлланмалар яратиш, маҳаллий аҳоли фарзандларини мактабларга тобора кўпроқ тортиш йўлида фидойилик кўрсатдилар.

Бундан ҳам муҳимроғи, бир томондан, маҳаллий халқ орасида қудратли рус тили, илғор рус фани, техникаси, адабиёти ва санъатини кенг ёйиш, иккинчи томондан эса, Туркистонда яшайдиган ўзбек, тожик, қирғиз, туркман ва бошқа халқларнинг тили, урф-одати, тарихи, этнографияси, маданиятини тобора чуқурроқ ўрганиш орқали Россия ҳамда Туркистон халқлари ўртасида пайдо қилинган дўстона муносабатлар сарчашмаларида турдилар.


Зокиржон Фурқатнинг ўзбек маърифатпарварлик адабиётида бутунлай янги босқич бўлган завол билмас асарлари, Сайидрасул Сайидазизовнинг Туркистон тарихида биринчи босма дарслиги ана шу рус дўстларнинг бевосита ёрдами ва иштирокида майдонга келган бўлса, ўлкада рус тили ўқитишнинг ибтидосидан асримизнинг 10-йилларигача кечган бир неча босқичида ўзбек маърифатпарварлари — Сатторхон Абдуғаффоров ва Жўрабек Қаландар қори ўғли (XIX асрнинг 70-йиллари), Шарифхўжа Пошшахўжа ўғли ва Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли (80- ва 90-йиллар), Эшонхўжа Маҳмудхўжа ўғли ва Хўжахон аълам (1900-йиллар ва асримизнинг 10-йиллари) ана шу рус маърифатпарварларининг ёрдами билан ўз замонаси учун бемисл жасорат кўрсатдиларки, бу алоҳида тадқиқотнинг мавзуидир.

Тарихий шароит ва истиқбол манфаатлари тақозо қилган ана шу улкан ишларни амалга оширишда рус ва ўзбек маърифатпарварлари баҳамжиҳат, ҳаммаслак, бири-бирларига устоз, бири-бирларига шогирд бўлдилар.

Туркистон ўлкасига демократик ғояларнинг кириб келишига барча йўллар билан тўсқинлик қилган мустамлака маъмурлари, маҳаллий амалдорлар илғор рус ва ўзбек маърифатпарварларининг дўстлигидан қаттиқ ғазабланган эдиларки, бу дарғазаблик турли шаклларда ўзини кўрсатди. Аввало, янги типдаги ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг асосчиси, рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг оташин тарғиботчиси Фурқат ўз ватанидан абадий жудо қилинди. Унинг рус дўстлари С. Граменицкий, Г. Митропольский, В. Степанов, М. Лютов, Е. Градусов ва бошқалар таъқиб, маҳрумликларга дучор этилдилар.

Бироқ ҳар икки халқнинг ёрқин келажагини кўзлаб вобаста қилинган дўстлик иплари ҳар қандай ҳамларга бардош берадиган даражада мустаҳкам эди. Шу сабабли ҳам Фурқатнинг таъқиб ва маҳрумликларга дучор этилган рус дўстлари ҳамиша шоирнинг аҳволидан, ишларидан воқиф бўлиб турдилар, ҳатто юрти билан хат алоқалари узилиб қолган энг оғир йилларда ҳам барча тўсиқлардан ўтиб, Ёркентга, унинг ҳузурига бориш иложини топдилар. Тошкентда, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида яшаган бу дўстлар Фурқатни ватанжудоликдан қутқариш, ўз юртида шу юрт истиқболи учун курашиш бахтига муяссар қилишнинг кўпдан-кўп режаларини тузадилар. Бироқ биринчи рус революциясидан сўнг реакция айниқса қутурган йиллардаги ғоят танг сиёсий вазият бу режаларнинг амалга ошишига имкон бермади.

Фурқат ва унинг рус дўстлари қўли билан пойдевори тикланган муҳташам дўстлик биносига янги-янги авлодлар алоҳида меҳру ихлос билан зеб бермоқдалар.



1890 йилги Туркистон қишлоқ хўжалик ва саноат виставкасида қадимий Шарқ қўлёзмалари намойиш этилганлиги ўша давр матбуотидан маълум эди. Фурқатнинг Мирзо Абдулла Бухорий, Мирзо Абдулла Исамуҳамедов, Шарифхўжа Пошшахўжаев, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаев сингари ажойиб маърифатпарвар дўстлари беш-олти асрлик нодир китобларни намойиш қилиб, виставканинг олтин ва кумуш медалларига, фахрий ёрлиқларига сазовор бўлганликларини ҳам архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Ўтган асрдан сақланиб қолган нодир альбомларни кўздан кечирар эканмиз, виставкада Шарқ қўлёзмаларини намойиш этиш учун қурилган махсус павильон биноси суратига дуч келдик. Ҳозирги кишиларда катта қизиқиш уйғотадиган қадимий Шарқ услубидаги павильон биносини ҳам Е. Капелян суратга олган.

хизмат қилади. Биз гражданликнинг юксак намуналарини кўрсатган юзлаб, минглаб совет ёзувчиларининг номини ифтихор билан тилга олишимиз мумкин. Улар ҳарб майдонларида ҳам, тинч қурилиш жабҳаларида ҳам ҳамиша олдинги сафларда бўлдилар ва эҳтиросли, оташин сўз билан халқни доимо ғалабаларга илҳомлантирдилар. Ўзбек адабиётидангина мисол келтирадиган бўлсак, Ҳамза Ҳакимзода ва Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода ва Миртемир каби ажойиб номларни эслаш керакки, улар сўз санъати орқали халқнинг энг юксак, энг инсоний идеалларига хизмат қилиш бобида доимий ўрнак бўлиб қоладилар.

Бизнинг кунларимизда ҳаётнинг ўзи адабиётимизнинг ана шу синалган муқаддас принципини янада баландроқ тутишни тақозо қилмоқда. Ҳозирги пайтда — дунё капитализм ва социализм лагерларига ажралган, улар ўртасида жуда кескин мафкуравий кураш кетаётган, икки хил ҳаёт тарзи — капиталистик ва социалистик ҳаёт тарзи бир-бирига зид турган шароитда, капитал дунёсининг корчалонлари дунё бошига ўлим таҳликасини солиб турган, социализм дунёси эса уларга қарама-қарши ўлароқ эркинлик, тенглик, адолат, ҳақиқатни барқарор этиш учун аямай куч сарфлаётган ғоят мураккаб бир шароитда ҳақиқий санъаткор бетараф, лоқайд кузатувчи, бефарқ томошабин мавқеида тура олмайди. XX асрнинг энг улкан ғоявий муҳорабасида ҳар бир чинакам санъаткор тинчлик ва ижтимоий тараққиёт идеалларини барқарор этиш учун фаол курашмоғи даркор. Социализмнинг том маънодаги гуманистик ғоялари тантанаси учун қизғин чолишмоқ ҳар бир ёзувчининг муқаддас бурчидир. Бу эса адабиётда гражданлик руҳини янада баландроқ пардаларда барқарор қилиб қолдилар ва халқнинг беш йиллик планларни амалга оширишдек улуғвор ишига, пахтакорларнинг сермашаққат меҳнатига конкрет ёрдам бера бошладилар. Мана, бир неча йилдирки, ерни тайёрлаш ва экиш кампаниясида ҳам, пахтага ишлов бериш вақтида ҳам, терим палласида ҳам ёзувчилар пахта далаларини кезиб, меҳнат қаҳрамонлари ҳақида очерклар ёзадилар. Бу очерклар, лавҳалар, репортажлар шунчаки пахтакор меҳнатига ўқилган мадҳия, ёхуд пахтакор шаънига айтилган мақтов эмас. Уларда халқ тажрибаси, пахтакор меҳнатидаги янгиликлар умумлаштирилади, камчиликлар танқид қилинади, долзарб муаммолар ўртага ташланади. Ёзувчиларнинг бу ишлари ҳар йили бири биридан баланд пахта хирмонларини барпо этишга ёрдам беришдан ташқари, уларнинг ўзи учун ҳам янгидан-янги ҳаётий материал беради, қалбларида янги-янги ижодий режалар уйғотади.

Ёзувчилар фақат бу йўл билан эмас, очерклар ва публицистик мақолаларда бугунги куннинг ҳал қилинмаган муаммоларини кўтариб чиқиш, унга жамоатчиликнинг диққатини қаратиш йўли билан ҳам гражданлик бурчини ўтамоқдалар. Бу ўринда Н. Сафаров ва Ш. Убайдуллаевнинг рекордбозлик иллатига қарши қаратилган ёхуд Э. Усмоновнинг табиат муҳофазасига бағишланган очеркларини, О. Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи» деб аталган теран фикрларга, ўйларга бой асарини тилга олиш керак. Улар билан бирга кекса журналист, жангчи-ёзувчи Адҳам Раҳматнинг ғоят хайрли ишини ҳам таъкидлаш лозим. Адҳам Раҳмат 35 йилдан бери бутун кучини фашизмга қарши жанг қилган ўзбек баҳодирларининг шуҳратини тикловчи асарлар яратишга бағишлаб келмоқда. У яратган 35 китобдаги очеркларда кўпгина номаълум қаҳрамонларнинг шарафли номлари тикланган, жасурлик ва матонатга тўла ишлари ҳикоя қилинган. Бу ҳикояларнинг ҳар қайсиси қанчадан-қанча изланишлар, узоқ сафарлар, оғир ижодий машаққатлар эвазига туғилган. Бу борада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг фаолияти ҳам алоҳида таъкидланиши лозим. Мен унинг қора тупроқли бўлмаган ерларни ўзлаштиришда жонбозлик билан меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳақидаги бир қанча очеркларини назарда тутаётирман. Иброҳим Раҳим вақтини, қувватини аямай, бир неча дафъа қора тупроқли бўлмаган ўлкага бориб, у ердаги одамлар ва улкан ишлар билан яқиндан танишиб, халқлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи, одамларимизнинг маънавий баркамоллигини улуғловчи асарлар яратди.

Булар ва яна бошқа кўпгина мисоллар бугун ҳам ўзбек ёзувчилари халқ билан ҳамдил, ҳамнафас яшаётганидан, халқ ишига сидқидилдан хизмат қилаётганидан далолат беради.

Фақат очерклар ёхуд публицистик мақолаларгина эмас, сўнгги йилларда яратилган роман ва қиссалар, шеърлар ва достонлар, ҳикоялар ва драмаларнинг ҳам кўпчилиги чуқур гражданлик руҳи билан суғорилган.

1976 йилдан бери ўзбек ёзувчилари йигирмадан ортиқ роман, кўплаб қисса ва ҳикоялар яратдилар. Бу факт ўзбек ёзувчиларининг ижодий фаоллигидан далолат беради. Мазкур асарлар ҳар хил мавзуларда, ҳар хил услубларда яратилган бўлса-да, ёзувчиларимиз бугунги кунда муҳим аҳамиятга молик фикрларни айтишга интилганлар. Мана, масалан, К. Яшиннинг «Ҳамза», Ҳ. Ғуломнинг «Мангулик» каби романларини ёхуд А. Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари» қиссасини олиб кўрайлик. Булар тарихий-революцион мавзудаги асарлардир. Уларнинг ҳар қайсисида авторлар ўз олдиларига айрича ижодий вазифалар қўйиб, ўз иқтидорларига яраша ҳал қилганлар. Лекин шу уч асарни бирлаштириб турадиган жиҳатлар ҳам бор. Маълумки, чет эллик мухолифларимиз совет Шарқига социалистик революция экспорт қилинган, деб лоф урадилар. Бу уч асар ана шундай туҳматларни бой ҳаётий материал асосида, одамлар тақдири орқали фош этади. Яшин Ҳамза босиб ўтган алангали йўлларни кўрсатар экан, XX аср бошларида Туркистонда революцион зиддиятлар кескинлашганини ва улар портлашга олиб келиши муқаррар эканини тасвирлайди.

«Бухоронинг жинкўчалари»да ёзувчининг диққат марказида ёш Файзулла Хўжаевнинг изтиробли изланишлари, ҳақиқат йўлини қидириши туради. Лекин шундай бўлса-да, ёзувчи Файзуллани Бухоронинг жинкўчаларидан катта инқилоб йўлига олиб чиққан омилни моҳирлик билан очган. Бу омил — бутун Бухоро музофотидаги ҳаётни жунбушга келтирган революцион вазият. У — ҳаётнинг ичичида, пичоқ суягига қадалган одамларнинг қалбида, орзу-умидларида, келажакка талпинишларида.

Учала асар ҳам бадиий мантиқ ёрдамида Ўрта Осиёдаги ҳаётнинг ўзида, ички зиддиятлар туфайли революцион вазият пишиб етилганини исботлайди. Бу эса шу асарлардаги гражданлик руҳини кўрсатувчи, уларни бугунги кун билан боғловчи жиҳатлардан биридир.

Табиийки, замонавий мавзуларда ёзилган асарларда ҳам гражданлик руҳи етакчи мавқе тутиши лозим. Бунда асардаги гражданлик руҳини таъминлайдиган энг муҳим омил шундаки, социалистик жамиятнинг жамики афзалликлари, совет халқига келтирган буюк неъматлари, совет кишиларининг улуғворлиги асарларимизда рўй-рост тасвирланиши лозим. Бу жиҳатдан республикамиз босиб ўтган тарихий йўл ҳам, унинг бугунги ҳаёти ҳам ёзувчига битмас-туганмас материал беради. «Кўз ўнгимизда қандай воқеалар содир бўлаётганига қаранг,— деб ёзади ўртоқ Л. И. Брежнев «Қўриқ» асарида.— Жуда катта омма жойларини ўзгартирмоқда, кўп миллатли коллективлар майдонга келмоқда, янги оилалар туғилмоқда, характерлар тобланмоқда, давримиз қаҳрамонлари чиниқмоқда... Жамики ҳаёт тарзи ўзгармоқда, одамларда янги психология туғилмоқда. Содир бўлаётган ҳодисаларнинг улуғворлиги ва драматизми нақотки ҳақиқий санъаткорни ҳаяжонга солмаса!»

Сўнгги йилларда яратилган бир қанча асарларда воқелигимиздаги ана шу улуғвор, драматизмга тўла воқеалар, давримизнинг асл қаҳрамонлари, маълум даражада бўлсада, ўз ифодасини топди. Бу ўринда мен, биринчи навбатда, О. Ёқубовнинг «Диёнат», Ў. Усмоновнинг «Гирдоб» романларини кўзда тутаётирман.

«Диёнат»— қамрови кенг асар. Унинг марказида колхоз раиси Отакўзининг характери турса-да, ёзувчи бугунги ўзбек қишлоғининг мураккаб, кўп қатламли манзарасини тўла қамраб олишга интилган. Ёзувчи кескин ҳаётий зиддиятларни қаламга олишдан чўчимайди. У ҳаётга анча теран қарайди. О. Ёқубов илғор пахтакорлар, колхоз арбоблари образини чизар экан, уларга фақат ишлаб чиқаришда эришган кўрсаткичларга қараб ёндашмайди, балки бугун том маънода илғор одам бўлиш учун энг юксак маънавий талабларга жавоб бериш лозимлигини таъкидлайди.

Ў. Усмонов ҳам ўз романида ҳаётимиздаги энг муҳим масалаларга эътибор берган. Унинг қаҳрамонлари олимлар, селекционерлар. Улар пахтанинг янги, бақувват, тезпишар навлари устида иш олиб борадилар. Бироқ бу соҳадаги ишлар ҳам осон кўчмайди — улар кескин тўқнашувлар, муросасиз кураш жараёнида кечади. Бу курашнинг бир қутбида — нопок, виждон амрига бўйсунмайдиган, ўз манфаати йўлида бошқаларни қурбон қилишдан тоймайдиган худбин кучлар турса, иккинчи қутбида — ҳалол ва пок, виждонли одамлар туради. Ў. Усмонов ҳаётнинг ҳар қандай қолиплардан, схемалардан юқори туришини, кутилмаган зиддиятларга тўла эканини яхши билади. Бу эса унинг асарига теран бир ҳаётийлик бахш этган.

Гражданлик руҳи ўзбек қиссачилигида ҳам турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Албатта, бу мақолада сўнгги тўрт-беш йил ичида яратилган кўплаб қиссаларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш эмас, номларини санаб чиқиш ҳам мушкул. Шу сабабли бир-икки қисса ҳақида мулоҳаза билдириш билан чекланамиз. Кўп жиҳатдан менга маъқул бўлган қиссалардан бири Э. Аъзамовнинг «Отойининг туғилган йили» қиссасидир. Ўзига хос услубда, пишиқ, рангдор тил билан ёзилган бу асар зўр эҳтирос билан мешчанлик психологиясини фош қилади. Унинг бош қаҳрамони ўзига хос исёнкор шахс — у ўз тенгқурлари орасида тарқаган ҳаётга истеъмолчилик позициясидан қараш касалини ёқтирмайди, ҳар қадамда унга қарши чиқади, ҳақиқатгўйлиги туфайли кўпчилик билан тўқнашувга мажбур бўлади. Лекин ҳақиқатгўйлиги унинг бошига қандай кулфатлар келтирмасин, у ўз қарашларидан чекинмайди. Майли, ҳали унинг қураши, мешчанлик ва худбинликни инкор қилиши анча жўн бўлсин; майли, ҳали унинг характерида анчагина анойи-соддалик бўлсин, лекин унинг қалби тоза. У виждонли яшашнигина чин ҳаёт деб билади.

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси ҳам аллақандай тиниқлиги билан кишини мафтун этади. Адиб қишлоқ ҳаётини яхши билади, унинг ҳикоясига ишонасан, киши. Бироқ қиссанинг қиммати, баъзи танқидчилар айтганидек, ўзбек миллий урф-одатларини, кураш манзараларини, унинг тартиб-қоидаларини мукаммал тасвирлаб берганида эмас. Менингча, қиссага алоҳида ҳаётийлик ва жозиба бахш этган нарса шундаки, автор оддий одамлар қалбидаги инсоний ғурурнинг, кенгликнинг, мардликнинг гўзаллигини яхши ифодалаган. Қиссани ўқиб, ундаги қийинчиликлардан тап тортмайдиган, ҳар нарсадан номус-орни юқори қўядиган, виждон амри билан яшайдиган одамларни беихтиёр севиб қоласан.

М. Муҳаммаддўстнинг «Чоллардан бири» деб аталган қиссаси ҳам китобхонда яхши таассурот қолдиради. Бу ёзувчи ҳам қишлоқ ҳаётини бутун тафсилотлари билан яхши билади. У ўз қаҳрамонини севади ва бу севгисини китобхондан яширмайди. Ўйлайманки, қисса қаҳрамони Мустафо чол ўзига хос характери билан адабиётимиз аҳолисини бойитадиган образдир. Қисса мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Айрим танқидчилар Мустафо чол образини нуқсонли, кемтик, мажруҳ характер сифатида баҳоламоқдалар. Жумладан, У. Нормотов «Социалистик реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараён» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1980 йил, 5-сон) Мустафо чол образининг моҳиятини хокисорликда кўради, уни тақлидчилик меваси деб ҳисоблайди, «бугунги кунда Мустафо типидаги ўта хокисор, оми, муте бир одамни ҳар жиҳатдан «эзгулик, ҳалолликнинг рамзи», деб бўлармикан?», дея савол қўяди ва унга рад жавобини беради. Биринчи қарашда, танқидчи ҳақдек кўринади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, масала бир оз бошқачароқ. Қиссада муаллиф Мустафонинг қолоқлиги, омилигини оқламайди, уни тарғиб ҳам қилмайди. Аксинча, шу «қолоқ»лиги ёки омилигига қарамай, унда ҳам кўпгина олижаноб сифатлар борлигини кўради ва бундан қу-

Хўш, ҳозирги пайтда ёзувчининг гражданлигини қандай тушуниш керак? У қай тарзда намоён бўлади? Бу саволга жавоб беришдан аввал шуни айтиш керакки, маълум даврларда гражданликни тушуниш ва талқин қилишда бизда бир томонлама қарашлар ҳукм сурган. Бу қарашларга кўра, гражданлик фақат сиёсий-публицистик характердаги асарларгагина хос. Санъаткор ватанни улуғлагандагина ёхуд коммунистик идеалларни тараннум этгандагина унинг гражданлик позицияси намоён бўлади. Кўриниб турибдики, гражданликнинг бундай талқини адабиётнинг имкониятларини чеклаб қўяди, уни сунъий равишда «гражданлик» адабиёти ва «ногражданлик» адабиёти деб ажратишга олиб келади. Бундай талқин зимдан адабиётдаги декларативлик, баландпарвозлик, мадҳиябозликни оқлашга ҳам олиб келади. Ҳолбуки, адабиётдаги гражданликнинг моҳияти бошқачароқ. У хилма-хил шаклларда, ҳар хил жанрлардаги асарларда, турли-туман ғоявий мазмунни ифодаловчи асарларда ҳам намоён бўлади. «Правда» газетасининг ўтган йил 23 декабрь сонидаги бош мақоласида санъаткорнинг гражданлиги жуда аниқ ва тўғри таърифланди. «Совет санъаткорининг гражданлиги,— дейилади мақолада,— даставвал, унинг асарларининг характерида, пафосида, гуманизм, ижтимоий адолат идеалларини, коммунистик маънавият принципларини барқарор этувчи ижодининг ғоявий йўналишида намоён бўлади».

Ўзбек ёзувчилари сўнгги йилларда ҳам гражданлик принципига изчиллик билан амал қилган ҳолда самарали ижод этдилар. Аввало, шуни айтиш керакки, бу йилларда ўзбек ёзувчиларининг гражданлик туйғулари янги-янги шаклларда намоён бўла бошлади. Улар республикамизнинг жўшқин ҳаётига янада яқинроқ бўлиб қолдилар ва халқнинг беш йиллик планларни амалга оширишдек улуғвор ишига, пахтакорларнинг сермашаққат меҳнатига конкрет ёрдам бера бошладилар. Мана, бир неча йилдирки, ерни тайёрлаш ва экиш кампаниясида ҳам, пахтага ишлов бериш вақтида ҳам, терим палласида ҳам ёзувчилар пахта далаларини кезиб, меҳнат қаҳрамонлари ҳақида очерклар ёзадилар. Бу очерклар, лавҳалар, репортажлар шунчаки пахтакор меҳнатига ўқилган мадҳия, ёхуд пахтакор шаънига айтилган мақтов эмас. Уларда халқ тажрибаси, пахтакор меҳнатидаги янгиликлар умумлаштирилади, камчиликлар танқид қилинади, долзарб муаммолар ўртага ташланади. Ёзувчиларнинг бу ишлари ҳар йили бири биридан баланд пахта хирмонларини барпо этишга ёрдам беришдан ташқари, уларнинг ўзи учун ҳам янгидан-янги ҳаётий материал беради, қалбларида янги-янги ижодий режалар уйғотади.

Ёзувчилар фақат бу йўл билан эмас, очерклар ва публицистик мақолаларда бугунги куннинг ҳал қилинмаган муаммоларини кўтариб чиқиш, унга жамоатчиликнинг диққатини қаратиш йўли билан ҳам гражданлик бурчини ўтамоқдалар. Бу ўринда Н. Сафаров ва Ш. Убайдуллаевнинг рекордбозлик иллатига қарши қаратилган ёхуд Э. Усмоновнинг табиат муҳофазасига бағишланган очеркларини, О. Ёқубовнинг «Фарзандлар бурчи» деб аталган теран фикрларга, ўйларга бой асарини тилга олиш керак. Улар билан бирга кекса журналист, жангчи-ёзувчи Адҳам Раҳматнинг ғоят хайрли ишини ҳам таъкидлаш лозим. Адҳам Раҳмат 35 йилдан бери бутун кучини фашизмга қарши жанг қилган ўзбек баҳодирларининг шуҳратини тикловчи асарлар яратишга бағишлаб келмоқда. У яратган 35 китобдаги очеркларда кўпгина номаълум қаҳрамонларнинг шарафли номлари тикланган, жасурлик ва матонатга тўла ишлари ҳикоя қилинган. Бу ҳикояларнинг ҳар қайсиси қанчадан-қанча изланишлар, узоқ сафарлар, оғир ижодий машаққатлар эвазига туғилган. Бу борада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг фаолияти ҳам алоҳида таъкидланиши лозим. Мен унинг қора тупроқли бўлмаган ерларни ўзлаштиришда жонбозлик билан меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар ҳақидаги бир қанча очеркларини назарда тутаётирман. Иброҳим Раҳим вақтини, қувватини аямай, бир неча дафъа қора тупроқли бўлмаган ўлкага бориб, у ердаги одамлар ва улкан ишлар билан яқиндан танишиб, халқлар ўртасидаги дўстликни мадҳ этувчи, одамларимизнинг маънавий баркамоллигини улуғловчи асарлар яратди.

Булар ва яна бошқа кўпгина мисоллар бугун ҳам ўзбек ёзувчилари халқ билан ҳамдил, ҳамнафас яшаётганидан, халқ ишига сидқидилдан хизмат қилаётганидан далолат беради.

Фақат очерклар ёхуд публицистик мақолаларгина эмас, сўнгги йилларда яратилган роман ва қиссалар, шеърлар ва достонлар, ҳикоялар ва драмаларнинг ҳам кўпчилиги чуқур гражданлик руҳи билан суғорилган.

1976 йилдан бери ўзбек ёзувчилари йигирмадан ортиқ роман, кўплаб қисса ва ҳикоялар яратдилар. Бу факт ўзбек ёзувчиларининг ижодий фаоллигидан далолат беради. Мазкур асарлар ҳар хил мавзуларда, ҳар хил услубларда яратилган бўлса-да, ёзувчиларимиз бугунги кунда муҳим аҳамиятга молик фикрларни айтишга интилганлар. Мана, масалан, К. Яшиннинг «Ҳамза», Ҳ. Ғуломнинг «Мангулик» каби романларини ёхуд А. Мухторнинг «Бухоронинг жинкўчалари» қиссасини олиб кўрайлик. Булар тарихий-революцион мавзудаги асарлардир. Уларнинг ҳар қайсисида авторлар ўз олдиларига айрича ижодий вазифалар қўйиб, ўз иқтидорларига яраша ҳал қилганлар. Лекин шу уч асарни бирлаштириб турадиган жиҳатлар ҳам бор. Маълумки, чет эллик мухолифларимиз совет Шарқига социалистик революция экспорт қилинган, деб лоф урадилар. Бу уч асар ана шундай туҳматларни бой ҳаётий материал асосида, одамлар тақдири орқали фош этади. Яшин Ҳамза босиб ўтган алангали йўлларни кўрсатар экан, XX аср бошларида Туркистонда революцион зиддиятлар кескинлашганини ва улар портлашга олиб келиши муқаррар эканини тасвирлайди.

«Бухоронинг жинкўчалари»да ёзувчининг диққат марказида ёш Файзулла Хўжаевнинг изтиробли изланишлари, ҳақиқат йўлини қидириши туради. Лекин шундай бўлса-да, ёзувчи Файзуллани Бухоронинг жинкўчаларидан катта инқилоб йўлига олиб чиққан омилни моҳирлик билан очган. Бу омил — бутун Бухоро музофотидаги ҳаётни жунбушга келтирган революцион вазият. У — ҳаётнинг ичичида, пичоқ суягига қадалган одамларнинг қалбида, орзу-умидларида, келажакка талпинишларида.

Учала асар ҳам бадиий мантиқ ёрдамида Ўрта Осиёдаги ҳаётнинг ўзида, ички зиддиятлар туфайли революцион вазият пишиб етилганини исботлайди. Бу эса шу асарлардаги гражданлик руҳини кўрсатувчи, уларни бугунги кун билан боғловчи жиҳатлардан биридир.

Табиийки, замонавий мавзуларда ёзилган асарларда ҳам гражданлик руҳи етакчи мавқе тутиши лозим. Бунда асардаги гражданлик руҳини таъминлайдиган энг муҳим омил шундаки, социалистик жамиятнинг жамики афзалликлари, совет халқига келтирган буюк неъматлари, совет кишиларининг улуғворлиги асарларимизда рўй-рост тасвирланиши лозим. Бу жиҳатдан республикамиз босиб ўтган тарихий йўл ҳам, унинг бугунги ҳаёти ҳам ёзувчига битмас-туганмас материал беради. «Кўз ўнгимизда қандай воқеалар содир бўлаётганига қаранг,— деб ёзади ўртоқ Л. И. Брежнев «Қўриқ» асарида.— Жуда катта омма жойларини ўзгартирмоқда, кўп миллатли коллективлар майдонга келмоқда, янги оилалар туғилмоқда, характерлар тобланмоқда, давримиз қаҳрамонлари чиниқмоқда... Жамики ҳаёт тарзи ўзгармоқда, одамларда янги психология туғилмоқда. Содир бўлаётган ҳодисаларнинг улуғворлиги ва драматизми нақотки ҳақиқий санъаткорни ҳаяжонга солмаса!»

Сўнгги йилларда яратилган бир қанча асарларда воқелигимиздаги ана шу улуғвор, драматизмга тўла воқеалар, давримизнинг асл қаҳрамонлари, маълум даражада бўлсада, ўз ифодасини топди. Бу ўринда мен, биринчи навбатда, О. Ёқубовнинг «Диёнат», Ў. Усмоновнинг «Гирдоб» романларини кўзда тутаётирман.

«Диёнат»— қамрови кенг асар. Унинг марказида колхоз раиси Отакўзининг характери турса-да, ёзувчи бугунги ўзбек қишлоғининг мураккаб, кўп қатламли манзарасини тўла қамраб олишга интилган. Ёзувчи кескин ҳаётий зиддиятларни қаламга олишдан чўчимайди. У ҳаётга анча теран қарайди. О. Ёқубов илғор пахтакорлар, колхоз арбоблари образини чизар экан, уларга фақат ишлаб чиқаришда эришган кўрсаткичларга қараб ёндашмайди, балки бугун том маънода илғор одам бўлиш учун энг юксак маънавий талабларга жавоб бериш лозимлигини таъкидлайди.

Ў. Усмонов ҳам ўз романида ҳаётимиздаги энг муҳим масалаларга эътибор берган. Унинг қаҳрамонлари олимлар, селекционерлар. Улар пахтанинг янги, бақувват, тезпишар навлари устида иш олиб борадилар. Бироқ бу соҳадаги ишлар ҳам осон кўчмайди — улар кескин тўқнашувлар, муросасиз кураш жараёнида кечади. Бу курашнинг бир қутбида — нопок, виждон амрига бўйсунмайдиган, ўз манфаати йўлида бошқаларни қурбон қилишдан тоймайдиган худбин кучлар турса, иккинчи қутбида — ҳалол ва пок, виждонли одамлар туради. Ў. Усмонов ҳаётнинг ҳар қандай қолиплардан, схемалардан юқори туришини, кутилмаган зиддиятларга тўла эканини яхши билади. Бу эса унинг асарига теран бир ҳаётийлик бахш этган.

Гражданлик руҳи ўзбек қиссачилигида ҳам турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Албатта, бу мақолада сўнгги тўрт-беш йил ичида яратилган кўплаб қиссаларнинг ҳаммасини таҳлил қилиш эмас, номларини санаб чиқиш ҳам мушкул. Шу сабабли бир-икки қисса ҳақида мулоҳаза билдириш билан чекланамиз. Кўп жиҳатдан менга маъқул бўлган қиссалардан бири Э. Аъзамовнинг «Отойининг туғилган йили» қиссасидир. Ўзига хос услубда, пишиқ, рангдор тил билан ёзилган бу асар зўр эҳтирос билан мешчанлик психологиясини фош қилади. Унинг бош қаҳрамони ўзига хос исёнкор шахс — у ўз тенгқурлари орасида тарқаган ҳаётга истеъмолчилик позициясидан қараш касалини ёқтирмайди, ҳар қадамда унга қарши чиқади, ҳақиқатгўйлиги туфайли кўпчилик билан тўқнашувга мажбур бўлади. Лекин ҳақиқатгўйлиги унинг бошига қандай кулфатлар келтирмасин, у ўз қарашларидан чекинмайди. Майли, ҳали унинг қураши, мешчанлик ва худбинликни инкор қилиши анча жўн бўлсин; майли, ҳали унинг характерида анчагина анойи-соддалик бўлсин, лекин унинг қалби тоза. У виждонли яшашнигина чин ҳаёт деб билади.

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси ҳам аллақандай тиниқлиги билан кишини мафтун этади. Адиб қишлоқ ҳаётини яхши билади, унинг ҳикоясига ишонасан, киши. Бироқ қиссанинг қиммати, баъзи танқидчилар айтганидек, ўзбек миллий урф-одатларини, кураш манзараларини, унинг тартиб-қоидаларини мукаммал тасвирлаб берганида эмас. Менингча, қиссага алоҳида ҳаётийлик ва жозиба бахш этган нарса шундаки, автор оддий одамлар қалбидаги инсоний ғурурнинг, кенгликнинг, мардликнинг гўзаллигини яхши ифодалаган. Қиссани ўқиб, ундаги қийинчиликлардан тап тортмайдиган, ҳар нарсадан номус-орни юқори қўядиган, виждон амри билан яшайдиган одамларни беихтиёр севиб қоласан.

М. Муҳаммаддўстнинг «Чоллардан бири» деб аталган қиссаси ҳам китобхонда яхши таассурот қолдиради. Бу ёзувчи ҳам қишлоқ ҳаётини бутун тафсилотлари билан яхши билади. У ўз қаҳрамонини севади ва бу севгисини китобхондан яширмайди. Ўйлайманки, қисса қаҳрамони Мустафо чол ўзига хос характери билан адабиётимиз аҳолисини бойитадиган образдир. Қисса мунозараларга ҳам сабаб бўлди. Айрим танқидчилар Мустафо чол образини нуқсонли, кемтик, мажруҳ характер сифатида баҳоламоқдалар. Жумладан, У. Нормотов «Социалистик реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараён» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1980 йил, 5-сон) Мустафо чол образининг моҳиятини хокисорликда кўради, уни тақлидчилик меваси деб ҳисоблайди, «бугунги кунда Мустафо типидаги ўта хокисор, оми, муте бир одамни ҳар жиҳатдан «эзгулик, ҳалолликнинг рамзи», деб бўлармикан?», дея савол қўяди ва унга рад жавобини беради. Биринчи қарашда, танқидчи ҳақдек кўринади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрилса, масала бир оз бошқачароқ. Қиссада муаллиф Мустафонинг қолоқлиги, омилигини оқламайди, уни тарғиб ҳам қилмайди. Аксинча, шу «қолоқ»лиги ёки омилигига қарамай, унда ҳам кўпгина олижаноб сифатлар борлигини кўради ва бундан қу-

Тақриз

СЎЗ ҚУДРАТИ БАҲСИДА



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом янги китобида[1] халқимизнинг инқилобий адабиёти, янги давр ва янги эътиқод, ватанпарварлик ва интернационализм, кескин зиддиятлар ва курашлар, марксча-ленинча ғоялар тантанаси, босиб ўтилган жанговар йўл ва йиллар хусусида бир жонкуяр қаламкаш сифатида мулоҳаза юритади. Китобда акс этган тарихий давр Улуғ Октябрь инқилобидан то ҳозиргача бўлган қаётдир. Ана шу маънавий-эстетик ҳаёт адабий-бадиий ривожимизга оид шонли йўллар, йиллар, устозлар, дўстлар, сафдошлар ва шогирдларнинг шахсий, дилга яқин тарихини ҳам қамраб оладики, бу — китобхонлар учун жуда қадрлидир. Атоқли арбоб Акмал Икромовнинг ижтимоий фаолияти ва поэтик салоҳияти, Ҳамза Ҳакимзоданинг ўлмас мероси, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирийнинг қудратли ижоди, Ҳамид Олимжоннинг қайноқ интернационал фаолияти ва жўшқин шеърияти, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Мақсуд Шайхзоданинг бутун бир даврни ташкил этган бой эстетик хазинаси, Усмон Носир ва Амин Умарийнинг ёлқинли ижоди, Комил Яшиннинг инқилобий драмалари ва Шароф Рашидовнинг машҳур романлари, Зулфия ва Миртемирнинг рангин шеърияти, Мирмуҳсин ва Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов сингари забардаст адибларимизнинг элга ардоқли бадиий полотнолари муаллифнинг тийрак назари билан мушоҳада этилади, ўзига хос адабий-публицистик, хотира, танқидий таҳлил усуллари орқали китобхонга ҳавола қилинади. Хуллас, адиб бу китобида истеъдодли мунаққид сифатида бой эстетик меросимизни таҳлил этади.

Адиб хоҳ устозлар ижодини, хоҳ қурдошлар номини қаламга олмасин, инсоф ва адолат, холислик ва мардлик билан иш тутади. Бирор муътабар санъаткор ҳақида гап кетганда, бошқаларни четлаб ўтиш ёки назардан соқит этиш ноинсофлик эканлигини рўй-рост уқтиради: «Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўзбек совет адабиётининг муҳташам иморатига ғишт терган Ҳамзани эслаганимизда ва ўқиганимизда унинг қурдошларини, замондошларини ҳам ёдлашимиз, улуғлашимиз керак. Шахсан мен 1920—30-йилларда Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Шокир Сулаймон, Элбек, Чўлпон, Сўфизода ва яна ўнлаб бошқа ёзувчилар билан бир неча марталаб учрашганманки, буларнинг ҳар бири тўғрисида вақти билан хотиралар ёзарман, нақллар айтарман». Автор бу зотларнинг ҳар бири бир дунё эканлигини таъкидлаб, улар яратган асарлар адабиётимиз тарихига тўла дахлдорлигини тасдиқлайди.

Ҳақгўйлик ва халқчиллик эгизак тушунчалар бўлиб, Ҳамид Ғулом тўғри ўйлаганидек, «умуман, халқнинг чин муаллими бўлган ёзувчи учун халқпарварлик олий фазилатдир». «Истеъдод эгасининг кўзи ўткир, дили пок, фикри кенг бўлиши керак. Ёзувчи ўз мафкурасида собит тура билиши шарт», дейди Ҳамид Ғулом. Характерли жойи шундаки, автор мунаққидлик илми орқали фақат адабиёт ёки бир неча қаламкаш учун жанг қилувчи айрим адабиётчилар йўлини дангал рад этади; у, умуман, адабиёт ва санъат орқали, шунингдек, адабиётшунослик ва мунаққидлик орқали эл-юрт, халқ учун, унинг эзгу орзу-умидлари, халқ мушкулотлари ва машаққатларини енгиллатиш учун курашга чорлайди. Санъатда миллий фазилатлар ва миллий шакл зарур бир эстетик омил эканлигини баён этади: ўзбек совет ёзувчилари, умуман, мамлакатимиз тарихини, айниқса, Шарқ тарихини, Шарқ тилларини яхши билишлари зарурлигини уқтиради; китобхонни эстетик тарбиялаш давр талаби эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Ёзувчи Советлар мамлакатидаги адабий жараённинг бир бутунлигини чуқур ҳис этиб, ёш санъаткорларга қарата, бадиий ижоднинг учта катта мактаби борлигини айтади. Булар: фольклор, ўз классик адабиётимиз ҳамда рус классик ва кўпмиллатли совет адабиёти мактабларидир. Китобнинг яна бир ўзига хос хислати шундаки, халқимизнинг ана шу уч мактабда таълим олиб орттирган бой тажрибаси Ўзбекистон мисолида муаллифнинг ҳаётий мушоҳадалари кўзгусида равшан очила боради.

Ҳамид Ғулом бу китобида фақат ютуқларимизни таҳлил этибгина қолмай, қатор камчиликларни ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб ўтади. Зеро, бу қоидадан чекинган санъаткор ҳам, мунаққид ҳам эл назарига, халқ эҳтиромига мушарраф бўлолмайди. Йирик поэтик полотноларнинг бизда ҳозир кам яратилаётганлиги, ҳаётни зиддиятлардан холи, юзаки тасвирловчи асарлар ҳам ҳамон эълон қилинаётгани, сийқа мисралардан иборат шеърлар ҳам кўплаб учраб туришини адиб ачиниш билан таъкидлайди. Авторнинг бадиий таржима соҳасида ижодий мусоҳаба, баҳслар, конкурслар ўтказилмаётганлиги, ўзбек шеърияти ҳақида проблематик ва обзор мақолалар жуда кам ёзилаётганлиги, бадиий тил нафосатига доир илмий тадқиқотлар яратиш зарурлиги, ўртоқларча адабий мунозараларнинг деярли кўринмай қолганлиги тўғрисидаги хулосалари алоҳида эътиборга лойиқдир.

«Йиллар, йўллар, устозлар» китобида айрим баҳсли ўринлар ҳам бор. Бадиий ижод ва инъикос, адабиётнинг обрўси, истеъдоднинг туғма эканлиги тўғрисидаги хулосалар кенгроқ, батафсилроқ изоҳ ва далилларга муҳтождир. Масалан, «Шеърият... инсон қалбининг инъикосидир» (35-бет) деган хулосани олайлик. Буни ўқир экан, китобхонда: «Шеъриятда халқ ҳаёти инъикос этмайдими? Поэтик инъикосда халқ ҳаёти билан шоир қалбининг мутаносиблиги қандай?», деган саволлар туғилиши табиийдир. Лекин, айни пайтда, бу хил баҳсли ўринлар авторнинг фикри, тажрибалари тобора бойиб, ўсиб, янги фазилатлар кашф этиб бораётганидан ҳам дарак беради.

Ҳамид Ғулом ёзадики, ҳар бир ёзувчи ижоди «адабиётимиз куррасида янги бир боғ бўлиб кўкаради, яшнайди, ҳосил беради». Бу нурли қисмат насиб этган ижодкор чиндан ҳам бахтиёрдир. Айтиш керакки, авторнинг ўзи ҳам бахтиёр ёзувчи ва мунаққиддир. Чунки, халққа, ҳаётга яқинлик, жамиятга, одамларга зарурлик — ёзувчи учун чинакам бахт. Дарҳақиқат, «Йиллар, йўллар, устозлар» тўплами халққа, китобхонга, адабиётга керакли китобдир.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,
фалсафа фанлари кандидати

---

[1] Ҳамид Ғулом. Йиллар, йўллар, устозлар. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1979.

вонади. Ҳаётда Мустафо типидаги одамлар учраб туради. Шундай экан, ёзувчи уларни тасвирлашга ҳақли. Қиссанинг пафоси эса энг оддий, ҳатто хокисор одамларда ҳам мавжуд бўлган ижобий сифатларни улуғлашдир. Мустафо менга кўпроқ арман ёзувчиси Г. Матевосяннинг чўпонларини, улардаги соддалик ва покликни эслатди.

Юқорида зикр этилган романлар ва қиссаларни ўқиб чиқиб, гражданлик принципи масаласида яна бир мулоҳазага келиш мумкин: гражданлик руҳида муҳаббат ва нафрат узвий бирикиб кетади, ҳаққонийлик ва маҳорат гражданлик руҳини намойиш этадиган, рўёбга чиқарадиган асосий воситага айланади.

Социалистик воқеликка муҳаббатсиз, совет кишисига, унинг бой маънавий оламига муҳаббатсиз, инсониятнинг асрлар давомида ардоқлаб келган энг юксак, энг олижаноб идеалларига муҳаббатсиз адабиётда гражданлик руҳини ифодалаб бўлмайди. Айни чоқда инсон шаънига доғ бўлиб тушадиган турли-туман иллатларга, олға ҳаракатимизга ғов бўлувчи ҳар хил камчиликларга нафратсиз ҳам санъаткор гражданлик бурчини бажара олмайди. Адабиёт — воқеликнинг оқсочи эмас, у воқеликка хушомад билан яшамайди. Аксинча, адабиётнинг муқаддас бурчи ҳаётдаги жамики нурли томонларни улуғлаб, жамики иллатларни аёвсиз фош қилишдир. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни янада яхшилаш ҳақида» деб чиқарган қарори буни яна бир карра таъкидлади. «Ҳамон учраб турадиган ижтимоий ҳаётимиздаги актуал масалаларни ошкора муҳокамага қўйишдан чўчиш, ҳал қилинмаган муаммоларни, ўткир масалаларни хаспўшлаш, четлаб ўтиш тенденцияси, реал ҳаётда мавжуд бўлган камчиликлар ва қийинчиликлардан кўз юмиш партия ғоявий-тарбиявий иш олдига қўяётган вазифаларга сира ҳам мос келмайди. Бундай ёндашув, тантанабозликка мойиллик ишга ёрдам бермайди, балки умумий вазифаларимизни ҳал қилишни қийинлаштиради, холос».

Тарихий қарордаги бу сўзлар бевосита ёзувчиларга қарата айтилгандек туюлади. Лекин, афсуски, худди шу масалада — бугунги ҳаётни бутун мураккаблиги, реал зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирлаш масаласида адабиётимизда оқсаш сезилмоқда. Бунинг оқибатида конфликтсиз асарларнинг сони ортиб бормоқда. Тўғри, бугун конфликтсизлик назарияси йўқ. Асар жиддий конфликтлар асосида қурилиши кераклигини ҳамма яхши билади. Лекин шундай бўлсада, реал ва ҳақиқатан ҳам жиддий конфликтлар топиш унча осон кўчмаётир. Дарҳақиқат, асарда қандайдир зиддиятлар, қандайдир тўқнашувлар бўлса-ю, лекин илк саҳифаданоқ бу тўқнашувлар қандай ечилиши, ҳал этилиши маълум бўлиб турса, яхши ғалаба қозониб, ёмон мағлубиятга учрайверса, буни реал конфликт деб бўладими? Айрим ҳолларда эса баъзи ёзувчилар реал ҳаётий мураккабликлар ўрнига сунъий, тўқилган, арзимас конфликтларни тасвирлаш йўлидан борадилар. Бундай ҳолларда ҳам ҳаёт ҳақиқатига путур етади ва ёзувчининг асари қандай муҳим масалага бағишланган бўлмасин, ишонтириш кучидан маҳрум бўлади. И. Раҳимнинг «Одам қандай тобланди» романи матбуотда ҳақли танқид қилинди. Ўйлайманки, ёзувчини муваффақиятсизликка олиб келган сабаблардан бири — реал ҳаётий зиддиятларни асарга асос қилиб олинмаганида.


Рустам Раҳмоновнинг «Қутлуғ қадам» романи ҳам замонавий мавзуда ёзилган — у бугунги қишлоқ ҳаётидан, пахтакорлар меҳнатидан ҳикоя қилади. Бу романда ҳам муайян фазилатлар бор, лекин бош масалада — ҳаёт ҳақиқатини яхлит ва мураккаб тарзда кўрсатишда оқсаш бор. Оқибатда унинг қаҳрамонлари бугунги одамларнинг қиёфасини акс эттирадиган типик характерлар даражасига кўтарилмаган.

Афсуски, адабиётимиздаги бундай қусурлар гражданлик руҳини янада чуқурроқ сингдиришга халақит бермоқда.

* * *

Совет адабиёти ўзининг халқ ҳаётига яқинлиги билан кучли. У кенг меҳнаткаш халқ оммасининг манфаатларига сидқидилдан хизмат қилишини, яъни ўзининг тенденциоз, партиявий адабиёт эканини ошкора тан олади ва бундан фахрланади. Худди шу хислат кўп миллатли адабиётимизнинг 60 йилдан ортиқроқ муддат давомида тўғри йўлдан оғишмай ривожланиб боришини таъминлаган омил бўлди. Шу сабабли ҳам чет эллдаги мухолифларимиз адабиётимизнинг айни шу хусусиятини — гражданлик принципига, партиявийлик принципига содиқлигини кўролмайдилар ва совет ёзувчиларини партия буйруғи билан иш тутувчи одамлар сифатида камситмоқчи бўладилар. Бу туҳматларга М. Шолоховнинг машҳур сўзларини яна бир карра эслаб жавоб бериш мумкин — совет ёзувчилари юрак амри билан ёзадилар, уларнинг қалби эса бутунисича партияга, жонажон халқимизга бағишлангандир. Санъаткор учун ўз халқига, ўз ватанига хизмат қилишдан ортиқ бахт йўқ!

ЎЛКАМИЗ ШАЙДОСИ



Николай Иванович Леоновнинг олим сифатида донг таратган даври менинг ўспиринлик йилларимга тўғри келади. «Ленин учқуни»га Фарғонадан хабар ёзиб юрган пайтларим эди. Редакция менга газетхонлар учун олимнинг суҳбатини уюштириб беришни топширди. Ўлкани ўрганиш ҳақида.

Бу суҳбат жуда қизиқ бўлиши мумкин эди. Чунки профессор Н. И. Леонов атоқли сайёҳ, Урта Осиёда унинг қадами етмаган жой йўқ. У П. Семёнов-Тяншанский, А. Федченко, А. Северцев каби машҳур сайёҳларнинг маршрутлари бўйича кезиб, ўлкамиз водийлари, тоғ дарёлари, музликлари, чўққилари ва саҳролари ҳақида ўнлаб китоблар ёзган. Олой тоғларининг юксак чўққиларидан бирида «Профессор Леонов довони» ҳам бор. Атоқли сайёҳ ва географ олимнинг Фарғона, Андижон институтлари ва Самарқанд университетидаги лекцияларига одам ёпирилиб кетарди.

Профессорнинг ҳузурига киришдан аввал унинг «Қитъаларнинг келиб чиқиши», «Мирзачўл» каби китоблари билан танишдим. Унинг асарларига академик В. Обручев сингари забардаст олимлар юксак баҳо берган экан. Олим билан суҳбатлашиш учун унинг иш жойига — Фарғона Педагогика институтининг география факультетига бордим. Николай Иванович 1930 йили ана шу институтни ва кафедрани ташкил этганлардан бири, атоқли географ, аммо...

Аммо танишиб, суҳбатлаша бошлаганимда у мутлақо мен ўйламаган бошқа одам бўлиб чиқди. У менинг шеър ёзишимни билгач, ўзини бутунлай бошқа жиҳатдан танитди. Бу бақувват, кўркам, жуда самимий одам аввал 1915, 1926, 1928, 1929 йилларда босилиб чиққан «Зангори оқшом», «Шеърлар», «Шимол ҳақида», «Воробьёв тоғидаги қасамёд», деган китобларини олдимга териб қўйди. Ажойиб шеърлар, буюк Герцен ҳақида қисса... Мен ҳаяжонланиб кетдим. Рўпарамда кўпгина катта-катта китоблари чиққан билимдон ёзувчи турарди. Шу куни у менга Олтой, Тува, Уссурий саёҳатлари, тарихий-ўлкашунослик ва археологик экспедициялари, альпинистлик саргузаштлари, астрономик изланишлари тўғрисида ҳикоя қилиб, «Улуғбек», «Самарқанд астрономларининг илмий жасорати» деган асарлари, Беруний ҳақидаги мақолалари билан таништирди. Суҳбатдошим кўз ўнгимда тобора мураккаб, беқиёс билимлар эгаси, ажойиб, олижаноб шахс бўлиб гавдаланар, унинг географлик шуҳратими, ўта камтарлигими, нодир қобилиятининг бошқа ҳамма жилоларини яшириб юрганлигими — маълум бўлар эди.

Шу суҳбатдан кейин мен профессор Леоновнинг ҳаётини, айниқса унинг адабий ва ижтимоий фаолиятини зўр қизиқиш билан кузатиб бордим. Балки журналхонларимизнинг ҳам ёдидадир: 1948 йили «Литературний Ташкент» альманахида унинг «Бибихоним», «Улуғбек» новеллалари чиқди. 1967 йили «Дружба народов» журнали ёзувчи С. Баруздиннинг кириш сўзи билан унинг шеърларини эълон қилди. Оила аъзоларининг хабар беришича, олимнинг архивида «Қирқинчи кенглик шеърлари», «Фарғона куйлари», «Нева қўшиқлари» деган шеърий туркумлар, Пушкин ва Стендаль ҳақидаги достонлар, «Сариғ Эдип» драмаси ва бошқа кўп қўлёзмалари сақланади.

Николай Иванович Ўзбекистон жамоатчилигига яхши таниш олим ва жамоат арбоби эди. У Тинчлик тарафдорлари республика комитетининг, Бутуниттифоқ География жамиятининг, Шарқшунослар уюшмасининг, «Билим» жамиятининг фаол аъзоси эди.

Қуйида Николай Леоновнинг Ўзбекистон ҳақидаги шеърларидан бир нечасини таржима қилиб босмоқдамиз.

Асқад МУХТОР

Николай ЛЕОНОВ

Ўрта Осиё

Яна бағрингдаман, эй, азиз ўлка.
Чўллар нафасини сездим кўксимда.
Ёмғирдан сўнг, ёвшан ҳидидан маст,
Бир ёстанай чайлам — кўшкимда.

Қалбим шунда экан. Қалбим қолган экан
Кекса оқинларнинг дўмбирасида.
Қолган экан шунда нигоҳим ҳам —
Кўҳна қўрғонларнинг кунгирасида.

Бир келган бу ерда мангу қолади,
Агар чинакамдан юрса омади.

1958

Исфайрамсой

Беш кун эгардан тушмай,
Юрдик тоғ ошиб...
Сен мени қийнайсану
Мен сенга ошиқ.

Шалола суронлари —
Мисли бир байрам.
Тошларни юмалатиб
Шошар Исфайрам.

Сўқмоқ, такадай сакраб,
Югурар пастга.
Тоғлар бош қўйган гўё
Мовий атласга.

Бу гўзаллик бизнинг ҳам
Саодатимиз:
Шу жойларда туғилди
Муҳаббатимиз!

1962

Улуғбек

Уч ҳолатда кўз ўнгимга келар...
Бири — маъсум сабий, норасида чоғ.
Улуғлик, донолик кўрсатар эди
Жаҳонгир бобонинг этагидаёқ.
Бобосига берар заррин ёрлиқ олиб
Элчи Клавихонинг қўлидан...

Тарағай деб умид қўйди бобо,
Аммо у бормади бобо йўлидан.
Бошин сиқар эди тож исканжаси,
Сирли таҳликада ўтди ҳаёти.
Фақат юлдузларнинг сеҳри туфайли
Асрларда қолди Улуғбек оти.

Яна — тунги расадхонада,
Зангор зиналарда кўраман уни.
Коинотга туташ шу мовий йўлда
Яшашнинг, курашнинг бутун мазмуни.

Аммо у билади — зулмат, ўпқонлар бор,
Қайдадир илонлар ғимирлар...
Тиниқ осмон эса мангуликка чорлаб
Жимирлар, жимирлар, жимирлар.

Учинчиси... Қонли ғуруб, тун.
Сояларнинг мудҳиш ўйини.
У сўнгги бор сезди ариқ ёқасида
Бинафшанинг нафис бўйини.
Юлдузлар ёнмасди лойқа ариқда.
Шу ариққа оқди аллома қони.
Ўпқон каби қутсиз ўша қора туннинг
Бизнинг кунларгача етди фиғони.

1960

Фарғона

Бу ном янграганда
Кўз ўнгимда менинг —
Тонг кўкида ёнган тоғлар қояси.
Тошдан тошга сапчиб оққан сой,
Минг йиллик чинорлар сояси.

Бу ном янграганда
Дилимда менинг —
Табаррук чолларнинг қутлуғ таъзими.
Ҳамон тебратади қалбим торларин
Қадим наволарнинг шўхи, ҳазини...

Бу ном янграганда
Тилимда менинг —
Хушбўй қовунларнинг ширали тами.
Тилимдадир номинг, дилимда ёдинг,
Азиз йилларимнинг азиз ватани!

1965

Сўзана

Бундай кунлар қалб энтикади.
Кунлармас, зангори тушлар сингари.
Қизлар сўзанага гуллар тикади,
Айвонда тизилиб, қушлар сингари.

Гўё нигоҳингни сеҳрлайди қўллар,
Заррин ришталарда яшринган толеъ.
Ҳа, бу ўша асрий ипак йўллар,
Доно соддаликнинг тирик тимсоли.

Сизлар чоллар учун мунча хатарлисиз,
Қизларим, фусункор, шўх ўктамларим?
...Бормисиз, нечтасиз, мени кутармисиз,
Анвойи гулларга ғарқ кўкламларим!

1967

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ



Олий ўқув юртларининг талабалари ва тарих-жамиятшунослик ўқитувчилари ўлкамиз тарихини ўрганиш бўйича ўзбек тилида ёзилган дарсликларнинг камлиги сабабли анча қийинчиликларга дуч келар эдилар. Кейинги йилларда етакчи олимларимиз бу хайрли ишга қўл уриб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти тарих фанлари кандидати А. Набиевнинг ўлкамиз тарихини ўрганишга бағишланган дарслигини босмадан чиқарди[1].

Дарслик педагогика институтлари ўқув программасига мувофиқлаштириб ёзилган. Автор китобни яратишда жуда кўп археологик, этнографик, топономик ва тарихий адабиётлар ҳамда турли ҳужжатлардан фойдаланган. Унда ўлкашунослик Ўзбекистон ССР тарихини, маданият ёдгорликларини ўрганишнинг муҳим воситаларидан бири экани таъкидланади. Мамлакатимиздаги, хусусан Ўзбекистондаги тарихий-маданий ёдгорликлар жаҳон маданий меросининг таркибий қисми эканлиги, мамлакатимиз халқларининг жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшганлиги қайд этилади.

Дарсликда жуда кўп фактлар умумлаштирилган, ўлкашунослик жабҳаларини ўрганишга изчиллик билан ёндашилган. А. Набиев дарслиги бунгача бўлган қўлланмалардан бирмунча мукаммаллиги билан ажралиб туради. Айни пайтда, автор ўлкашунослик масалаларини ёритишда ўзига хос йўлдан боради. Бу эса ўқувчини яна изланишга, қўшимча адабиётлар топиб ўқишга ундайди.

Саккиз бобдан иборат китобнинг умумий мундарижаси Улуғ Октябрь революциясига қадар ўлкани ўрганиш масалалари, рус ва маҳаллий шарқшунос олимлар, тарихчилар фаслияти, совет даврида ўзбек археологиясининг равнақ топиши, Ўзбекистон этнографияси ва топономикасининг ўрни, ўлкани ўрганишда архив ҳужжатларининг аҳамияти ҳамда улардан фойдаланиш усулларини ўз ичига олади. Дарсликнинг сўнгги бобларида Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг экспонатлари билан таништирилади, мактаб халқ музейларини ташкил этиш ва ўлкашунослик тўгаракларининг амалий машғулотлари хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилади.

«Тарихий ўлкашунослик»да ҳар бобга даҳлдор ўттизга яқин рангли ва рангсиз расмлар ҳамда жадваллар берилгани китобнинг қимматини янада орттирган. Дарслик кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан ўлка тарихи билан қизиқувчи ҳар бир киши фойдаланиши мумкин.

Китоб ниҳоятда тез тарқалиб кетди, бу ҳам унинг ғоят ўз вақтида ёзилган ва зарур дастур эканини кўрсатади.

Бекдавлат АЛИЕВ

---

[1] А. Набиев. Тарихий ўлкашунослик. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1979.

НАҚЛИЯТ

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган




— Машиналар нега бекор турибди?
— Ҳали янги, кўзимиз қиймаяпти...



— Хўш, ўртоқ бошлиқ, бу йил ҳам бизни бултурги каталакка тиқмоқчимисиз?

— Комиссия ўтиб кетгунча бу тарафни кесмай турингланг, айбимиз очилиб қолади...



— Ойи, мен ҳам балерина бўламан. Қаранг, унга масза, доим қўлда кўтариб юришади.



— Бугун ҳаётимни бошқатдан бошлашга қарор қилдим.
— Э, бугун туғилган кунинг экан-да? Ювамиз!..



Эркатой биринчи синфга қадам қўйди...

Редакция почтасидан

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИГА МУҲТОЖМИЗ

«Гулистон» журналининг 3-сонида босилган «Шахсий хўжаликнинг умумий ташвишлари» деган мақолада баъзи етилган масалалар тўғри талқин қилинган.

Маълумки, ҳар бир хонадонда колхоз уставида белгиланган миқдорда мол бор. Хонадонлар оила аъзолари эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларни тайёрлов идоралари орқали давлатга сотадилар.

Партия ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорларида қайд қилинганидек, бу аҳолининг тобора ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ёрдамчи омилдир. Лекин бир нарса ҳалигача тартибга тушмаган. Совхоз ишчиси ёки колхозчи моли касалланганда ташвиш тортади. Хўжаликнинг ветеринария врачи эса шахсий молларга қарамайди, бу вазифа унинг зиммасига юклатилмаган.

Истагимиз шуки, маълум кунда совхоз ёки колхоз ветеринария врачи шахсий молларни текшириши ва касалларини даволаши жорий этилса. Эҳтимол, бу ишга пенсиядаги мутахассисларни жалб қилиш лозимдир. Бунинг учун колхозчи ёки ишчи хўжалик кассасига хизмат ҳақини тўлаши мумкин.

Иброҳим РАҲМАТУЛЛАЕВ

Ўзбекистон райони,
«Комсомол» совхози

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ИККИ МАСАЛ

Мушук ҳақида

Ўзини кўрмаган бўлса-да, гарчи,
Йўлбарснинг довруғин эшитдию Мош —
Деди: «Бир ўзимни синаб кўрсам-чи,
Йўлбарс сиёқлиман, бўлсам ҳамки ёш...»
Орзуга айб йўқ, дейдилар, аммо —
Бетайин орзу ҳам бошга бир бало...
Тўқайга келди-ю, хулласи калом —
Таъзим билан деди: «Эй, устоз, салом!
Шогирд бўлай дея келдим мен Сизга,
Керакли йўл-йўриқ ўргатинг бизга».
Йўлбарс қарасаки, ғирвайган маҳлуқ,
Гўлайиб турибди, икки кўзи лўқ.
Елка қисиб деди: «Хўш, айт-чи, қани —
Сенга ўргатайин... нимани?»
Мушук чапдаст деди: «Йўлбарсликники-да...
Ёшлигимдан орзу қиламан жуда!»
«Ҳм... шунақа дегин...— Йўлбарс қашлар бош,—
Отинг нима эди? Ҳа, тушундим, Мош.
Гап бундай: не қилсам — шуни қиласан,
Ишимизни ўзинг кўриб, биласан...»
Қуллуқ қилди Мушук, боши осмонда.
Йўлбарс ов бошлади бир кун ўрмонда,
«Кетимдан қолмагин» дея Мушукни,
Қувлаб кетди устоз учқур кийикни.


Жон ҳолатда чопар шогирд ҳаллослаб,
Устоз ўлжа билан кетди олислаб.
Ҳарчанд уриндию — ета олмади,
Устоз этагидан тута олмади.
«Эҳтимол,— дер Мушук,— янаги сафар —
Қаттиқроқ уринсам — меники зафар...»
Яна ов ва лекин Мушук бечора —
Тўқайда улоқиб, бўлиб овора —
Қилолмай бирорта юмушни удда —
Ҳолдан тойиб, абгор бўлди-ку жуда...
«Укам, сенга жуда қийин бўлди-ёв,—
Дер Йўлбарс,— илгари қилганмидинг ов?»
«Ҳа,— дер дум қисиб Мош,— сичқон овлардим...»
«Шунақа экан-да, мен ҳам пайқадим,
Яхшиси — ўзингнинг овингдан қолма,
Бизнинг иш — оғир иш, кўнглингга олма...»
Устоз ўгитини олиб қулоққа,
Мушук астагина қайтди қазноққа.

Улуғлар шуҳратин қил, майли, ҳавас;
Лекин ўз ишингни қойиллатсанг, бас!

Яна Мушук ва Ит ҳақида

Мени маъзур тутсин уй ҳайвонлари,
Яна улар ҳақда ёзилди масал.
Яна Ит ва Мушук —«қаҳрамон»лари,
Лекин бу галгилар — бошқачароқ сал:
Катта дарвозали, ҳашамдор уйда
Бир Лайча ит билан Мушук бўларди.
Хўжайинга эрка эдилар жуда,
Емоғу ичмоқдан йўқ сира дарди.
Ҳай-ҳай, бу Лайчанинг керилгани-ей!
Кўрмаганнинг, дерлар, кўргани қурсин!
Шийпангларди босар-тусарин билмай,
Ё бошқалар турсин, ёки у турсин!
Керилмай бўларми, ахир, хўжайин
Оғзидан суягин қилса марҳамат.
Ҳеч кимса «ҳайт!» дея олмаса тайин,
Меҳмонлар «сиз»сираб, этишса «ҳурмат».
Мушук ҳам олифта, думлари бароқ,
Босайми-босмайми деб ташлар қадам,
Нон берсангиз емай сира ноз-фироқ,
Хўжайин пинжида ухларди ҳар дам.
Лекин икковин ҳам билгани-билган,
Икки ошар эмиш элини қилган...
...Бир кун улар бекор, офтобшувоқда
Ўзаро «тажриба» ўртоқлашишди:
«Қалайсан?» деб Лайча сўрар Бароқдан.
«Ёмон эмас,— дея Мушук керишди.—
Ишқилиб, хўжайин бўлсин-да омон,
Кўнглим бирон нарса тусаган замон —
Келиб, биқинига суркалиб аста
Эритиб оламан уни бир пасда...»
«Баракалла,— дея ҳарсиллар Лайча,—
Бу бобда менинг ҳам ҳунарим анча:
Хўжайиндан суяк кутсам, ўша зум —
Кўзига тикилиб, силкитаман дум...»
Лайча нималардир ғингшиди узоқ,
Мушук бошин силкиб аста хур-хурлар.
Айтувдим-ку, булар — сал бошқачароқ:
Яъни, лаганбардор эди қурғурлар!





КРОССВОРД

Энига: 1. Шахмат устаси. 7. Металл. 8. Ўрта Осиёдаги ГЭС. 9. Тикув қуроли. 10. Табиат ҳодисаси. 11. Дуккакли ўсимлик. 13. Классик шоир. 16. Маъдан. 19. Мактуб. 20. Ҳосил онаси. 21. Футболчи. 22. Музика асбоби. 23. Милтиқ. 24. Вақтли нашр. 25. Фаолият. 26. Иморат. 27. Тропик мева. 29. Америкадаги штат. 31. Оптикавий генератор. 35. От-улов анжоми. 36. Музика асари. 37. Дурадгорлик қуроли. 38. Транспорт тури. 39. Кучланишни меъёрга соладиган асбоб.

Бўйига: 1. Касб. 2. Испаниядаги шаҳар. 3. Газлама. 4. Фарғона водийсидаги қишлоқ. 5. Музика ижрочилари раҳбари. 6. Кема ёки қайиқнинг қисми. 10. Интернационал. 12. СССР халқ артисти. 13. Жонзот. 14. Тасвирий санъат жанри. 15. Ииртқич. 16. Инерт газ. 17. Грамматик термин. 18. Кун. 28. Ширинлик. 30. Район. 32. Бошқотирма. 33. Қариндош. 34. Ҳунар. 35. Исм.

8-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ:

Энига: 3. Кумуш. 6. Бурч. 7. Узум. 10. Қанот. 12. Ихлос. 15. Машқ. 16. Мурч. 18. Дирижёр. 20. Қўлланма. 21. Иссиққўл. 22. Пойафзал. 26. Арғимчоқ. 29. Анжуман. 30. Ором. 31. Руль. 32. Чивин. 33. Палак. 36. Шона. 37. Умид. 38. Мазут.

Бўйига: 1. Калуга. 2. Суғур. 4. Мушоҳада. 5. Гулхайри. 8. Қасқон. 9. Космос. 11. Табиатшунос. 13. Лаъл. 14. Ўроқ. 17. Тўфон. 19. Тўғон. 23. Агра. 24. Замбил. 25. Лалмикор. 26. Аномалия. 27. Ғуррак. 28. Мулк. 34. Марат. 35. Зулук.

Сурхондарё область Ленин йўли районидаги С. Будённий номли совхознинг Хўжамқул Рустамов бошчилигидаги зарбдор бригадаси КПСС XXVI съезди шарафига бошланган мусобақада гектаридан 50 центнердан ошиқ «оқ олтин» ҳосили кўтариш учун курашмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Бундан 60 йил муқаддам улуғ доҳиймиз В. И. Ленин ташаббуси билан ташкил топган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети ҳар йили Ватанимизга қанчадан-қанча олий маълумотли мутахассислар етиштириб беради. Бу йил ҳам юзлаб мутахассислар университет дипломини қўлга олдилар. Суратда ана шундай бахтга муяссар бўлган студентлардан бир гуруҳини кўриб турибсиз. **Н. ШАРИПОВ** фотоси

Тўртинчи бет: Тошкент областининг Оржоникидзе районида жойлашган Ўзбекистон Касаба союзларига қарашли «Ботаника» санаторийси ҳар йили юзлаб меҳнаткашларни ўз қучоғига олади. Бу ерда даволаниб, ҳордиқ чиқарган кишилар куч-ғайрат йиғиб меҳнат қучоғига қайтадилар.

Д. ХУЖАЕВА фотоси

Бош редактор Асқад МУХТОР
Редколлегия: Чингиз АХМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» («Цветущий сад»)— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЙЎЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь —32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари —33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими —33-36-02; рассомлар бўлими —32-58-32.

Босмахонага туширилди 21.07.80 й. Босишга рухсат этилди 29.08.80 й. Р — 03177. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 268890. Буюртма 3725. Нашр А — 105.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Бакелит за чайни
Индекс 75223